


Элчин
Сафарли



ҚАЙТГАНИМДА

ёхуд баҳт ва айрилиқ
битигими тақдирнинг?

Уйда бўл...

Элчин Сафарли

ҚАЙТГАНИМДА *уйда бўл...*

ёхуд баҳт ва айрилиқ битигими тақдирнинг?



ТОШКЕНТ
«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»
нашриёт-матбаа уйи
2020

821.512.162-3

С 34

Сафарли, Элчин. Қайттанимда уйда бўл... ёхуд баҳт ва айрилик битигими тақдирини? [1-китоб] / Э. Сафарли. - Тошкент: Sharq-ziyo zakovat, 2020. - 216 б.

УЎК 821.512.162-3

Айни дамларда ҳаётнинг абадийлигини аниқ ҳис этаяпман. Ҳеч ким ўлмайди, айни ҳаётда кимки бир-бирини севган бўлса, ундан кейин ҳам учрашидилар. Вужсуд, исм, аслият — барчаси ўзгарса-да, бир нарса оҳанграбодек бизни бир-бirimizга тортаверади: муҳаббат агадий қовуши турувчиидир.

Хозирча эса мен яшаяпман — гоҳ севаман, гоҳ эса севишдан толиқаман. Лаҳзаларни эслаб қоламан, улар ҳақида эртага ёки ҳаётимнинг донишманд йилларида ёзиш учун бу хотираларни авайлаб сақлайман.


ISBN 978-9943-5566-6-9

Озарбайжонлик машҳур адаб Элчин Сафарли қаламига мансуб мазкур асар муаллиф ва «Amapola book agency» адабий агентлиги томонидан расмий мурожаатнома орқали ўзбек тилига ўгириш ва чегараланган ададда чоп этишга рухсат берилган.

© Элчин Сафарли, 2020

© «Sharq-Ziyo Zakovat» нашриёт-матбаа уйи, 2020

Оиламга багишлайман...



Элчин Сафарли

Баъзан менга бутун олам, барча ҳаёт, дунёнинг борлиги вузудимга қамалиб олгану, бизнинг онгимиздан отилаётган нидо бўл, дея талаб қилаётгандек туюлади. Ў-ў, буни ҳис қилиши мумкину, баён қилишининг иложи йўқ... Бу гоят ҳайбатни эканлигини ҳис қиласману, сўзда изҳор қилишни бошласам гўдакларча гўлдирашдан нарига ўтмайди. Сенинг ҳиссиётларинг, сезгиларингни шундай сўзлар билан қогозда ёки оғзаки баён қилиш орқали уларни ўқиган ёки тинлаган одамга юқтира олиши гоятда мушкул масала.

Жек Лондон

Әлін Сафарли

I ҚИСМ

Бизнинг барчамиз ким-қачонлардир шўртоб сувликдан ёруғ дунёга қадам қўйганмиз, зеро денгиз ҳаётнинг бешиги ҳисобланади.

Энди бизлар усиз яшай олмаймиз. Фақат, энди тузни алоҳида тановул қиласиз ва чучук сувни ҳам алоҳида ичамиз. Бизнинг лимфа тугунларимиз худди денгиз сувиникидек тузли таркибга эга. Биз денгиздан ким-қачонлардир ажралиб кетган бўлсак-да, у ҳамон ҳар биримизнинг вужудимизда яшайди.

Энг қакроқ сахронинг ичкарисида яшайдиган одам ҳам ўзи сезмаган ҳолда қонида денгизни олиб юради.

Балки, шунданми, одамлар денгизнинг бетиним мавжсларини кўргиси, уларнинг абадий галаёнини эшигиси келаверади.

Бу товуши том маънода уларнинг кўхна ватани садоси, қоннинг чорловидир.

Виктор Конецкий

1

Үзингга азоб үйлаб топма...

Қизим Досту,

бу ерда йил-ўн икки ой қиши ҳукмрон. Кўпинча чийиллаб, аҳён-аҳёнда эса ўкириб қоладиган аёзи бор. Игнадек шимол шамоли бу тап-тақир ерлар ва унинг аҳолисини ўз ҳукмронлигига асир қилганча қўйиб юбормайди. Уларнинг кўпчилиги туғилганларидан бери садоқатларидан ғуурланганча бу ерларни тарк этишмаган. Яна йиллар давомида бандидан узилган баргдек қулоч ёзиб уммоннинг бошқа соҳилига қочиб кетадиганлари ҳам бор. Булар асосан тирнокларини ёрқин рангларга бўяб олган қўнғир сочли аёллар.

Уммон ортга чекинаётган ноябрнинг сўнгги беш кунида улар бир қўлига жомадонлари, бошқаси билан болаларини етаклаб жигарранг плашларига ўралганча бандаргоҳ томонга шошилишади. Бу аёзли ерларга садоқатли аёллар эса деразалар копқасидаги тирқишлиардан қочиб қолаётганларни кузатиб қоларкан, уларга ҳасадданми, балки садоқат ва оқилалиқдан, заҳарханда қилишади.

«Ўзларига азоб сотиб олишаяти. Биз етиб бормаган жойларда ҳаёт яшироқ, дея ўз ерларининг қадрини топташмоқда...»

Ойинг иккимизга эса бу ер яхши. Оқшомлари ойинг шамоллар ҳақидаги китобларни овоз чиқариб

Эллин Сафарли

ўқийди. Худди сир-синоат оламига дахлдордек, қаддини тик тутганча, тантанавор оҳангларда. Бундай пайтларда Мария худди об-ҳаво маълумотларини ўқиётган сухандонларни эслатади.

«...Тезлик секундига йигирма-қирқ метрларни ташкил қиласди. Ялти соҳилни эгаллаганча, тўхтосиз эсади. Кучайиб бораётган оқимлар таъсирида бир неча километр юқорига кўтарилган шамол тропосферанинг қуий қатламларида ҳам кузатилади...»

Унинг олдидаги столда кутубхонанинг бир неча китоблари тахланган, ёнида куритилган апельсин пўстлоғи ва аргивонли чой дамланган чойнак. Ойингин саволга тутаман.

«Шу тиниб-тинчимас шамолларнинг нимасини яхши кўрасан?»

У қўлидаги финжонни ликопга қўйганча янги варақни очади.

«У менга ёшлигимни эслатади...»

Қош корайганида деярли кўчага чиқмайман. Ўзимизнинг мана шу, ройбуш, юмшатилган тупроқ ва сен яхши кўрадиган хўжағат қиёмли печенье ҳиди анқийдиган уйимизда ўтираман. Бу печенье уйимизда ҳамма вақт бор, ойинг сенинг улушингни шкафга олиб қўяди: унга ҳалиям сен жазирма кўчадан ошхонага райхонли лимонад ва печенье учун бирдан югуриб кириб келадигандек туюласан.

Коронғу тунлар ва уммоннинг коп-қора сувини ёқтиромайман, Досту, улар сенга бўлган соғинчимни

Эллин Сафарли

кучайтириб юборади. Уйда, Мариянинг ёнида сингил тортаман, сен ҳам худди ёнимиздагидек туюласан.

Майли, кўнглингни бузгим йўқ, бошқа нарса хақида ганира қолай...

Ойинг эрталабдан тушгача кутубхонада ўтиради. Бу ерларда китоблар ягона кўнгил ёзадиган эрмак. Бошқалари эса шамоллару рутубат ва маҳаллий халқнинг феъл-автори туфайли қўлетмас орзуга уҳшайди. Ракс тўгараги ҳам бор, лек у ерга ҳамма ҳам боравермайди.

Мен уйимиз яқинидаги новвойхонада ишлайман. Кўлда хамир қораман. Ҳамкорим Амир билан турли: оқ, жавдар, зайдунли, эзилган сабзвотли ва анжирли нонлар ёпамиз. Улар жуда ширин чиқади, сенга ҳам ёқкан бўларди. Хамиртуришни фақат қўлболасидан фойдаланамиз.

Досту, нон ёпиш — меҳнатсеварлик ва сабртоқатнинг қаҳрамонлиги. Бу четдан қараган одамга туюлганчалик оддий эмас. Ўзимни бу ишсиз тасаввур қилолмайман, гўё авваллари қилиб юрган ҳисоб-китоб ишларим бироннинг ҳаётида рўй бергандек.

Сени соғинаман...

Даданг

2

**Бизга күп нарса берилған,
лек уларни қадрламаймиз...**

Досту,

сени ўзлари билмаган ҳолда бизнинг яхши бўлишимиз учун ҳисса кўшаётганлар билан таништирмоқчиман. Ёшимиз етмишга яқинлашиб қолганлигининг нима аҳамияти бор! Ҳаёт — ҳеч кимга топшириб бўлмайдиган даражадаги юмушинг, аникроғи ўз устингда тинмай ишлашинг. Баъзан бундан чарчайсан ҳам. Бунинг сири нимадалигини биласанми?

«Ҳар ким ўз эзгу сўзи, муомаласи, гап-сўзсиз мадади, суюнчиқ бўла олиши, очиқ дастурхони билан ҳаёт йўлида енгил ва бой беришларсиз одимлашда ёрдам кўрсатганларни умри давомида учратаверади. Қайтар дунё деганлари шумикан...»

Марснинг эрталабдан кайфияти яхши. Бугун якшанба, Мария билан уйдалигимиз учун эрталабки сайрга ҳаммамиз чиқдик. Иссиққина кийиниб, қўлимизга чойли термосни олганча сокин пайтлари чағалайлар дам оладиган ташландиқ бандаргоҳ томон жўнадик. Марс қушларни хуркитмасдан, улардан берироқда ётиб олади ва уларга хавас билан термулади. Итимиз қорнини совук олдирмаслиги учун унга иссик кийим тикиб берганмиз.

Эллин Сафағи

Мен Мариядан нима учун Марс худди одамлардек құшларни кузатишни яхши күришини сүрадим.

«Күшлар, биз одамларга туюлганидек, мутлақо эркин ва озод. Улар бизга үхшаб дардларини эслатадиган жойларга боролмай үтиришишмайды...»

Досту, кечирасан, гап билан бўлиб сени Марс билан таништиришни унугибман. Такса номли зотдор ит ва оддий кўпакнинг чатиптирилишидан дунёга келган бу итимизни асрандихонадан олганимизда жуда қўрқоқ ва хуркак эди. Қарамогимизга олдик, меҳр кўрсатдик.

Унинг ўтмиши жуда аянчли. Марс бир неча йилни қоп-коронғу ертўлада ўтказган, бераҳм хўжайини уни турли тажрибаларга грифтор қилган. Ўша бераҳм жаллод бандаликни бажо келтирганидан сўнг аранг жон сақлаб қолган кучукчани қўшнилар топиб олишган ва валонтёрларга топширишган.

Марс бир ўзи, айниқса коронғу тунларда, танҳо қололмайди. Унинг атрофида иложи борича кўпчилик бўлиши керак. Уни кўпинча ўзим билан ишхонамга олиб кетаман. Бадқовоққина бўлсаям, таниш-билишларим Марсни яхши кўришади. Унга атаб уйларидан егуликлар олиб келишади.

Биз уни нимага «Марс» деб атаганимизни биласанми? Унинг қизғиши-оловранг жунлари олис сайёра табиати каби сирли ва мафтункор. Бунинг устига у ўзини совукда яхши ҳис қиласади, қор

уюмларида ўмболок ошишни яхши кўради. Марс сайёраси ҳам қизгиш-оловранг тусга эга бўлсада совуксевар. Хуллас, итимизга ўзининг ажойиб лақаби ярашади.

Сайрдан қайтаётганимизда қор янада кучайди. Кўриқчи аскарлардек тизилиб олган электр устунларини туташтириб турган узун-узун симлар қордан қобиқ ясай бошлади. Йўловчиларнинг айримлари ёғаётган қордан қувониб, кипригига қўнаётган қор парчаларини томоша қилишдан завқланган бир пайтда бошқалари сўкинганча тезроқ одимлашга тупди.

Досту, биласанми, кишилар бир-бирларига ҳалал бермасликлари нақадар муҳим бу ҳаёт онларида. Майли, улар ярататётган мўъжиза кичик ва оддийгина бўлсин. Ҳар кимда ўзига хос сокинлик мавжуд. Кимdir оддийгина оппок варак қаршисида, кимdir деразапардаси кўтарилиган ошхонада, яна кимdir чекка қишлоқдаги шифохонада, бошқа бири эса жимжит залнинг саҳнасида...

Бу қараки, ташқарига чиқаришдан чўчиганча ботинида ғаройибот ярататётганлар ҳам озчилик эмас.

Яқинларинг иқтидорини шубҳа остига олиш яхшимас. Оқ вараққа тикилганча илҳоми билан сухбатлашаётган, пиширга таомини татиб кўриб севинадиган кишиси дераза ортида пайдо бўлишини кутаётган, баланддаги буюк ишларни пастдаги оддий юмушлардан бошлаган, жимжитликда гулдурос

Элін Сафарли

қарсакларни тинглай олаётган кишиларга ҳалал беришнинг нима кераги бор.

Одамларга жуда күп нарсалар шунчаки текинга берилади. Улар эса ҳақиқий гүзәлликни қадрлаш ўрнига унинг қиймати ва тўлови устида бош қотиради. Умр дея аталмиш неъмат ўтиб бораётган лаҳзадан лаззатланиш ўрнига кора кунларига йиғинади...

Сени соғиндим!

Даданг

3

**Қайиқдасан, қаёққа
сузәйтганингни унутма!**

Досту,

бизнинг оппок уйимиз уммондан ўттиз тўрт қадам берида жойлашган. У кўп йиллар бери бўм-бўш, унга элтадиган йўллар эса қалин муз билан қопланган. Мўркони қум, чағалайлар пати ва сичқон тезаги билан тўла. Печкаси оловни, деворлари эса илиқ ҳароратни унутиб қўйган. Музлаган дераза ойналаридан уммон деярли кўринмасди.

Шу срликлар бу уйдан ҳадиксирашади ва уни «мечес», яъни «оғриқ юқтирувчи» деб аташади.

«Бу уйда яшаганлар ўз қўрқувлари асирига айланшишиб, эсдан айрилганлар...»

Бундай ахмоқона таърифлар ҳам бизни тўхтатиб қололмади ва унга қадам қўйганимиздаёқ бу уйни яхши кўриб қолдик. Балки, кимларгadir у зиндонга ўхшаб қолгандир, аммо бизлар учун чинакам баҳт қасрига айланди.

Кўчиб кирган заҳотимиз печкага ўт қаладик, чой дамладик, туни билан илиқлик сингган деворларга эртаси куни бўёқ тортдик. Ойинг бинафша ва лаванда оралиғидаги «юлдузли тун» рангини танлади. Ажойиб манзара. Бизга бу ранг ёқиб қолганлигидан деворларга расмлар осиб уларни тўсиб куймасликка келишдик. Энди уйимиз ичida ҳам юлдузли тунимиз бор...

Эллин Сафарли

Печка атрофига сурат илмаган бўлсакда меҳмонхонамиз деворларидағи токчаларни тўлдирдик. Досту, токчалар сенинг болалик оламингни тўлдирган рангли китоблар билан тўлди.

Ойинг айтган гаплар эсингдами? Бу ўгитларни сирға қилиб таққанингта шубҳа йўқ.

«Агар ишларинг ўҳшамаса, қўлингга яхши китобни ол, у ёрдам беради!»

Олисдан уйимиз қорнинг оқлигига қўшилиб кетади. Эрталаблари оппоқ кенгликка қараб кўзинг қамашади. Фақат уммоннинг кўкимтири сахни ва Ўзғирнинг занглаган ёнлари кўринади, холос. Бу бизнинг дўстимиз, унинг суратини ҳам юборяпман, танишиб ол.

Ўзгалар учун бу алимсоқдан қолган балиқчилар катери. Биз учун эса ўзгаришларни мардларча қабул қилиш қанчалар муҳим эканлигини эслатадиган қадрдонимиз. Бир пайтлар Ўзғир ҳайбатли тўлқинлар канотида уммон бағрига тўр отганча ярқираб сузиб юрган, энди эса хорғин ва ювош ҳолда қирғоқ лабида кун кўрмокда. У ҳамон мавжудлиги ва уммонни олисдан бўлса-да кўриб турганидан хурсанд.

Ўзғирнинг каютасидан турли гаройиб фикрлар билан тўлдирилган борт журналини топиб олдим. Қайднома дафтари шу ерликлар лаҳжасида тўлдирилган. Бу ёзувлар кимга тегишли эканлиги номаълум бўлса-да, Ўзғир хотира дафтари орқали биз билан гаплашмокда, деган карорга келдим.

Эллин Сафағли

Кеча Үзғирдан тақдир хукмига ишониш-ишонмаслигини сўрадим. Журналнинг учинчи сахифасидаги ёзувлар мени ҳайратга солди.

«...Бизга вақтни бошқарши ҳукми берилмаган, аммо уни нима билан ва қандай тўлдирини ўзимиз ҳал қиласиз.»

Ўтган йили маҳаллий ҳокимият вакиллари Үзғирни металл-ломга топшириб юбормоқчи бўлишиди. Агар Мария бўлмаганида катернинг умри якунига етарди. У катерни ҳовлимиз ёнига ташитиб келди.

Досту қизим, ўтмиш ва қелажак бугундан кўра аҳамиятлироқ ёмас. Бу дунё суфийларнинг маросим рақси ҳисобланган семага монанд: бир қўл кафти билан дуо талабида осмонга қараган бўлса, бошқаси олганини баҳам кўриш учун ерга қараган ҳолда.

Ҳамма гапираётганида сукут сакла. Сўзларинг севги ҳақида жарангласа ҳам, жарангига кўзёшларинг ҳамроҳлик қиласа ҳам гапир! Ёнингдагиларни кечира олишни ўрган, шунда ўзинг ҳам кечирилишга мусассар бўласан. Шошқолоқлик қилма, аммо қайиғинг қаёққа сузаётганлигини ҳам эсдан чиқарма. Балки, у йўлидан адашгандир?

Софинч билан...

Даданг

4

**Хаёт — бу шунчаки йўл...
Одимлашдан лаззат ол!**

Элчин Сафарли

Досту,

биз бу шахарга жомадонларимиз билан якинлашганимизда ягона йўлни кўз очирмайдиган, қаҳрли ва қалиндан-қалин қорбўрон тўсиб қўйганди. Ҳеч нарса қўринмасди. Йўл четидаги қарағайлар шохи бўрондан чайқалаётган машинани дарралаб қоларди.

Бу срга келишмиздан бир кун олдин об-ҳаво маълумотига қарагандик: бўрондан ҳеч қандай дарак йўқ эди. Бўрон ҳақидаги ҳадигимиз қандай тез унуг бўлган бўлса, у худди шундай бир лаҳзада бошланди. Ўша дақиқалар ичра унинг охирин қўринмайдигандек эди.

Мария ортга қайтишни таклиф қилди. Одатда иродали ва хотиржам ойинг ҳам саросимага тушиб колганди.

*«Бу биз учун йўлга чиқмаслигимиз белгиси!
Машинани ортга қайтаринг!»*

Кўнишимга сал қолди...

Аммо олдимиздаги ғовдан кейин бизни нималар кутиб турганлигини ёдга олдим: баҳт қасримизга айланажак оппоқ уй, бепоён тўлқинларга эга уммон, аргувон тахта устидаги иссиқ нон ҳиди, Ван Гогнинг камин устидаги чорчўпли «Лолалар даласи», асрандихонада бизларни кутаётган Марснинг тумшуғи

Элчин Сафарли

ва яна кўп нарсалар кўз олдимга келди ва газни босдим. Олға!

Агар ўшанда биз ўтмишга кайтганимизда кўп нарсаларни қўлдан чиқарадик. Бу хатлар ҳам бўлмасди. Айнан кўркув, ха, кўпчилик ўйлаганидек зулм эмас, кўркув ва ҳадик муҳаббатнинг асл киёфасини тўсади. Шунингдек, агар кўркувни бошқара олмасанг, илохий иқтидор ҳам тавки лаънатга эврилиб, вайронагарчилар олиб келиши мумкин.

Досту қизим, ёшинг бир жойга бориб қолганида ҳаёт сабокларини қабул қилиш қанчалар кизиқарли эканини биласанми? Одамнинг улкан жоҳиллиги — барча-барчасини бошидан кечиргани ва ҳис қилганлиигига бўлган ишончи. Бу эса ҳақиқий кексалик ва ўлимдир. Кексалик деганим ажинлару оқарган соchlар эмас, ўлим деганим нафас олишдан тўхташ дегани эмас. Бу ўлим курашдан иборат ҳаёт сахнасидан қўл силтаб кетмоқ...

Бизнинг асрандихонада тасодифан танишиб қолган Жан исмли психолог дўстимиз бор. Биз Марсни, у эса думсиз малла мушукни олгани борган экан. Яқинда Жан одамлар орасида ўз ҳаётларидан кониқин-кониқмаслиги тўғрисида сўровнома ўтказди. Кўнчизик ижобий жавоб берди. Шунда Жан навбатдаги саволини берди: «Сизлар шу холатда яна юз йил яшашни хоҳлайсизми?» Жавоб ўрнида кишиларпинг юzlари буришиб кетди.

Элчин Сафарли

Одамлар шодон яшаган ҳолларида ҳам үз-үзларидан безор бўлиб кетишади. Улар үзлари кўниkkeн шарт-шаротиларидан, муқаддас билган ўтиқодидан, яхши-ёмон аъмолларидан, қолаверса меҳр-муҳаббатидан эвазига бирор нарса кутишади.

«Ҳаёт — шунчаки йўл. Одимлашдан лаззат ол!»

Жан табассум билан бизни уйига, шиёзли пиёва шўрва ичишга таклиф қиласди. Мехмондорчиликни кейинги якшанбага қолдирдик. Балки, бизга кўшиларсан?

Кутиб қоламиз...

Даданг

Элчин Сафарли

5

**Биз бир-биirimizга жуда
керакмиз...**

Қизим Досту,

пиёзли пиёва шўрва жуда зўр чиқди. Унинг тайёрланишини, айниқса Жан саримсоқ суртилган қотган нонларни шўрвали кўзачаларга биқтириб, устидан зиравор сепганча духовкага тиккан онларни кузатиш жуда мароқли. Икки дақиқадан сўнг биз фарангча шўрвадан лаззатландик. Тансик таомга оқ вино ҳамроҳлик қилди.

Биз анчадан бери пиёзли пиёвадан тотиб кўришни истардигу ҳеч вақт-соатини тополмай гаранг эдик. Унинг бунчалар ширин бўлиши хаёлимизгаям келмаган экан. Мактаб давридаги катта-катта парракланган пиёз бўлаклари сузиб юрган шилтиқ шўрва ҳеч кимнинг иштаҳасини очмасди-да...

«...Менимча, французларнинг ўзлари ҳам бу гаройиб таомни қандай тайёрланишини унутиб юборишганлари сабабли доим бири-биридан ширин янги рецепторларни ўйлаб топишади. Энг муҳими — пиёзнинг ширин навларидан кераклисини танлаш. Шакар қўшиши эса иложссиз ҳоллардагина зарур. Яна шўрвани ким билан тановул қилишингиз ҳам муҳим. Французлар пиёзли пиёвани ёлгиз ичишмайди. «Бунинг учун у ҳаддан ташқари иссиқ ва лаззатли», дер эди менинг Изабеллам.»

Элін Сафарли

Жан бувисини шундай атаган. Унинг ота-онаси автоҳалокатда нобут бўлғанларида Жан ҳали болакай эди. Уни Изабелла хоним тарбия қилган. У жуда оқила аёл бўлганига ишончим комил. Бувисининг туғилган кунида Жан пиёзли пиёва шўрва қайнатади, дўстларини чорлайди ва жилмайганча болалигини хотирлайди.

Жан Франциянинг шимолида, дунёдаги барча рассомлар, шулар жумласидан Моне ҳам манзарапар чизгани келадиган Барбизон шаҳридан.

«Менинг Изабеллам менга одамларни севиш ва бошқаларга ўхшамаганларга ёрдам беришини ўргатди. Балки, бундайлар ўшанда, бизнинг мингтacha аҳолиси бор кичик қишилогимизда бошқалардан ажратилиб туришгани ва бу уларни оғир аҳволга солганлигидан бўлса керак. Бувим айттишича, ўртамиёналик — ҳукмронликни қўлга олганларнинг ўйлаб топган ақидаси бўлиб, бизларни камситиш ва ўйлаб топган идеалларига мувофиқ келмаслигимизни пеш қилиш қуроли бўлган. Ўзларини аллақандай иллатлилар тоифасига киритиб қўйганларни бошқариш осонроқ эмиш... У мени мактабга кузатиб қўяркан, ҳар гал бир гапни турли жумлалар орқали уқтиради.

«Бугун сен ўзингдаги бетакрорликни учратасан деб умид қиласман!» дерди раҳматли... »

...Досту, ўша кеча жуда ажойиб эди. Чоратрофимиз ажойиб хотиралар, иштаха очувчи ифорлар, таъмнинг янгича мазаси билан тўлиқ эди.

Эллин Сафарли

Тўкин дастурхон атрофида ўтирадик, радиодан эса Тони Беннеттнинг «Life is beautiful» таронаси тараалаётганди. Оёқларимиз остида қорни тўйган Марс ва мезбон мушук Матис ухларди. Бизни ёргуғ хотиржамлик оғушга олганди, бир сўз билан айтганда, хаёт давом этарди.

Жан Изабелла хонимни, Мария иккимиз эса ўзимизнинг бобо-ю бувиларимизни эслардик. Биз улардан хаёлан узр сўрар ва хаётий сабоқларимиз учун ташаккурларимизни билдирадик. Биз улғайган сари уларнинг ғамхўрликларига камроқ муҳтож бўлганлигимиз учун унутиб қўйгандай эдик. Улар эса барибир бизларни севишда, кутишда давом этишган.

Досту, бу ғалати дунёда бизлар бир-биримизга гоятда керакмиз.

Унутма, бизга кераксан!

Даданг

6

Бизнинг ягона бурчимиз — ҳаётни севиш

Досту,

сен ҳам баъзан ғалати, ғайриоддий ҳолатларга дуч келсанг керак. Жан бу ҳолатни реинкарнациянинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Барҳаёт рух ўзининг янги ҳолатида аввалги вужудда ҳис қилган нарсаларни хотирлаб қолади. Бунга акл бовар қилиши қийин.

«Чексиз коинот мана шу митти заминдаги ўлим деб атамииш ҳилқатдан қўрқмаслик кераклиги, борлиқ абадий эканлиги уқтириб туради...»

Кейинги йигирма йиллик ҳаётимда мен билан бунақангি ғайритабиий ҳолат рўй бермади. Аммо кечагина ёшлигимдаги лаҳза айнан такрорланганини ҳис қилдим. Кечга яқин бўрон кўтарили ва биз Амир билан ишларни барвактроқ саранжомладик: у орталабки нон учун хамиртуришни ачитишга қўйди, мен қат-қат кулча учун корицали олмаларни димлашга қўйдим. Бу янги кулчамиз мижозларга ёқиб қолганди. Қатламли хамир тез стилади, шунинг учун ичига солинадиганларни кечки пайт тайёрлаб қўямиз.

Кечки еттиларда новвойхонани ёпиб қўйдик.

Тубидаги сокинликни яширганча сиртида галаёнга келган уммонни ёқалаб уйга қайтаётгандим. Соҳим бўйлаб одимларканман четдан қараганда

Әлін Сағағұлы

сиртимга хотиржамлик либосини кийиб олғандек әдім, бирок ичимда үз үй-хаёлларим түлкінида чайқалардим. Бир вакт юзимга изғириң оғриқли игналарини санчишга тушди. Йозларимни изғириңдан яширганча хаёлан эллик йиллар буринги хотираларимга күчиб ўтдим.

Үн саккиз ёшдаман...

Уруп...

Бизнинг батальон узунлиги етмиш километрлик тоғда жойлашған чегарани мудофаа қиларди. Йигирма даража совуқ. Тунги босқындан сүңг жуда камчилик қолғандик. Үнг елкамдан олган жароҳатимга қарамай постни ташлаб кетмагандим. Егулик тугаган, сув ҳам жиндаккина, бўйруқ — тонггача туриб бериш! Ёрдамчи кучлар йўлда. Ҳар дақиқада душманлар батальон қолдиғини яксон қилиб ташлаши тайин.

Совқотган ва кучдан қолган, вакт-вақти билан оғриқдан ҳушимни йўқотганча постда турадим. Бўрон қутиргандан-қутирас, хар томонимдан ҳамла қиларди.

Досту, ана шунда мен илк бор ноумидлик искаңжасида қолдим. У аста-секинлик билан ич-ичимни тўлдирди, унга қаршилик қилишга мадорим қолмади. Бундай дамларда дуо ўқишгаям лиққатингни жамлай олмай қоларкансан киши. Кутасан, Ё ҳаёт, ё мамот...

Биласанми, ўшанды мени нима асраб қолди? Болалигимда эшиитган бир ҳодиса. Уйдаги катталар

гаплашиб ўтирган стол остида беркиниб ўтирган пайтимда Анна бувим ана шу ходисани ҳикоя қилиб берганди. Бувим шафкат ҳамшираси сифатида Ленинград қамалини бошидан ўтказган.

Бувимнинг эсласича, шаҳарни тинимсиз тўпга тутиш пайти ошпаз аёл ертўладаги жонсақлаш масканида горелкада шўрва кайнатаётган экан. Шўрвагаям ким нимани топган бўлса шуни солишган: бирордан картошка, бошқасидан ииёз, кимдадир тинчлик кунларидан қолган бир ховуч ёрма деганларидай. Шўрва деярли тайёр бўлганида ошпаз аёл қопқоқни столга қўйиб, мазасини кўргач, қопқоқни қайта ёпибди: «Яна беш дақиқадан сўнг тайёр бўлади!» Мадорсиз одамлар нс-не умидлар билан навбатга туришибди.

Аммо ўша шўрвани ичиш уларга насиб қилмаган. Шўрвага бир бўлак совун тушиб қолган экан: ошпаз аёл қопқоқни столга қўйган пайти унга совун бўлаги ёнишибди-қўйибди. Минг афсус, ишқорли совун кўшилиб қайнаган таомни ичib бўлмасди. Беш дақиқа ичида қозон ёнида оч-наҳор кишилар турнакатор бўлиб тизилишган. Тайёр шўрвани сузишдан олдин яна бир бор таътиб кўрган ошиаз аёл йиғлаб юборибди...

Ҳеч ким унга танбех бермаган, тазийик ўтказмаган, ола қарамаган. Энг оғир вазиятларда ҳам одамлар инсонийликни йўқотишмаган.

Эллин Сафағли

Ана шу куни постда турган пайтим Анна бувим айтиб берган воқеани қайта-қайта эсладим. Куч топдим. Тонг отди, ёрдам кучлари ҳам етиб келди. Мени госпиталга олиб кетишиди.

Досту, одам қанчалар уринмасин, ҳаёт сирсиноатини тўлалигича идрок эта олмайди. Биз кўп нарсаларнинг қандай ва нима учун айнан шундай тузилганлигини тушуниб етгандай бўламиз ўзимизча. Аммо ҳар бир янги куннинг қўйди-чиқдилари, майда ташвишларига ечим тополмай қолишимиз — бизлар ҳамон она сути оғзидан кетмаган бандалар эканимизни исботлайди. Бизнинг ягона бурчимиз — ҳаётни севиш, бир-биrimизни ардоқлаш.

Ардоғимдасан...

Даданг

7

**Мен сени қанча керак бўлса,
шунча кутаман!**

Досту,

мен ойинг билан танишган пайтим у эрли жувон эди. У йигирма етти, мен эса ўттиз икки ёшда эдим. Мен ўша захоти унга бўлган ҳисларим ҳақида оғиз очдим. Биламан, оилали аёлга бундай дейиш айни беодоблик. Ўртамизга чизилган одоб ва иффат чизигидан фақат сўз изҳоримгина учиб ўтди.

«Сизни қанча керак бўлса, шунча кута оламан...»

Мария ишлайдиган кутубхонага факат китоб олгани борардим. Марияни, гарчи у ёнимга келишга ваъда бермаган бўлса ҳам, тўрт йил кутдим.

Кейинчалик билдим: мени бир куни ўзидан совиб, тақдирга тан бериб кетади, деб ўйлаган. Аммо мен ўз танловимда қатъий эдим. Бу бир қарашибди оний мухаббат бўлмай, азал-азалдан мен учун яралган хилқат эди. Ўша илк кўрган пайтимдаёқ мана шу қизғиши сочли аёл менинг рафиқамга айланади, дея ўйладим. Шундай бўлиб чиқди ҳам.

Менга унинг ҳеч нарсаси эмас, ўзи керак эди. У менга фарзандлар туғиб бериши ва уйимни оройишталикка тўлдириши, иккимизни учраштирган йўлда доимий ҳамроҳим бўлиши... Бу каби режалар умуман ҳаёлимга келмаган. Ҳар қандай шароитда ҳам бирга бўлишимизга чукур ишонч бошқа ҳар қандай

шубха-гуммонларни бир четга супириб ташлаганди. Ўзимни овутишм мумкин эди, лек ҳисларимни алдай олмасдим...

Мария билан учрашувим — бу умид йўқдай туолган пайтда ҳам иккиланишдан ҳоли бўлганим эди. Мен ишонардим. Азал-азалдан ҳаёт йўлимиз биз истаган чорраҳада кесишишини билардим. Йўллар айролигига ишора қилувчи сабаблар етарлича эди, бироқ барибир ишонардим.

Ўз тақдири билан учрашишга ҳар кимса лойик. Бироқ бу нарса ҳамма тақдир пешонада ҳам содир бўлавермайди. Айримларга ирода етмайди, танлаган йўлини бошқа сўқмоқка буради. Бошқалари эса ҳафсала қилмайди. Ўтмишининг муваффакиятсиз тажрибасини ўз кучини кўрсатади. Кимдир эса борига барака қизғанча тақдир инъом қилганидан ортиғига умид ҳам қилмай қўяди.

Сенинг дунёга келишинг Мария иккимизнинг орамигзаги иттифокни янада мустаҳкамлади. Биз бир-биримиз ва шинимизга шу қадар маҳлиё эдикки, бир кун фарзандни бўлишимиз мумкинлиги хаёлимизгаям келмаган. Муҳаббатни дўстлик ва эҳтироснинг ажойиб уйғулити деб атаб юрган эканмиз. Муҳаббат

бу оила экан. Қандай тушунтиурсам экан сенга, эҳтиросга тўла юраклар аҳиллигининг бир қумғон атрофида, бир қўрғон остида фаровон турмуш кечириши экан. Хуллас, ҳаёт бизга мўъжиза ато этди. Бу сен эдинг...

Эллин Сафағли

Бизнинг қалбимиз ва вужудимиз қовушиб, ягоналик касб этди. Ҳаёт сўқмоғимиз умумий йўлга айланди. Тўғри, бу йўл бир текис эмас. Баъзан хатоларга йўл қўйганимиз рост. Бироқ иложи борича қумғондаги гулхани ўчирмадик, қўрғон соясидан четга чиқмадик, сени севишдан, асрашдан тўхтамадик.

Мария сени тебратаетиб хавотирга тушади. Мен бунга жавобан жилмайиб қўяман.

«Қизимиздаги ўзгаришлар кун сайин шу қадар тезлашмоқдаки, қани энди иложи бўлса-ю, вақтни тўхтата олсан, тўйиб-тўйиб тикилиб боқсан...»

Уйку элитаётган кўзларингни очганча табассум қиласан. Шундай ота-онанг борлигидан баҳтиёрсан гўё. Бизга ҳеч нарса бундан ортиқ баҳт тортиқ қилмаган...

Досту, баҳтга элтувчи йўллардаги ғовлар — онгости сароблари, қўрқувлар — пуч хавотирлардан ўзга нарса эмас. Орзуларимиз — бизларнинг ҳақиқий воқеийлигимиз.

Сени соғиниб,

Даданг

8

**Ақсизликнинг ярми оқилликдан
нишона, оқилликнинг ярми
ақсизликдан...**

Досту,

яқин-яқингача новвойхонамизда Умид исмли асовгина оқкүнгил йигит ҳам ишларди. Унинг вазифаси — пишириқларни мижозларнинг уйига етказиб бериш. Мижозларимиз, айниқса кексароқ ёшдагилар уни жуда ёқтиришарди. У онда-сондагина табассум қилса-да, жуда сермулозамат эди. Йигирма ёшли Умид менга ичи норозиликка тўла-ю оғзи берк, исталган пайтда ташқарига отилиб чиқишга шай вулқонни эслатарди.

Умид диний мактабда тахсил олган, комиллика эришган инсон бўлишни орзу қиласади. Балоғат остонасида нимадир бўлгану ўқишни ташлаган, уйидан бош олиб кетган.

«Кўпчилик эътиқодлилар асл қиёфаларини яшириб, риёга қўл уришади!»

Куни кечагина Умид ишдан бўшамоқчилигини айтди. Кўчиб кетармиш...

«...Бу лаънати шаҳарда ортиқ бир кун ҳам яшамайман. Унинг тасқаралигини — бетакрорлик, жасамиятнинг ясамалигини — ўзига хос менталитет деб ўзимни юпатиш жонимга тегди. Сиздек, янги келганларга унинг таг-замиригача чириб кетганлиги кўринмайди. Бу ернинг абадий қиши ҳам географик

Эллин Сафарли

жойлашувидан эмас, лаънатланганинг оқибати. Ҳукуматга қаранг, фақат ватанга муҳаббат ҳақида сафсата билангина машғул. Ватанпарварлик ҳақида оғиз кўпиртишишмоқдами, билингки, яхшигина ўғирликка қўл уришган. Бунда бизнинг ҳам айбимиз бор, уларни сайлашаётган пайтда бодроқ еганча телевизорга маҳлиё бўлиб ўтирганимиз!»

Амир Умидга яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат берди, мен эса сукут сақлашни афзал билдим. Ўзимнинг ўсмирлигини яхши эслайман — мени тўхтатиб қоладиган куч йўқдай эди. Зарбли қарорларим олдга интилишимга ёрдам бергани рост, лекин... эҳтирос ва тўғри қарор орасида осмон билан ерча масофа бор.

Досту, менинг бобом Бариш диний мактабда муаллим бўлганлигини биларсан? Мен бобом билан Худо ҳақида кўп сухбат қуардим. Мен тепамда турган, мени теварак-ла ўраб олган илохий кучларни қалбан ҳис килардим, аммо айрим диний ақидалар ичимда норозилик уйғотарди.

Бир куни Бариш бобомнинг мактабда юз берган наибатдаги адолатсизликка хотиржам муносабатда бўлганилигидан ғазабга минганим эсимда.

«Бобо, ҳаммасининг ўз вақт-соати борлиги ёлан! Бизнинг иродамиз кўп нарсага қодир! Ҳеч қандай мұъжиза йўқ, тақдир ҳукми — бўлмаган гап! Ҳаммасини ўзимиз, иродамиз ҳал қиласи!»

Эллин Сафарли

Бобом менинг кифтимга қокди. У яна вазмин оханги билан олов юрагимга сув сачратарди...

«Сенинг гапларингдан ҳам күриш мумкинки, ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли, услуби бор. Бундан кирк йиллар аввалги пайтларим сен билан ҳамфикр бўла олардим. Энди эса Яратган ҳамма вақт ёнимиздалиги ва барчаси унинг измидалигини тушунаман. Бизлар эса худди ёш болалдрекмиз... Қайси биримиз интилувчан, яратувчан, қатъий, кимдир эса, аксинча шунчаки томошабин. Тепадагилар бизларни қандай күришини хоҳлашмасин, биз ўзлигимиздан кечолмаймиз. Эзгу ишларимизни кўпайтириб, иллатларимиздан қутилиши учун ўзимизни синдиришини истамаймиз...»

Ўшанда бобомнинг гаплари менга уйдирмадек туюлганди, бироқ йиллар оша ўзимга илоҳийликдан таскин топиш учунмас, бу дунёдаги барча нарса мувозанатдалигидан: ақлсизликнинг яrimни оқиллик, оқилликнинг ярмиини эса ақлсизлик ташкил этганлигидан бу фикрларга мурожаат қилмоқдаман.

Умидни кўндириб бўлмади. Баъзан одамларни ёмонлиги учун ҳам севмасдан бўлмаслигини тушуниши учун у кетиши керак эди.

Қалбингга қулоқ сол!

Дадаңг

9

**Вақтнинг измида эканлигингни унут,
бари изига тушади...**

Досту,

бутун ниҳоят мен литваликлар нонини ёпа олдим. Бунга бир неча ҳафтадан бери уринардиму ўхшатолмасдим. Гоҳ жудаям ширин, гоҳ эса ғоятда нордон бўлиб чиқарди. Бу нон ўз таъмига кўра нордон, уни асал ёрдамида меъёрга келтиришади. Ўша меъёрнинг олтин оралиғини тополмай хуноб эдим. Яна хамирни рисоладегидек тиндиришни эплай олмаётгандим, пишган батонларнинг ёриғидан ичидаги юмшоқ мағзи мўралаб қоларди.

Амир литваликлар рецептни бўйича тайёрланган хамир жуда сезгири бўлиши, унинг тайёрланиш жараёнига бор дикқатни жам қилиш зарурлигини тушунтириди. Бу хамирни қораётгандан бошқа нарсага чалғимаслик керак.

«Вақт измида эканлигини унут ва бари изга тушиади...»

Уриниб кўрдим...

Нон жуда яхши, бус-бутун, кўриниши эса шоколад рангига, жудаям иштаҳа очадиган бўлиб чиқди. Иккинчи-учинчи кунларда янада мазали бўлиб борди.

Досту, у сенга ҳам ёққан бўларди!

Әлін Сағарли

Бизнинг ҳафсаламиз совушига сабаб күпинча воқеликдан узилиб қолғанча ўтмиш хотиралари ёки келажакни кутишга банд бўлиб қолишимизда.

Қизим, мен сени күпинча шошилтирадим, узр. Сен кўп нарсага улгуришингни хоҳлардим. Балки ўз болалигимда кўп нарсаларни бой берганим бунга сабаб бўлгандир? Урушдан кейинги йиллар мактаб ва кутубхоналарни қайтадан қуришганди. Менда ўқиш, билиш, идрок этиш учун шу қадар кўп истаклар бор эди-ю, аммо имкониятим йўқ эди.

Болам менинг тақдиримни такрорламасин дея кўркардим...

Сенинг мурғак ҳаётинг ўз маромига эга ҳолида сени шошилишга ундан анча қийнаб қўйганман. Аввалига сенинг сусткашларигидан хавотирга тушганман, кейинроқ карасам ҳаммаси жойида: Досту ҳаммасига улгураяпти.

Эсингдами, бошланғич синфлар муаллимаси Лиза Буриновна сени «аклли тошбақача» деб атаган эди. Сен бундан хафа бўлмадинг. Аксинча, хурсанд бўлганча биздан туғилган кунингга аквариум тошбақаси совға қилишимизни сўраб, уни ўз номинг билан атамоқчилигинингни айтгандинг.

Сен ойинг иккимизга лаҳзани қалрлашни ўргатдинг. Биз буни тушунмасдик, худди улоқчи отлардек елиб-югуриб, ҳаммасига бир вақтда улгуришга уринардик. Ким-канча йиллар кўп нарсалар: осудалик, хотиржамлик, бир ҳолатдан

Эмин Сафарли

бошқасига ўтишларни қўлдан чиқарганимизни ҳис қилиш учун тўхташ ва ўзимизга вакт қолдирмаганимизни англаш учун сендан айрилиш, бўшлиққа дуч келиш ва бу ерга кўчиб келишимиз керак бўлди.

Бу ерда, абадий қиши шахрида ажойиб, пурмаъно халқ нақли бор.

«Ўзинг сира бўлмаган жойга бирорни бошлаб кела олмайсан!»

Одамлар ўзларини хатти-харакатлари билангина баҳолашлари ҳақида яқинда ўқиб қолдим: улар ўлимни, тўғрироғи ўлим ҳакидаги қўрқувларини унтишга харакат қилишаркан. Янги ютукларга, таассуротларга бўлган интилиш қайғули фикрлардан қочишга ёрдам беради.

Қочишдан эса фойда йўқ!

То унинг кўзларига тик боқмагунингча қўрқув ошиб, тазийқ ўтказаверади. Тик қараганингда эса қўрқинчли нарсанинг ўзи йўқлигини тушунасан.

Шошганингда вактга тобе бўлиб қолиш мумкинлигини унутма!

Даданг

10

Сени қүчогимга олсам дейман...

Досту,

сенга ёзган номаларимнинг орасида жўнатишга жазм қилолмайдиганларим ҳам бор. Улар хам бошқалари каби оқ қоғозга ёзилган, хатжилдга солинган, аммо тамоман ўзгача. Умидсизлик исканжасида қолганини яширолмай ёзилган сўзлардан битилган хатлар. Мен бу хатларимдан уялмайман, аммо... отанг ҳам айрим пайтларда умидсизликка тушганлиги ҳакида билишингни истамайман.

Умидсизликни иблицининг сўнгги ва муҳим куроли деб айтишади. Бу куролни кибр, рашк, нафрат каби қуроллари эътиқоди ўта мустаҳкамларга таъсир қилмаганида ишлатар экан.

Балки, шундай ҳамдир, аммо вақт-вакти билан умидсизликка тушмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Бироқ, ҳаёт қайғусиз, йўқотишиларсиз бўлмаслиги ва улар ўткинчилигини ҳис қилганда умидсизлик ҳам чекинади.

Мана шундай ҳолатларга тушган пайтим, ишхонада коламан ва пишириқлар учун хамир қораман. Уйга қайтган пайтимда Мария ухлаётган бўлади. Кийимларимни алмаштириб, Марсни сайрга олиб чиқаман, тонг отишини кутаман ва иссиқкина кулчаларни яқиндаги болалар уйига элтиб бериш учун

Эллин Сафағли

новвойхонага қайтаман. Бу зиёратларим бекорчи ўтган кунларим ҳақидаги афсусларимни тарқатишга ёрдам беради.

Ёшлик пайтларимда умидсизлигимни ароқхўрлик билан ўчиришга, сершовқин улфатчиликларнинг тамаки тутуни панасиға яширинишга уринардим. Аммо сира енгиллик ҳис қиласдим. Шунда танҳоликни истаб қолардим. Щу ёрдам берарди.

Сени йўқотганимдан кейин умидсизлик тез-тез келадиган ва узок қоладиган бўлди. Оғир. Факат онанг буни билмаса бўлди. Аммо, унинг ўзи ҳам бу айрилиққа дош бериш учун тиришаётганлигини сезиб қолардим.

Менинг умидсизлигим нима ҳақида? Улар кўп ва турлича. Ота-онамни тортиб олган уруш аламимни келтиради. Беғубор ва беайб гўдакларнинг ўлими ва очликка гирифтормиги-чи? Бир лаҳзада катта бўлиб қолган болалар. Келажагида фақат ўтмиш соясига дуч келган ўспириналар. Ўзи учун эмас, уни кутаётганлар учун жонини асраб жанг қилган катталар...

Оила деб аталмиш қўрғоннинг не-не иморатлари ёнди. Уйларга қўшилиб ёниб кетган китобларни айтмай қўя қолай. Китоб эмас, адабиёт, тарих ёнди. Оҳ, ўз хатоларидан хулоса чиқара олмаган инсоният... Ўз тафтини бошқалар билаи баҳам қўришни бас килиганча ўзларини танҳоликка банди этган одамлар ҳақида ўйлайман. Урушнииг асрлар давомида тикланимас асоратлари ҳақида...

Менинг умидсизлигим сени қучоғимга ола билмаслигимдадир, қизим.

Била туриб ўз-ўзимни алдагандай, сени ўз хотираларимда қучоғимга ола биламан. Моддият дунёси бир-бирини севадиганлар учун түсиқ бұла олмайди, дея ўзимни овутаман. Ойинг сенинг суратингта тикилғанча йиғлаётганини күриб қолганимда унга шуларни айтиб таскин бераман. Аммо, ҳозир хеч нарсага ишонмайман, бу оғриқ ва норозиликни күкрагимда олиб юрибман. Соҳил бўйлаб тез-тез қадамлаб кетаман... Нон ёпаман...

Досту, менга хамир қориш билан бандлик кўпроқ ёқади. Унинг иссиқ тафтини, хушбўй ифорини, қобиги қисирлаб синиши-ю мағзидан буғ сизиб чиқишини, бир сўз билан айтганда, нонни ҳис қилишни яхши кўраман. Уларни болалар маза қилиб ейишлари кўз олдимга келади. Худди сендеқ юзига сепкил тошган қизалоқлар. Бундай хаёллар уйга қайтишим ва яшашда давом этишимга куч беради.

Сени соғингандан соғинган,

Даданг

11

**Тирик нарсалар ўзгариб
туришга маҳкум...**

Досту,

түш маҳали Амир билан масжидда бўлдик. Бугун унинг ота-онаси туғилган кун. Улар бир кунда, уч йил фарки билан вафот этишган. Улар Амирнинг ватанида, беҳизорлар билан қуршалган кишлоқда дағн этилган.

Менинг дўстим ота-онасини, ўз ватанида қолдирган барча нарсаларини соғинади. У ерда етти йилдан бери хукумат қўшини ва қуролланган муҳолифатчилар орасида аёвсиз уруш бормоқда. Муҳолифатчилар ўз хукмронлигига олган ерларда қулликни жорий қилишган. Нак йигирма биринчи асрда-я!

«Уруш туфайли юртимга қайта олмайман, бунинг устига хотиним ҳам, болаларим ҳам қарши. Қишлоқдаги қабристонни портлатиб юборишибди, одамлар марҳумларни зиёрат қилишдан-да маҳрум. Унчалар тақволи бўлмасам ҳам тез-тез масжидга бориб тураман. Ўша ерда ота-онамнинг овозини бошқа жойлардагидан кўра аниқ-таниқ эшиштаман...»

Ёш ўтган сари одам ўлимдан кейин нималар бўлишини ўйлай бошлайди. Исломга кўра, ҳар бир мусулмонни Арши-Аълода ёки дўзахда янги ҳаёт кутади. Бу эса унинг қанчалар савобли ёки

Әлтин Сафарти

генохкорлигига боғлик. Амирдан қабрдан сүнгги ҳаётга ишониш-ишонмаслигини сўраган бўлиб уни баттар тушкун гаплардан чалғитаман.

«Кайдам... Жаннат ҳам, дўзах ҳам худди бошқа разбату жазолар каби ер юзида бўлса керак. Менимча, у ёқда ҳар ким бу ерда нималарга ишонганига қараб ажр олади...»

Амир масжидга кириб чиккунича унинг атрофида айланиб юраман. Ота-оналарини кутаётган болалар корбўрон ўйнашар, уларнинг шовкин-суронидан симларда ўтирган чумчуклар болаларнинг боши узра учиб юришарди. Шаҳrimиз қанчалар ажойиб. Йил бўйи корга бурканганидан худди қор каби оппок, совук ва чиройли.

Масжид ортидаги майдонда қабртошлар кўзга ташланади. Илгари масжид ёнидаги мозор олий мартабалиларга муносиб саналганидан бу ерга диний рахнамолар дафн этишган. Мен бу қабрларга термулганча айни дамда ва айни жойда яшаш манжудликининг энг мақбул шакли дея ўйлардим.

«Биз ҳамимиз бу дунёга меҳмонмиз ва бизнинг тасарруфимиздаги вақт жуда оз!»

Дўстим Амир — сурати ва сийрати жуда хотиржам киши. У мендан йигирма олти ёш кичик бўнишига қарамай ташки дунёдаги ходисаларга жуда хотиржамлик билан, мўминларча, қаҳр-ғазабсиз, поўрини саволларсиз муносабатда бўлади-ки, менда

хамма вакт ҳам бундай бўлавермайди. У кузатувчи, аммо бефарқ эмас.

Амирнинг кундалик ҳаёти бир хилда кечади: у тонгги беш яримда уйғонади, кардомонли қаҳва дамлайди, уйдагиларга нонушта тайёрлайди, новвойхонага отланади, тушлик пайти гитара чалади, кечқурун уйига қайтади, кечки овқатни бакувват қиласди: биринчи овқатга зарғалдоқ ясмиқли шўрва ичади, иккинчисига иссиқлик ва қувват берадиган таом, сўнг болаларига китоб ўқиб беради ва ухлашга ётади. Кейинги кун яна бари бошдан бошланади.

Бундай бир тарздаги кун тартиби менга зерикарлирок туюлади. Амир эса баҳтли. Изоҳсиз, киёслашларсиз. У бундай ҳаёт тарзи — ўз-ўзи билан уйғунликка, Яратганга муҳаббатга бирдан эришмаган, албатта.

«Мен узоқ йиллар ота-онам истаклари этагида кун кечирдим. Улар менинг новвойликка бўлган қизиқишиимга қарши эдилар. Менга эса нон ёпиши жуда қизиқарли туюлар, онамнинг анисли нон ёки зогора ундан пирог ёпишларини соатлаб кузатардим. Отамнинг бундан жаҳли чиққанча мени калтаклаб қолар, унинг ишини давом эттиришиим учун кушихонага судраб кетарди...»

Амирни қариндошлиарининг қизига уйлантириб қўйишиади. Улар бор-йўғи тўққиз ой бирга яшашган, келинчак безгакка чалиниб вафот этади.

Эллин Сафағти

«Нима қилай, ота-онамнинг истагига қарши бора олмадим. Бахтинг ҳар доим ҳам ота-онангни қувонтириши билан бошланавермас экан...»

Ота-онаси ўлимидан сўнг севган қизига уйланди.

Уруш туфайли қишлоғи, ватанини ташлаб кетди. Абадий қиш шахри Амирни ўз кучоғига олди, бу ерда у новвойхона очди, эгизак қизларини вояга етказаяпти.

Досту, ўзгаришлар, ҳатто энг таваккаллари ҳам хаёт учун энг соз зираворлардир. Уларсиз унчалар ўхшамайди. Тирик жон ўзгармасдан қолмайди. Тирик нарсалар ўзгариб туришга маҳкум. Сен эса...

Софинч билан,

Даданг

12

**Орамиздаги жозиба ўз ҳаёти билан
яшайди...**

Досту,

бу ерда илиқ кунлар ҳам бўлиб туради. Худди жадвалдагидек, йигирманчи мартда бу ерда куёш ўзини илк бор намоён қиласи ва шунинг шарафига байрам уюштиришади. Матахари — сариёғ таъмли майиз қўшилган тилларанг булочкалар унинг энг муҳим ширинлиги. Бошида бу бирор ракқосанинг номи билан аталган бўлса керак, деб ўйладим. Аммо раққосанинг бу шодёнага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Матахари малай тилида «қуёш» дегани экан.

Шу ерлик бекалар уни илоҳий таом деб аташади — у янги қурилган тандирга биринчи бўлиб ёпилса, нонлари ширин ва юмшоқ чиқади. Амир иккимиз ҳам матахарини биринчи уринишдаёқ уддаладик. Балки рецепти оддийлиги учундир, балки ҳакиқатдан ҳам илоҳийли учун, нима бўлганида ҳам буни қандай қабул қилиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Қизим, ўзинг ҳам бир унаб кўришинг учун кисқача рецептини ёзиб юбораман. Ўзинг новвойхонамизга келсанг ҳам майли.

Сариёғ ва жигарранг шакарни кўпиртирасан, бир стакан серқаймок сут, кейин уч юз грамм унни оз-овдан, бир чимдим туз, қавартқи қўшасан. Яхшилаб

аралаштирганингдан кейин майиз, сут ва яна шунча ун кўшасан.

Тайёр хамирни столга энликкина ёйганингдан кейин шаклдон билан думалоқларни кесиб оласан. Пишириқ патнисига новвой қоғози тўшаб, унга булочкаларни териб чиқ, сиртига кўпиртирилган тухум сариғи сурт, кейин 190 даражали духовкада яrim соатга қўйиб қўй.

Матахари, айникса, нонушта пайти сенга жуда ёқади.

Сенинг қандай хамир қораётганлигинг, чимчилоғинг билан босиб қўраётганинг, духовкадан патнисни олаётганинг, ортидан баҳор мўралаб турган деразани очишинг ва иссиқ пишириғинг иси ўрик гуллари ифорига аралашиб кетишини тасаввур қиласман...

Сени соғиндим, қизим.

Досту, сен бизни ташлаб кетганингдан кейин ойинг иккимиз ажралишдик. Ҳа, эшитганинг рост, ажрашдик, айрилишдик эмас. Шундай иттифоқлар борки, улар айрила олишмайди. Уларнинг иккисини қанчадан-қанча қувончлар ва қайгулар, топишлар ва йўқотишлар боғлаб турадики, улар орасидаги тортишиш — жозиба ўз ҳаёти билан яшайди ва кесиб бўлмайдиган киндиқдек уларни боғлаб туради.

Бизларнинг орамиздаги иттифок, гарчи бошида буни англамаган бўлсак-да, ана шундайлардан эди.

Әлдин Сафағли

Бизларда айрилик азоби оғирлашиб бориб, шу қадар улкан дардга айландики, бошқа түйғуларга үрин қолдирмади. Ёнма-ён бўлишимиз эса бу оғрикни янада кучайтиради, зеро ҳар биримиз ўзимизни айбдор ҳисоблардик.

Бир куни тонгда Марияни уйдан тополмадим. У сенинг суратинг остига қоғозча қўйиб кетибди.

«Хозир кетишдан бўлак ҳеч нарса қўлимдан келмаяпти. Менга вақт керак... Тушунишга ҳаракат қил ва хавотир олма. Мария.»

Аввалига ўзимни йўқотиб қўйдим, кейин жаҳлим чиқди, ундан кейин ўз қайғуларимга берилиб кетганча ойингта керакли бўлган лаҳзаларни бой берганим учун ўзимдан нафратландим.

У орадан бир ярим ой ўтганидан сўнг қайтиб келди. Бу орада менда ва бизда кўп нарсалар ўзгаришга юз тутганди. Хозир иккимиз учун ўз-ўзимизни айбламаган ҳолда оғрикни қабул қила олишимизга ёрдам берган танаффусни эълон қилишга куч топа олганлиги учун Мариядан минатдорман.

Оғриқ ўтиб кетмади, унга бўлган муносабатимиз ўзгарди. Энди у қалбимизда. Мария иккимизни ҳеч качон тарқ этмаган туйғу — севиш истагига жой ажратганча ўзини четроққа олди.

Сен ҳам бизни тушунишга ҳаракат қил...

Даёдан

13

**Машаққатларга қарамай ҳар бир кунни
унутилмас қилиш мүмкін!**

Досту,

биз тарк этган мамлакатимиз ҳақидаги хабарларни ўқимаймиз. У ерда юз бераётган воқеалар жуда ачинарли. Бизларнинг собиқ ватандошларимиз факат бир нарса — ҳукмрон ҳукуматдан норозилик, демократия, эркин сайловлар ҳақида гапиришмокда.

Улар ҳақиқатан ҳам озодликни исташаяптими? Ахир, озодлик — бу масъулият дегани, у ерда эса камдан-камларгина масъулиятта тайёр.

«Озодлик деганлари аста-секин, пойма-пой, ёввойи галаён ва қон тўкишиларсиз ривожланаётган мамлакатдагина юзага келиши мумкин!»

Онанг Мария эса анчадан бери демократия ва адолат ҳукмрон бўлган идеал жамият мавжудлигига ишонмай қўйган.

«Одамларнинг тақдирни нега бундай синов ва машиққатларга дучор бўлаётгани юқоридагиларга маълум, деган болаларга хос истак билан умид қилишга тўғри келади. Ҳаёт қисқа. Ёқтирган ишинг билан машгул бўлиш, эзгу иши-юмушларни амалга ошириш ва фақатгина ҳисобот-хабар тарзида кўрсатилаётган янгиликларни камроқ кўриш керак, бўлардан уйқунг ҳам қочиб кетади...»

Эдін Сағарғи

Айтгандай, яхши хабарлар ҳам бор. Жан ўзининг қайлиғи билан таништириди. Унинг исми — Дарья, у ҳам психолог. Жуда кўркам хоним. Улар Санкт-Петербургдаги аутизм хасталигига чалинган болаларни инклюзив ўқитишга бағишиланган тадбирда севишиб қолишиган.

Дарьянинг аутизмга чалинган Леон исмли ўғли бор. Жан иккисини бу ерга олиб келди. Кеча ҳаммамиз якшанба сайрига чиқдик. Леон Марс билан дўстлашиб кетганлигини кўрганингда эди!

Улар яқинлашаётган тўлқинларга чап берганча олдинда югуриб боришарди. Леон тўхтаб қолар, тўзғиган чайкаларга қараганча худди ўзи ҳам учеб кетмоқчидек қўлларини қоқарди. Марс олд оёкларини кўтариб, тумшуғини осмонга тутганча орқа оёкларида сакраради.

Болакай унинг қулоқлари ортини қашлаб қўйиш учун яқинлашганида, уни кўрқитвормаслик учун итимиз ўзини тек тутарди. Марс болаларни жуда яхши хис қиласди. Одатда Марс бегоналарни ўзига яқинлатмайди, силашга изн бермайди.

Мен уларни кузатарканман, бошимда Синатранинг «*It's impossible*» номли таронаси янгарди.

«Уммон соҳилга интилмаслиги мумкинми? Йўқ, мумкин эмас!»

Одамлар ер юзига бир мақсад — севишини ўрганиш, меҳрни хис этиш учун келишади. Итлар

Эдип Сафарли

буни туғилғанлариданоқ билишади, шунинг учун камрок яшайдилар.

Аутизмга чалинган болалар кутилмаган ишларга кўл уришади, шунинг учун ҳам улар ўзини қандай тутишларини олдиндан била олмайсан. Бутун у ит билан bemalol ўйнашмоқда, эртага эса унга яқинлашишдан кўрқади, зеро бу учрашув уммон соҳилидамас, дейлик, торгина зина йўлагида содир бўлган пайтида. Даръяниг ўғли ҳақидаги гаплари қулоқларим остида жаранглайди.

«Аввалари Леон билан одамлар гавжум жойларда асабларим тараңг ҳолда бўларди. Бундай пайтларда унинг энг оддий ҳодисалар, масалан автобус эшиги ёпилаётганида чиққан товушдан қўрқувга тушишидан хавотирланардим. Энди эса одамлар бунга қандай қараашлари менга барибир. Леон қўрқсан ёки ўзини йўқотиб қўйган пайтда уни маҳкам қучоқлаб олганча нималар содир бўлаётганигини секин тушунираман. У гапларимни тушуниб тинчланади...»

Жан дунёning кўплаб мамлакатларида аутизмни ҳалигача аввалгидек психотроп препаратлар билан даволашга уринишаётганидан хавотирда. Бунга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида қайғуриб гапиради. Айрим давлатларда оддий болалар аутизмга чалинганлар билан бирга ўқийдиган мактаблар очилаётган эмиш.

Бундай болалар одатдаги болалар каби дунёни 1-роқ этишни, унинг бир хисмига айланишни

Эллин Сафарли

ўзларига хос тарзда уддалайдилар. Жамият ҳам уларни ҳеч бир ҳадиксиз қабул қилишни ўргана бошлайди. Умуман олганда, таъсирчанлиги юқори бўлган хасталардан қўрқиш керакмас, соғлом бўла туриб ўзини эплолмай юрадиган айрим кимсалардан ҳадиксираш ўринли.

Ҳар бир тонг — янгиликларни кўриш, ўрганиш имконияти, ғаройиб саргузаштнинг бошланиши ва давом этишидир. Ҳар бир янги кунни мاشақкатларга қарамай унутилмас қилиш мумкин. Бундан одамнинг юраги хаприқиб кетади.

Юрак товушимнинг жарангига сенинг исминг бор...

Дадаңг

14

**Нега одамлар орзумандыгидан
уялишади?**

Досту,

бешинчи кундирки ёзмаяпман, кечир. Уйга жуда кесч қайтаяпман, озгина тамадди-ю, Мария билан бир-икки оғиз гаплапшишгагина ҳолим етади, холос, кейин эса тошдек қотаман. Новвойхонада иш бошдан ошиб ётибди, кенгаяпмиз. Энди бизда тандир ҳам бор, электр билан ишлайдиган темир тандир эмас, ҳақиқий лой тандир, унда ҳам нонлар, патирлар ёпамиз.

Худди тепаси кесиб олинган гумбазга ўхшайдиган лой тандирни сариқ туирокдан ясашади. Бундай тандирни озгина ўтин билан ҳам яхшилаб қизитса бўлади, иссиқни яхши ушлайди.

Амир тандирни оқартириб, силлиқ юзасига бир-икки ховуч сув сепади ва қўлига рапида тақканча япалок айлана нонларни тандирга ёпишириб чиқади. Тасаввур қиласанми, бу хом нонлар қип-қизил чўғлар устига узилиб тушмасдан, икки томони ҳам кизариб пишади. Ўн дакикалардан сўнг қизарган нонларни маҳсус нонузгич билан узиб чиқади.

Амирга тандир ясашни яқин-атрофида тўққиз хил икlim қўшничилик қиласидан мамлакатда яшайдиган тоғаси ўргатган. У ерларда ўтин дегани тахчил экан.

Эмин Сафарли

«...Кузда отам мени пахта териш учун төгамниги юборарди. У ердаги одамлар тушиликка таклиф қилишда «юринглар, нон еймиз» дейишади. Бу жойларда «нон» ва «ейши» сўзини бир-биридан кўпинча ажратолмайсан. Очиқкўнгил, меҳрибон, кези келганда жуда соддадил, бир сўз билан айтганда, гаройиб одамлар, ажойиб халқ...»

Нега одамлар ўзининг орзумандлигидан, мулойимлиги ва бошка фазилатларидан уялишади? Бундай туйғуларни соддадиллик аломатидан деб билиб, қўполлик ва қўрслик, айёрлик ва тилёғламаликни — сиёsat дея аташади.

Қоидага кўра иссиқкина тандир нонини қўзи терисидан тайёрланган мешда тўқсон кун сақланган кўй сути пишлогига қўшиб ейишади. Бунинг учун терини жундан тозалашади, ошлашади ва тескарига ағдаришади.

Кеча Амирга шунаقا пишлоқдан келтириб беришди. Новвойхонада мен ҳам бор эдим. Қандайдир ўзига хос ҳидини айтмаса, жуда мазали. Амир хиргойи қилганча пишлоқни кесишга тушди.

«Уйида нони борнинг кўнглида гам на қилсин!»

Мен тандирда нон ёнишни энди ўрганаяпман, хамирини эса деярли ўрганиб олдим. Бу хамир юмшокроқ бўлиши керак. Бунинг учун ун, сув, қуруқ хамиртуруш, туз, бир қошиқча шакар ва ўсимлик ёғи ишлатилади. Амир зувалаларни шаклга келтириб, кафтининг қирраси билан уларнинг ён томонига излар

Әлін Сағарғи

солғанча япалоқлайды, нонпарга юзини уриб, сиртига тухум сариғи суради, кейин нонпарга тескари уриб, сиртига сув сепалаб-ишқаб тандирга ёпишириади. Тандирноннинг сирти қисирлаган бўлиб, ранги тилларанг тус олади. Ёпишиб қолмайди ҳам.

Досту, бугун қўқисдан бувим билан олмали сомсалар ёпганимизни эслаб қолдим. Печдан чиқаётган илиқ ифор, столдаги ун уюми. Ун чангидан бурним қичишавериб роса аксиргандим. Ўша кундаги бошқа тафсилотларни ҳам эслашга роса ҳаракат қилдим, бўлмади. Энди мен учун мухим бўлган кўплаб тафсилотлар хотирамдан ўчиб бормоқда.

Хотираларимда мен бир пайтда ўзи қўлимга келиб тушган балиқли ирмоқни эслайман. Нимагадир у қорни билан тепага тўнтарилиб қолганди. Кейин уларнинг кўплигини билиб қолдим. Қандай зўр! Кармоққа соатлаб қараб ўтириш ҳам керакмас. Апилтапил уларни тергилаб олганча уйга чопдим. Ойим эса ўлимтик балиқларни ахлат челагига ташлади. Мен кўзларим тўла ёш билан ахлат челагидаги кумушдек балиқларга термулардим.

Баъзан ўтмиш ҳаётингни чидаб бўлмас даражада ажойиб қилиб ташлайди. Шу даражада ажойибки, бунга айримлар тоқат қилолмайдилар ҳам.

Софинч азобига чидолмаёттган...

Даданг

15

**Бир куни шундай одамни учратасанки,
унинг кўзларидан сенга тақдир қараб
туради...**

Досту,

бугун Дарья Леон билан уйимизга келишди. Биз жуда хурсанд бўлдик: бизнинг оқ уйимизда бола кулгуси етишмай турганди. Жан дам олиш кунларида хам мижозлари билан сухбат ўтказгани учун она-бола кўпинча бизни йўқлашади.

Леон Марснинг ҳамроҳлигига Ўзғирнинг каютасини кўздан кечириб чиқаяпти. Ойинг супра билан овора, биз Дарья билан унга ёрдамлашамиз. Жувон Абадий киш шаҳрига кўникаяпти: аввалига унга музқоядек кўринган бу жой энди ўзининг илиқ томонларини намоён қилмоқда.

«Келганимнинг биринчи кунида бу шаҳар дунёдан юз ўғирганларга аталган бўлса керак, деб ўйлагандим. Кейин яхшилаб қарасам, унда янги келганлар учун ҳам, кетадиганлар учун ҳам жой топиларкан...»

Сиртдан нозик нихолдек кўринган Дарьядада кучкуват қайнаб-тошади. Субҳатлашганда бир мавзудан бошқасига осонгина ўтиб кетади. Дам инқилобгача бўлган Петербургнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлмиш консерваторияни медаль билан якунлаган талабага рояль совға қилишларини, дам дунёда раингларни умуман ажратадиган ахроматопсияга чалинган одамлар сони ошиб бораётганлигини, дам

Эллин Сафарли

бошқа одамнинг тажовузкорлиги аслида меҳрга бўлган мухтожлиги оқибати эканлигини айтиб беради.

«Бошиңгизни қотириб ташладим. Бу дунёning муаммоси қачон адo бўлибдики, энди адo бўлса. Яна бир бор узр сўрайман...»

Дарья унинг гапларига ҳайрат билан боккан кўзларимизга тикилиб қиқир-қиқир кулади, худди ўша дунё муаммоларини Леонга бўлган муҳаббати билан мағлуб қилгандай. Яна одобсизлик қилмадимикан дея кафти билан лабларига уриб қўяди ва сабзини майда кирғичдан ўтказа бошлайди. Биз сабзили печенъе тайёрлаяпмиз. Мен юз грамм юмшатилган мойга шунча шакар қўшиб кўпиртираман. Тухум, ваниль қўшиб арадаштираман.

Мойли аралашмага Мария бир яrim стакан унни элакдан ўтказиб қўшгандан сўнг устига туз, қавартқи ва корица қўшади. Кейин уни яхшилаб арадаштириб, қирғичланган сабзини қўшиб қоради — юмшоқ ва зарғалдоқранг хамир тайёр. Ойинг қўлларини ҳўллаганча печенъсларни ясад пишириқ патнисига териб чиқади ва йигирма дақиқага духовкага жойлаштирди.

Печеньени совутишга қўйгач, ойинг Леонни уйната бошлади, биз Дарья билан Марсни айлантириб келиш учун уммон соҳилига, очик ҳавога чиқдик. Гарчи тунги бўрондан сўнг ҳаммамиз табиат дам олса керак, деб умид қилган бўлсак-да, ташқарида қор буралаётганди. Майли, буралай колсин, шамол

Эллин Сафағли

бўлмаса бўлгани. Изғирин баданингни очик жойига митти-митти игналарини санчганда оппоқ теварак атрофига тўймаётган кўзларингни юмиб оласан киши. Кор ёғиши иссик ўлкаларда офтоб чиқишидай гап...

Даръя трассадан оқ уй томонга элтадиган йўлакка қарайди — Жанни кутаянти...

У Жаннинг на исмини, на қиёфасини билган ҳолда кутган, ҳатто уни қачон ва қаерда учратиши мумкинлигини билмаган. Лекин ички туйғулари садоси уни тақдирнинг муҳим учрашувига тайёрлаган. Тўғри, танловда баъзан адашган бўлиши мумкин, лек бунга қарамай узок кутилган учрашувларининг яқинлашаётганига ишонган. Леоннинг отаси боланинг ташхисини билганидан сўнг уларни ташлаб кетган экан.

«...Мен Жанни умр йўлдошимни йўқотишдан пайдо бўлган қўрқувларимни бир қадар енганимдан сўнг, руҳимдаги синиқлик аста-секин бутунлик касб этганидан кейин учратдим. Кўплаб жувонлар каби ёлгизлик қўрқувини севги билан адаштиргандим. Биласизми, бир пайлар ҳиндиstonлик дугонам менга: «Бир куни шундай одамни учратасанки, унинг кўзларидан сенга тақдир қараб туради», деган эди. Шундай ҳам бўлди. Бу идеялаштиришимас, асло, Жан ҳам кўпчилик қатори қусурлардан холи эмас. Ҳиссиётга бўйсунган ақлнинг эмас, ақлга бўйсунган ҳиссиётларинг танлови — энг тўғриси экан.»

Эллин Сафарли

Қизим, ҳақиқий мұхаббатда шубҳага ўрин йўқ. У
ўз истагига бир кунмас бир кун етаклаб боради.

Тақдир бизни ўзимиз ўйлаб тополмайдиган
сүқмоқлар орқали чўққига етаклайди.

Сени севиш ва кутиш ҳам менинг тақдирим
чекига тушганидан шукр қилишдан чарчамайман.

Даданг

16

**Тирик инсонний севиш —
ажойиб тухфа!**

Досту,

ер юзида идеал дунёни излама, у йўқ нарса. Гўзаллик тасқаралик билан, самимийлик — риёкорлик билан, тан олиш — унудиши билан қўшничиликда яшайди. Бизлар ўзгартира олмайдиган нарсалар мавжуд, уларни қабул қил ва йўлингда давом эт. Қабул қилиш — таслим бўлиш дегани эмас, гарчи биринчи қарашда мағлубиятдай туюлса ҳам. Қўлингдан келганича ёрдам бер — ҳар бир янги кун инъоми бунинг учун имкониятлар очиб беради.

Мукаммалликни излаш ёшликка хос нарса. Ўз-ўзинг билан муросага келишни топа олиш ва ушбу мувозанатни саклай билиш эса энг муҳими.

Ботиний оламинг нафратни севги-муҳаббат билан, қўрқувларни — орзу-умидлар билан, ўлим истагини — яшашга бўлган илохий чанқоқ билан енга оладиган ишончли маскандир. У ерда йўқотган одаминг билан қайтмас бўлиб кетган муҳаббатингни эслаш ва у билан хаёлан яшапинг мумкин.

Аммо ички дунё деб аталмиш кальяга биқиниб олганимиз билан унинг ташқарисида юз бераётган ҳодисаларга алоқадорлигимиз узилиб колмайди. Дераза ортидаги бўрон уйдаги об-ҳавога таъсир қиласди, эшитган сўзимиз дилимизга озор етказади,

Элми Сафарли

кифтимизга тушган зарба — ўлдириши мумкин. Шунинг учун танловни жуда ўйлаб амалга ошириш лозим.

Қизим, мен ўзимнинг ёшлигимни ва дунёни ўзгартиришга бўлган чидаб бўлмас истагимни эслайман. Мен ким эдим? Юксак талабларга асир идеалистми? Адолатспаликка даъвогар тақводорми? Мен одамларнинг ҳаммага ўхшамаганликдан уялмасликларини истардим. Жамият қандай тўлақонликка эришишини равshan тасавтур қилардим.

Фикрларимни етказиш, кўрсатишга бўлган юзлаб уринишларимдан сўнг тамоман кучдан қолдим. Ўзимни «мен ожизман», «менинг ғояларим бир тийинга қиммат» каби хulosаларим билан ўзимни еб битирдим. Ўша пайтларда мен билан учрашиб юрадиган аёлнинг гаплари қулоқларим остида жаранглайди.

«Сенинг ички кечинмалариниг тириклигийдан далолатдир. Тирик одамни севиш — бу жуда ажойиб тухфа!»

Дунё қандай бўлса, уни шу ҳолида қабул қилдим. Ёрдам бериш ёки четлаб ўтиш — менинг ҳар кунги танловим. Агар ёрдам бермоқчи бўлсанг иккиланмай кил ва теварак сенинг воситаигда кимнингдир ҷбодатига жавоб берадигани учун хурсанд бўл.

Мен кўплаб қартайиб колган идеалистларни сўрдим. Ачинарли манзара... Досту, ўз қақлигинга тиониб колиш ўзгаларга ўз саммийлигинги

Элми Сафарли

тикиштиришдай даҳшатли. Идеализм кўпинча фожеага айланиб кетади. Бу дунёнинг ўзи мукаммал эмаслигини англаб етганингда мукаммаллик ва тўқислик томон силжаётганингни билиб қоласан.

Бугун сенга ўн олтинчи хатни ёзиб тутатаётиб, ўз-ўзимдан сўрадим: менинг бу сатрларим ўз яқинимга хаёт сабоқларимни етказишга бўлган худбинона истагим самараси эмасми? Менимча, бундай эмас.

Сени соғинганини айтиб чарчамайдиган,

Даданг

17

**Хеч қаёқقا шошилма, йўқса
мўъжизани ўтказиб юборасан...**

Досту,

тўп-тўп булутларни томоша қилмаганингта кўп бўлдими? Мана бир неча кунки, кўзларимни осмонга қарат олганим йўқ — ишлар шунаقا кўпайиб кетди-ки, ўпкам нақ шишиб кетди. Уммон ва булутларни қанчалар севишимни биласан-ку. Ҳозир уларнинг иккиси ҳам бор менда. Бу менинг баҳтим...

Бугун новвойхонага кечроқ боришга аҳд қилдим. Марсни эргаштирганча соҳилга бордим. Сукунат, кимсасизлик, бирорта балиқчилар қайиги кўринмайди, ғалати...

Осмон — буюк мувозанатлар соҳиби. Ердаги тартибсизликлар орасидан осмонга қарашнинг ўзи ҳаёт ҳеч кимга ҳеч қандай кафолат бермаслиги, у ҳеч кимдан қарздормаслиги, аммо доимо йўлида давом этажак карвонга эканлигини эсга солади. Бошингдаги югур-югурлар шовқинини бир ёқли қилганингда бу ҳақиқат равшанлашади.

Мен осмоннинг оппок кезувчилари бўлмиш булутларга ошиқ бўлиб қолганимда олти ёшларда эдим: мактабга кетаётиб, қуёш нури бир уюм булут хирмони орасидан ёриб ўтаётганини кўриб қолдим. Булут хирмони менга ғоз пати тўлдирилган момик ёстиқни эслатарди.

Элін Сафарли

«Булаттарнинг устида ётса ҳам бўларкан...»

Кейин булатлар қорая-қорая хўмрайганча сур булатларга айланди. Худди уларга кимдир сиёҳ қуйиб юборгандек. Мен сур булатларга ачиндим — одамлар уларни ёқтиришмайди. Мен қуёш тезда уйғониб, сур булатларни ҳайдаб солади, деган синфдошим билан ёқалалишиб ҳам кетдим ҳатто.

Булатлар одамларга доимо ривожланиб бориш кераклигини эслатганча ҳаракатда бўладилар. Улар хаётга юмор билан муносабатда бўлиш кераклигини тавсия қилганча турли шаклларга киради. Табиат табассум қилиш салоҳиятини фақат одамгагина тухфа қилган. Нимага шундай? Балки ҳароратга энг кўп муҳтож бўлганлигимиз учундир?

Булатлар айни дамдан лаззат олишни ўргатади. «Алиса Мўъжизалар мамлакатида»ги машҳур жумла эсингдами: «Агар сиз доим шошилиб юрсангиз, мўъжизаларни ўтказиб юборишингиз мумкин».

Қизим, доим югуриб-елиб юрадиганлар кўшилигига қараганда яшай биладиганлар жуда озчиликни ташкил қиласди. Биз тўхташдан, ўз-ўзимиздан: «Қаёққа кетаяпман? Керакли иш билан бандманми?» дея сўрашдан қўрқамиз. Бизга подага хос ҳаракат ҳадисини сингдиришган — қанчалар кўп ва банд бўлсак, шунчалар ошиғимиз олчи бўлади. Бироқ истагимиз ортидан ноаниқ манзилга йўл олган пода каби пойга билан оворамиз. Бу пойга бизни

Эллин Сафарли

бахтли қилмайди, аксинча тоқатсизлантиради ва хоритиб-чарчатиб эзид ташлайди.

Бизга ҳамиша нимадир кам. Күп нарсаны, ҳатто орзумиз ушалган лаҳзани ҳам сезмай қоламиз. Булутлар эса бизни зимдан кузатиб туратын. Охиста сузишни ўрганинглар, десе ўзини шамол измига ташлаган күйи биз шошқалоктарни кузатиб боради.

Булутлар ортида аксигни күрувчи...

Даданг

18

**Сен туфайли ҳаётим янгича
файз касб этди**

Досту,

мен яна италянчани ўрганаяпман. Эсингдами, Тосканияга сафар қилганимиздан кейин ҳаммамиз уни ўрганишга қизиқиб кетгандик? Бошланиши ёмон бўлмади. Кейин сени шифохонага ётқизиши. Сен машғулотни тўхтатишни истамадинг ва биз энди палатангда шуғулланардик. Даволовчи шифокорнинг жаҳли чиқди.

«Хозир тил ўрганиш мавридими?!»

Уни ҳайдаб солишимизга тўғри келганди. Кейинроқ бизни тушунган бўлса керак...

Дарсликдаги чангни қоққанча матнни ҳижжалаб ўқийман. Ферерлик ёзувчи Жанфранко Россининг ҳикоялари. Қандай ажойиб услуб — ўқувчига нима ҳақда ёзилганимас, ўқищ жараёни тўхтовсиз, саҳифама-саҳифа давом этавергани муҳимдек ёза билиш. Россининг сўзларида ором берувчи сеҳгарлик пинҳон. Ўзга олам ва ўзга оламнинг бизга аён бўлмаган ўзга ўлчамига тушиб қолгандай бўласан.

«...Кайдадир шундай осуда жой борки, тирик жон деб атамииш дарахтлар, майсалар, жониворлар сокинликка чўккани куйи шовқинсиз чайқалади. У ердан қочиб кетиши хаёлинггаям келмайди. У ерда аста-секин деганлариям жуда сокин. Бефойда мунгга

Эллин Сафарли

*алмашинадиган бесарҳад қувонч билан фавқулодда,
ёввойи, озод ҳолда ўз-ўзинг билан яшайсан...»*

Менимча, иқтидорли инсонлар ҳаёти, гарчи уларнинг ёрқин салоҳияти азиятларга коришган бўлсада, бутунлай аянчли эмас.

Италянчани ўрганиш учун Мариянинг деярли вақти йўқ. Кўли бўшаган пайтларини Леон билан ўтказади. Улар кўпинча сайрга чиқишиди, олис ўлкалар ҳақидаги қўшиқларни ўрганишиди, баъзан эса шамолни тинглаганча узоқ пайт сукут сақлашади.

Дарья энди Жан билан бирга ишлаётганлиги учун Леонни бизнигига ташлаб кетаяпти. Леон туфайли ҳаётимизга ўзгача файл кирди.

«Достуни йўқотганимдан кейин ўзимни омон сақлаш учун ботинимдаги қандайдир манбаанинг кўзини беркитдим. Йиллар оша у менга етишимай келди. Леон эса унга қайтишимга ёрдам берди.»

Дарья ўғлини чўмилтираётганидан фойдаланган Мария товуқ шўрва қайнатиш билан банд.

«Уч йиллар олдин Леон кўзингга қарамас, чақирсалар жавоб қайтармас, унга мурожсаат қилганларга жавобан қулоқларини беркитиб олар ёки берилган саволни айнан тақрорларди. Бир қарашиб ҳеч нарсани тушунмаётган бола бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани тушуниб етаётгандай ҳам эди.»

Дарья товуқ шўрва қайнатиб она-болани кузатиб турган Марияга ўз дарду хасратларини баён қиласади.

«Баъзан унинг ёнида борманими-йўқманми Леонга фарқсиздек туюларди. Бундан хўп азобланардим. Аммо таслим бўлмадим, ўглимнинг согилиги билан жиоддий шугулланишда давом этдим. Ҳамкасларим — психологлар, дефектологлар ёрдам бершиди. Уларга раҳмат!»

Аутизмга қарши хапдорилар йўқ. Психиатр шифокорлар одатда болаларни сустлаштирадиган препаратлар билан «даволашга» уринишади. Доридармон билан олиб бориладиган муолажалар психологлар ишлаб чиқсан амалиётлар билан бирга олиб борилмаса, барчаси бекор.

Мария айни «Сим-сим кўчаси» намойиш қилинадиган пайтда телевизорни қўяди. Леон ундаги севимли қаҳрамони, кўзлари чақчайган мовий паҳмок Коржик ўзининг машҳур «Печенье!» хитобини айтганида хохолаганча кулади.

Қизим, нега катталар бола бўлишни бас қилишади? Нега фақат қариган пайтдагина чинакам баҳт нималигини эслаб қоламиз? Нега фақат кексаликда болаликнинг беғуборлигини қумсаймиз. Эплолмасак-да қумсаймиз...

Даданг

19

Абадий, ўзгармас баҳт — азобми?

Досту,

менинг ботинимда мувозанат ва турғун уйғунлик йўқ. Умуман бу нарса бошқа бирор кимсада бормикан, деб ўйлаб қоламан. Мувозанат ва уйғунлик бўлмаса-да севги ва миннатдорлик бор. Ҳаёт деб аталмиш чироғим қисқа тулашувлар сабабли тез-тез электр тармоғидан узиб кўйилаётгандек туюлмоқда. Гарчи етмиш ёшга бориб бу ажойиб ва бир пайтнинг ўзида мудҳиши дунёни янгиликлар ила қабул қилиш мушкул. Ҳиссиётлар аллақачон барқарорлашган бўлиши керакдек.

Ҳеч нарсага ишонмай қўйган кунларимда йиллар давомида орттирган тажрибаларим унутилади. Ёш боладек танлов олдида ожиз қоламан.

Жан билан Ўзғирнинг бортида ўтирибмиз. Кор эриган, кун илиган бўлса-да, шамолнинг забти телпакларимизни ечишга монелик қиласади. Дўстим хорғин ҳолда сигарет чекади.

*«Жан, сенинг ҳам кунинг ғалати ўтаяптими?
Бир кўтарилиб, бир пасаймоқдами?»*

Жан бир дақиқа сукут саклаганча сигаретни кор уюмига тикиб ўчиради.

«Шу куннинг ўзи ҳаётдир...»

Элбин Сафарли

Жаннинг мижозлари кўпайган ҳозир. Психолог кишиларнинг дарду хиссиётларини ўзининг қалбидан ўтказа олмаса, унинг танига ҳам, руҳига ҳам шифо беролмайди. Бунча юкни кўтариб юриш уни жуда толиктирган. Бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қилсаларда хаста болакайнин тарбиялаш бу ҳамкасб жуфтлик учун осонмас.

«Мижозларимнинг онгу шуурида қандай хаёллар борлигини англашга ҳаракат қилаяпман, ишиимнинг бош мазмуни ҳам шундан. Аммо бугун бирдан буюк ноаёнлик қаршисида барча айтганларимнинг кули кўкка соврилди. Ақлимиз етмайдиган синоатлар ҳамма вақт бўлади. Балки бу яхшилиkkадир. Ҳеч бўлмаса икки кун дам олишим керак. Даръя билан машинада уммоннинг нариги соҳилига бориб келмоқчимиз. Леонии сизларникида қолдирсан, майлими? У олис йўлни кўтара олмайди...»

Биз ойинг билан бундан хурсанд бўлдик. Майли, улар дам олишсин, бу уларга фойдали.

Баъзан нимаки бўлиши керак бўлса, ўз-ўзидан бўлаверади, деган ишонч билан барча ишларни ўз ҳолига ташлаб кўядиган масъулиятсиз одамнинг ролини ўйнаш фойدادан ҳоли эмас.

Қизим, биласанми, нима ҳакда ўйлаяпман? Нуксонларинг орасидан ҳам баҳтга қарашни ўргангандан холда унга эга бўлиш мумкин.

Мавриди келганда мукаммаликни эгаллашдан воз кечиш ушалмас орзуладар — сароблардан халос

Эдип Сафарий

қилади. Ўз номукаммаллигини тўлдирадиган одамни умр бўйи излайдиган одамлар жуда кўп. Дарвоҳе, айнан мана шундай одамларни севиб қолишади!

Тўғри, кимдир излаш йўлида вақтингчаликка овунчоқ топади ҳам. Лекин бирор хатога йўл қўйдими, бас, мукаммалик изловчининг нигоҳида илинжлари бир зумда шоҳсупадаи қулайди, ҳафсаласи ҳам пир бўлади.

Бизнинг ўзимиз мукаммаликдан йироқмиз ва бошқалардан ҳам бенуқсонликни кутмаслигимиз шарт.

Ҳарбий асиrlарни отишганидан сўнг инсониятга бўлган ишончини йўқотган ва даҳшатли «нима учун» деган савол тинчлик бермаган Пьер Безуховни эслайман. Халқдан чиқсан одамни учратганидан сўнг у руҳан қайта туғилади.

«Демак яшаш керак, демак севиш ва ишониш керак!»

Досту, болаликда ҳаётдан шунчаки лаззатлана билсак, вояга етгандан сўнг баҳтни камалакдек рангбаранг, афсонавий чизгилар билан бежаб-чирмаб ташлаймизки, унинг асл қиёфасини ҳаётда танимай ҳам қоламиз.

Абадий ва ўзгармас баҳтнинг ўзи азоб эмасми?..

Сени соғиниб,

Даданг

20

**Бошқаларнинг баҳти ҳақида
қайғуришда ҳам баҳт бор...**

Досту,

бугун Абадий қиши шаҳрида қор уюм-уюм бўлиб ётганига қарамай илиқлик бор. Амир бундай обҳавони иссиқ юртлардан ташриф буюрган жануб шамолининг шарофатидан дейди. Мен новвойхонага йўлнинг қуёшли тарафидан бораётиб вақт-вақти билан тўхтайман. Кўзларимни юмиб, юзларимни тонгги нурларга тутаман. Танимга илиқлик киради. Кўз ўнгимда кўм-кўк адирлар, қизғалдокзор далалар пайдо бўлади. Далага туаш йўл биқинидаги қаҳвахонада кимлардир иссиққина қаҳва ичиш билан машғул, яна кимлардир ўтган йили кузда тайёрланган винонинг охирги очилганларидан таътиб кўрмоқда. Барчасининг либослари ёрқин рангда, хурсанд дейиш хато бўлар, лекин хафа ҳам эмас. Хотиржам сухбат давомида улар дунёning у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқадилар.

Жан ва Дарьяни таътилга кузатиб қолдик. Улар Леон ва мушуклари Матисни ташлаб кетишиди. Мария уларни тўйимли нонуштасиз қўйиб юбормади. Мен кунжутли нонни иситаётганимда Мария столни кардамонли қайнок чой, эритилган ёғда тайёрланган сариқ пишлокли омлет, помидор, бодринг ва қизил пиёз ҳалқачаларидан иборат салат, асалли қаймоқ, энг сифатли ёғга буланган ва устига майдаланган қизил

Элбин Сафарли

қалампир сепилган зайдунлар билан дастурхонни тўлдириб ташлади. Қандай ажойиб! Яхшиямки, бу ерга ўтиллари билан жанубдан маҳсулотлар етказиб келадиган Солиҳнинг дўкони ёнгинамиизда.

Дастурхон атрофида сени эсладик. Ҳамиша сен учун ҳам уммон тусидаги тарелкани дастурхонга кўямиз. Ойинг уни саҳийлик билан егуликларга тўлдиради. У сенинг нарҳезинг учун қанчалар куйинганлари эсингдами? Сен унга айтардингки, таом — эътиқодмас, қувватга айланганида яхши. Ошикча вазн эса ҳаддан ташқари кўп ейишдангинамас, камҳаракатлик, овқат хақидаги хаёллардан чалғитувчи машғулотларнинг йўқлиги ҳамдир, дер эдинг.

Қизим, сенинг маслаҳатларингга амал қиласман, ширинликка ружу қўймайман, кунни бир стакан илиқ сув ҳамда гимнастика билан бошлайман — нонуштага лойик ҳаракат қилиш керак.

Ёнида думини ликиллатиб турган Марс билан онасини одатда индамай кузатиб қўядиган Леон бугун узоклашашётган машина ортидан йиғлаб қолди. Дарья колишга ҳаракат қилиб кўрди.

«Жан, балки бир ўзинг кетарсан? Леон ииглаяпти...»

Болакайнинг қорни очиб, инжиқлик қилаётган бўлса керак дея уларни йўлдан қолмасликка унгадик. Улар жўнаб кетишиди.

Леон Мария билан уммон соҳилига чиқкан заҳоти тинчиб қолди.

Элін Сағарли

Дарья ўғли билан зийрак муносабатда бўлишга ҳаракат қилаётганлигини сезиб тураман. Оналик — бу факат инстинкт ва хоҳишмас, ўзингда эътибор ва интизомни тарбиялаш ҳам. Шу билан бирга, бу ғашланишу толиқишини енгид ўтиш. Дарья ўзини ақидапараст она ҳисоблади.

«Болага бутунлай бахш этилган вақтнинг ўрни ҳеч қачон қопланмайди, фарзандлардан бунга тенг бадални кутиши бефойда.»

Факат Жан эмас, Дарья ҳам чарчаган.

«Йогуртни соchlарига суркаб, егулигини ерга сочиб, фломастер билан қўллари-ю билакларига чизиб ташлаганида жонинг ҳиқилдоққа келади. Ҳар бир она бунда ўзича йўл тутади. Мен учун девордаги сабзи пюреси ёки сули бўтқасини ювиб ташлаш қийинчилик тугдирмайди, бошқа бирорнинг эса асаблари дош бермаслиги мумкин... Оталик ва оналикдан ҳузурлана олган одамларга қойил қоламан. Менда гарчи фарзандимга бўлган муҳаббат ва ҳаётимдан баҳтиёrlигим мавжуд бўлса-да, ҳузур ва завққа жой ажратолмаяпман...»

Досту, баҳт — ўзгалар баҳти учун қайғуришда ҳамдир. Биз Мария иккимиз Жан ва Дарьяни бир муддат кўзларига ташвиш нигоҳисиз боқишлиари учун имкон яратганимиз учун баҳтлимиз.

Сени соғинганмиз...

Даданг

21

**Күркма, танлаган йўлинг сени
жарликка етакламайди!**

Досту,

мен Мария ва Леон билан бирга бўлиш учун новвойхонадан икки кунга жавоб олдим. Болакай онасини соғинчани итимиз Марс ва денгиз соҳилидаги сайд юмшатади. Изғирин шамол кўтарилиб сайдга чиқишнинг иложи бўлмаса ёки кеч тушиб қолса, иккиси уммон кўриниб турган дераза қаршисида ўтиришади. Гоҳида Леон билан велосипедга мингашиб, шаҳарга элтувчи йўл бўйлаб сайд қиласиз. Болакай менинг гапларимга ҳеч қандай белги-ишора билдирамасада у билан сухбатлашаман.

«Мана шу йўлдан Жан ойинг Дарья билан биз томонган шошилмоқда...»

Велосипеднинг орқа ўриндиғида ўтирган Леон ўзига хос овозда бақирганча ортимизда қолаётган уйларнинг рақамларини эълон қилиб боради. Қиқирлайди. Офтобдан бироз қуриган асфальт бошқа соҳилга кетганлар ва қайтмаганлар изини ёдида сақлади.

Ярим соатдан кейин Леон елкамни чимдийди. У чарчади, уйга қайтиш керак, Мария ҳам тушликни тайёрлаганча кутиб қолган бўлса керак.

«Марснинг ёнига қайтайлик...»

Эллин Сафарли

Уммон ўзи ҳақда ҳаммасини айтиб берадиган дўсти пайдо бўлишини бошқа кутмайдигандек ковоғини солиб олган.

Болани велосипеддан кўлимга олиб, уйга элтгунимча ухлаб қолади. Мария уни диванга ётқизиб, устига хантал тусли кўрпа ташлаб қўяди.

«Майли, бирор соат мизгиб олсин... Бизнинг қизимизни каби Леонни ҳам саир сокинлаштиради. Эсингдами, сизлар саирлардан қандай қайтардинглар? Бахтиёр ва мудраган ҳолда...»

Қизим, сен уйимизни яхши кўрардинг, аммо тўрт девор орасида ўтириб қолишни ёқтирмасдинг. Бизларни йўллар, айниқса уммонга элтадиганлари чорларди. Рўзгорга қарашмаётганлигинг учун ойингни жаҳли чиқарди. Сен ёнимга келволганча ҳиқиллашга тушардинг.

«Дада, идишларни чаноқдан шкафга тахлашдан ёки барибир гижимланадиган кийимларни қайта дазмоллашдан чарчашини хоҳламайман. Янги йўллар, йўналишларда чарчатишими хоҳлайман!»

Қаерга боришингни тасаввур қилу, бунга қанча вакт ва куч сарфлашингни ўйлама. Сен учун энг яқин йўналиш яқинларинг учун хатодек кўриниши мумкин. Шунинг учун танлаган йўлинг жарликка элтади, дейдиганларнинг гапларига қулоқ солма.

Леон ухлаётган пайтда Мария майизли өлма печеньеси тайёрлашга жазм қилди. Корица, мускат ёнғоғи, чиннигул, жигарранг шакар каби зираворлар

Эллин Сафарли

туфайли бу печенъенинг таъми одамга илиқлик бағишлиади. У жуда ҳам юмшоқ, пүрсилдок чиқади. Фақат олмани майдароқ қирғичдан ўтказ — шунда хамирдан шарчаларни узиб олиш қулай ва кўримли бўлади.

Қизим, албатта буни тайёрлаб кўр, жуда осон. Сенга у ёқда ҳам илиқлик ҳамроҳ бўлишини истайман.

Мария сариёғни шакар билан кўпиртиаркан, болалигига қўшнилари бир-бирини ўз шириналарни билан йўқлашларини эсга олди.

«...Биринчи қаватдаги чевар Стелла голосли пироглар тишираради. Юзасига қандупа сепилган бир жуфт пирог бўлаги билан бувингни йўқлаб чиқарди.

Олиб келган пиширигини қандайдир бетамиз, мисол учун Элла Мэй Морснинг енгил-елни қўшиги хиргойиси билан дабдабали тарзда топшираради. Ойим эса унга жавобан ўзининг мана шу печенъесидан чиқарарди. Ойим Стеллани ўзи йўгида енгилтакроқ деб таърифласа-да, у билан муносабати яхши бўлишига уринаради. Чевар қўшнимизнинг кечалари атрофдагилар эшигадиган тарзда баланд хиргойи қилишиими, ё тўрт марта эр кўрганигами, шунаقا деган бўлса керак. Яхши пайтлар эди... Майли, кўп эзмаланмай, сутни узатвор, хамирга қўшадиган пайт селди.»

Досту, олмали печенъедан сенга ҳам олиб зик.

Дастур

22

**Орзу йўлида чекинма, унга етишмоқ
учун таваккал қилишдан чўчима!**

Досту,

Яхшимисан, қизим? Саломат бўлсанг керак. Сен юрган жойлар ҳам иссиқ бўлса керак...

Сендан хат-хабар кутиб қоламиз. Мабодо жавоб ёзмоқчи ёки келмоқчи бўлсанг, хатжилдда манзилимиз бор. Бу биз учун баҳт бўларди. Ойинг ҳалиям хўжағат қиёмли печенье пиширмоқда. У Леонга шу қадар ёқдики, кеча билдиримасдан сенга олиб қўйганимизни ҳам еб қўйибди.

Бизнинг ишларимиз жойида. Эртага кечки пайтгача Жан Дарья билан сафардан қайтиб қолишлари керак. Ҳозирча қўнғироқ қилишмади, балки алоқа йўқдир. Майли, дам олишсин. Нимадандир ғашман. Кон босимимни ўлчатиб қўришим керак...

Кеча дастурхонимизни сабзавоту мевалар билан таъминлаб турадиган Салоҳни черков ёнида учратиб қолдим. У бамия деб аталадиган сабзавотларни етказиб берадиган машинани кутиб турган экан. Сабзавотни яна бошқача қилиб «окра» деб ҳам аташади. Сиртини қоплаган майин тукларни айтмаса, худди ингичка қалампирнинг ўзи.

Мен бамияни оқ ловия, қизил гармдори ва пиёзга қўшиб тайёрлашни ўрганиб олдим. Гарнирига эса

Элми Сафарли

қайтатилган гуруч қўшилади. Марияга ҳам бу таом ёқди. Жудаям мазали!

Салоҳнинг айтишича, роҳиблар ҳам черков томорқасида бамия етиштиришга уриниб кўришган экан.

«Руҳонийлар маъқул кўрган бу сабзавотни еб туриш керак. Хўши, қўшини сизга қанча тортай?»

Салоҳнинг дўконида бамия талаш бўлиб кетади. Абадий қиши шахрида сабзавотларга муносабат ўзгача. Бамия таркибида фолий кислотаси кўплиги учун у хомиладор аёлларга фойдали, айниқса биринчи уч ойида. Тугаб қолмасидан бирор кило ола қоламан.

«Мен сабзавот ва мевалар сотишни эллик ёшимдан кейин бошлидим. Бунгача газ идорасида зерикарли иш билан банд эдим. Болалар катта бўлишибди, кичикроқ бўлсаем уй қурдим, дараҳт экдим, аммо юрагимдаги нотинчлик босилмади. Ўзларининг севимли юмушларини топиб олганларга ёввойиларча ҳасад билан қарадим. Мен эса ўзимнинг севимли соҳам қайсилигини ҳеч ажратолмасдим. Ё қалб кўзим очилмаган, ё туйгуларимнинг тили соқовдек, фақат мўъжизага ишониб яшардим.»

Салоҳнинг рўзғорига бозорликни хотини билан кенжা ўғли қиласарди. Бир куни ишхонасидан эртароқ чиқиб ўзи ҳам уларга қўшилиб олибди де. Ўша ерда, бодринг ва апельсинли қутилар орасидан унга шу пайтгача маълум бўлмаган ҳакиқат очилди.

«Ранлар, товушлар, ифорлар огушидаги бу жойда ўз дўконимни тасаввур қилдим. Идорадан бўшадим, дўкон учун маъқул жойни ижарага олдим, бор сармоямни янги шига сарфладим. Шу тариқа мана шу кўчамизда дўконча очдим. Дастребки ойларда анча қийналдим, кейин бари изга тушиб кетди. Нархларимизни кўриб турибсан, ўртачадан пастроқ, уни оширмаймиз. Энди тонгларда шига боришига мажбур бўлганум учунмас, янги касбкоримни яхши кўриб қолганум учун уйгонаман...»

Қизим, ҳаёт ўз тасодифлари орқали орзулар ва ишончдан чекинмасликка, кези келганда таваккал қилишдан чўчимасликка ўргатади.

Софиниб кутган,

Дадаиг

Элчин Сафарли

23

**Үзинг олишни хоҳлаган
нарсангни бер!**

Досту,

Эрталаб почта қутисида хат борлигини кўриб қолдим. Сендан бўлса керак, дея юрагим хаприқиб кетди. Эй, Худо, шундай кичкина нарсадан ҳам юрагим сен билан юз берганлари аслида туш эди, дея ишонишга шай.

Хат Умиддан экан...

Қачонлардан бери ундан хабар йўқ эди, ҳаяжонга тушганимдан новвойхонага ошиқдим. Хатни Амир билан бирга ўқидик.

Умид Истамбулда экан. Ҳавотирим анча босилди. Бу шаҳарни қанчалар яхши кўришимни биласан-ку. Унинг замини одамни ҳузурга тўлдиради ва асрайди. Юз йилликлар сири, бўғоз кўприги устидаги туман, янги дамланган қаҳва ҳиди, ёғин-сочиндан беркиниш учун қаҳвахонага чакириб олинган кўча мушуклари...

Истамбул --- тугмалар билан тўла нақшинкор қутичага ўхшайди. Эсингдами, ойингда шунақасидаи бор эди? Майда ва катта, марваридли ва «оёқчали» тугмалар. Кутига қўлингни солиб танлайверасан, илҳомланасан. Истамбулда ўзингни улкан қутидаги тугмадек ҳис қиласан.

Этим Сафарли

Умид шаҳарнинг Кадикей номли туманида экан. Новвойхонада шаҳарликларга уларнинг одатдаги нонуштаси бўлган кунжутли тешиккулчалар пиширар экан. Хатига қараганда унинг ишлари жойида. Илойим, доимо шундай бўлсин!

Қизим, аслида биз ўзгармаймиз, борган сари ўз-ўзимиз бўла борамиз. Балки аксинча, ўзгара-ўзгара ўзлигимизга келамиз.

«Абадий қиши шаҳридан кетганимга хурсандман, тез фурсатда ота-онамни ҳам бу ерга олиб келаман. Камбагаллик кулфат эмас, кулфат ўзинг ва яқинларинг учун мудом хавотирда яшаш экан. Кунларни эзгуликни ёмонликдан кўпайтириб яшаш билан, ўз хасталигинги майда белгиларидан аниқлаб олганча согайиш билан асранинг мумкин. Мен соглом бўлиш қийин бўлган шаҳардан кетдим. Аммо барибир ундан миннатдорман. Кўп эслайман. У ерда кўп нарсани ўргандим. Масалан, машаққатларни мардларча босиб ўтиш, нон ёпишни...»

Досту, бухронлар туфайли биз яхшилана борамиз. Бежизга хитойларнинг «бухрон» иероглифи яна «имконият» деган маънени бермайди.

Истамбулнинг тарихида бунга кўплаб мисоллар мавжуд, мана улардан бири. Султон Сулаймон Усмонлилар империясини яқин эллик йил бошқарган. Бу пайт мобайнида Истамбул таракқиёти чўққига чиқди, улкап мустамлакалар марказига айланди. Албатта, ўлат, ёнғинлар, бўронлар, сув тошқинлари

Эллип Сафағли

каби буҳронлар ҳам юз берди. Сулаймоннинг ҳаётига кўп марта суикаслар уюштирилди. Буларнинг барига қарамай Истамбул қад тиклаб тураверди, унинг ахли, ҳеч бўлмаганда бир қанчаси ўзларни ўраб турганларни қадрлайдиган бўлишди.

Умид у билан аввалгидек ўз-ўзи билан озод ҳолида қоладиган инсонини учратди. Бунақаси камдан-кам учрайди.

«Мен унинг фикрларини уқа олмасдим. Мана шуниси билан мени ром қилди...»

Севиб қолиш осон, деб тан олади йигит, ҳар бир кунни севиш эса янада қадрли.

«Одам тўқис муҳаббатни бера олмайди. Шунинг учун ҳам у одам. Бу бизнинг тана қувватимиздан ўзга нарса, руҳиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Мен қўлимдан келганича сева оламан. Ўзим олишини хоҳлаган нарсани бера оламан!»

Қизим, агар сенда муҳаббат бўлмаса, худди у бордек ҳаракат қил. Ўшанда булоқдаги сув ҳам таъмга эга бўлади.

Сени соғинган,

Даданг

24

**Хақиқатни күриш учун ҳаётни
кузатсанг бас...**

Досту,

сен гул япроқлари қўшилган нон еб кўрганмисан? Шунакасини тайёрлашни ўрганаяпман. Амирга бир қоп қуритилган лаванда олиб келишди, энди бизда баҳор ифорини таратадиган нон бор. Лавандали хамирга акас асали қўшаяпмиз — ғаройиб уйғунлик.

Ойинг ҳам ошхонада қуритилган гуллардан фойдаланиб кўраяпти. Лаванда ва деңгиз тузи аралашмаси билан гўштни зираворлайди, уни яна қовурилган картошкага сенса ҳам бўлади. Атиргул ва апельсин гулбаргларини ҳавончада қалампирга қўшганча туйиб салатларга ишлатаяпти.

Леон новвойхонада бизга ёрдам бераяпти. Гулбаргларни товокчага териб соларкан, гул япроқлари орасига қўшилиб қолган бутоқча ва гулбандларни териб олади, агар шундай қилиб турмаса хамирнинг таъми ўзгариб қолади. Леон ишга бор эътиборини қарата олмайди, уни томчилаётган сув ҳам, ўтиб кетаётган машина шовқини ҳам, дераза ортидаги совқотган чағалайлар қичкириғи ҳам безовта қиласеради. Биз бунга эътибор бермаймиз. Леоннинг ўзи қизиқиб кетган тақдирдагина бу жарабига бор дикқатини жам қиласи. Ялинишлар бефойда.

Эллин Сафарли

Бизларнинг муносабатларимиз — дўстлик деганларидан бироз каттарок. Авваллари унчалар ҳам келиша олмасдик, аммо Жан билан Дарья сафарга кетганларидан кейин анча яқинлашдик, биргаликда ишимга келамиз. Куннинг ярмида Мария Леонни уйга олиб кетади. У ерда Леонни мазали тушлик, Марс билан сайр ҳамда ёстигининг тагида сақлайдиган онасининг сочикистиргичи кутиб туради.

Леоннинг шарофати билан оталик туйғуларини қайта бошдан кечираяпман. Аввалига сенга сотқинлик қилмаяпманми дся бироз ўнғайсизландим, кейин енгиллашдим. Юрагимда, Досту, сенга бўлган туйғуларим ва болакайга аталган тафтни ажратиб турадиган аниқ бир чизик ўтди. Бир булоқдан бошланган икки ирмок: ўзанлари алоҳида, суви эса ўша-ўша — бир хил.

Жан билан бўлиб ўтган сухбатларимиздан бирида у Дарья ва Леон пайдо бўлганидан кейин унинг ҳаётдаги мұхаббати ва ҳадиклари анчагина кўпайганини айтганди.

«Мен бир мунча нозиктаъб бўлиб қолдим, ахир энди икки севимли кишиларим учун ҳам жавобгарман. Ҳамиша уларнинг ёнида бўлишим ва асрашим керак!»

Мен дўстимнинг кифтига қоқиб, унинг мулоҳазаларини қўллаб-куватлаган бўлдим. Ахир оила бошлиғи бир кун давомида ўзини бир неча бўлакка бўлишига тўғри келади. Барчасига улгуриши, барчасидан хабардор бўлиши керак.

Эллин Сафарли

«Айнан мана шундай ҳаяжонлар орқали балоғатга етилади, Жан. Даръя ва Леоннинг сендек пушти-паноҳи бор экан, уларни ҳеч ким хафа қилмайди!»

Қизим, қанчалар қийин бўлса ҳам таслим бўлмайдиган, ўз оиласининг ғамини ейдиган, севганининг қўлини махкам тутадиган ва у ёқтирадиган гуллар қачон қийғос гуллашини биладиганлар ҳақиқий эркакдир.

Бир хил эркаклар оиласидан шодлик ва қувват манбаасини топишади, бошқалари эса балоғатга етолмай чарчашгани, хароб бўлганларидан нолишади.

«Ота бўлиши — ота бўлиб қолишдан кўра анча осонроқ!»

Афсуски, кўплаб эркаклар фақат оғиздагина жангчи ва боқувчи.

Досту, одамнинг айтганлари эмас, хатти-ҳаракатлари унинг шахси ва сенга бўлган муносабати ҳақида сўзлайди. Ҳақиқатни кўриш учун уни кузатишгина етарли.

Сени согинган,

Даданг

25

**Яшаш учун мақбул пайт келишини
кутиб яшаш — беъмани важ**

Досту,

учинчи кечадир ёмон ухляяпман. Бир хилдаги тушдан чўчиб уйғонаман: бизнинг оқ уйимизга Жан ва Даръянинг автомобили яқинлашади, биз Леон билан «Форд»нинг ёнига югуриб борамиз, аммо унда ҳеч ким йўқ. Ўриндиқларда қор қоплаган қарағай бутоклари бор, холос. Леон йиғлаганча машинани муштлайди...

Қўркув ичра уйғонаман: менга туюладики, бир лаҳза олдин эркак ва аёл, яъни бири ҳайдовчи, иккинчиси йўловчи ўтирган машина ёнида эдим, кейин машина бир зумга кўздан йўқолди-ю кейин яна пайдо бўлди, бироқ энди машинанинг ичи бўм-бўш. Мана бу бутоклар нимаси? Ҳайронман...

Тушларга унчалигам ишонмайман, уларни иккига тоифага ажратаман: бирларида қолгинг келади, бошқасидан эса қочиб чиқкинг келади! Тушдан башорат қидирмайман... Туш деганлари миядаги мураккаб жараёнлар махсули деб ўйлайман.

Бўш машина ҳақидаги тушимни эса Жан ва Даръядан хавотир олаётганим билан изоҳлаганим маъқул. Улар аллақачон қайтишлари керак бўлса-да, ҳозирча қайтганлари йўқ. Улар ишлайдиган клиникага ўтиб ҳам келдим — бирор янгилик йўқ.

Әлін Сағарли

Радиодан уммоннинг ғарбий соҳилидаги бўрон хақида хабар беришди. Аҳоли яшайдиган жойлар электр таъминотисиз қолган, ҳалокатларнинг олдини олиш учун йўллар ёпиб ташланган. Бизникларнинг аниқ манзили номаълум. Улар қиши тинч кечадиган жанубий қисмда бўлишса керак, менинг хавотирларим эса ўринсиз.

Менга айтмасада Мария ҳам хавотирга тушган. Буни билдириласлик учун рўзғор юмушларига уннаб юради. Эрталаблари одатдагидек қаҳва дамлайди-ю, неchanчи кундирки, тошириб юборади. Бундай бепарволик Мариядек саришта аёл билан юз бераяптими, демак у ботинан хотиржам эмас.

Досту, биласанми, ойингни дунёда энг ёмон кўргани кутиш. Интизорлик уни аклдан оздиради.

«Кутиши ҳар хил бўлади: кутиб олишга ҳозирлик кўрганинг замон кутиб олишга чиқсанг яхши, бунга чидаса бўлади. Ҳеч нарса қўлингдан келмаслигини англағапча кутиши эса ҳақиқий азоб!»

Интизорлик такдирни вайрон қилади. Айникса, яшаш учун мақбул пайтни пойлаб яшаб юрганингда. Мана, ҳа демай рисоладагидек инсон кслади ёки узок кутилган ҳодиса юз беради ва мен яшаб кетаман, дея ўйлайсан. Бундай тарзда умрингни бекорга сарфлаб юборишинг ҳеч гапмас.

Муносабатларингда ҳамиша хушёрликни сакла.

Леон новвойхонага боришни истамаяти. Кўл учida овқатланади, дераза олдида Марс билан

Әйн Сағағли

ўтирганча сукут сақлайди. Зерикади. Кече чаппа бўлиб кетган машина расмини чизди. Мария бу кимнинг машинаси дея сўраганида, расмни йиртиб ташлади.

Бу хавотирлар менга тинчлик бермаяити, қизим.
Сени соғинганмиз...

Даданг

26

Сўз топилмай қолганда...

Досту,

кечир, анчадан бери ёзмай қўйдим. Ёзишга уринаётганим бефойда. Сўз тополмай қоляпман... Жан ва Дарьядан ажралиб қолдик... Улар автоҳалокатга учрабди. Машиналари қарағайга урилиб, жарликка қулабди. Полиция клиникага қўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган ҳалокатдан хабардор қилибди. Жанинг ҳамёнидан клиника гувоҳномаси ва бизларнинг бирга тушган суратимизни топишибди. Энди бу сурат менда.

Қизим, бошқа ёзолмайман...

Кечир!

27

**Оғриқ ва құрқұвдан қочма,
уларнинг күзига тик қара!**

Досту,
иккинчи ҳафтадирки, қор ёғаяпти. Бешовқин,
тұхтовсиз. Худди тұхтамайдиган оқ марсиядек.

Совуқ иқлим туфайли қор қорайған лахтакларга
айланмайды, кат-қат ётаверганидан әрталаблари яхлит
оқ коғоздек күринади. Факат, бу гал эмас...

Бўлиб ўтган ходисадан кейин биз учун вакт
тўхтаб қолгандек гўё...

Юзимни қалин шарфга буркаганча оппоқ
кўчалар бўйлаб юраман, таниш жойлар ёнидан
ўтаман. Мана, бизнинг новвойхона... Амир битта ўзи
хамир қоряпти, печда эса олов кўринмайды — ғалати,
гўё менинг вужудимдаги совуқ манзара каби бутун
шахар ухлаяпти...

Бирдан дераза ромлари яшил қаҳвахонанинг
ойналарини тақиллатгим ва «Эй, нега қаҳванинг
қандай майдаланиши, финжонларнинг жарангি
эшитилмаяпти, нега крауссанлар мижозларсиз совиб
бораяпти?» дея бакиргим келиб кетди.

Үйчан ҳолда кетаётган жувонни (кизил шляпаси
тагидан оқарган соч толалари чиқиб турарди)
тўхтатгим ва ундан: «Нега одамлар ботинларидаги
ҳаётни ўлдириб, қабргача ўз мавжудликларини судраб
боришади?» дея сўрагим келади.

Эллин Сағарм

Осмондан бунчалар узок ёғдираётган қорларини тұхтатишини сўрасамми дейман. Қизим, үшанды биз күёшни кутганча пардаларни сурамиз, радиони кўямыз, хўжағат қиёмли печенье пиширамиз ва ҳаммани меҳмонга чақирамиз.

Бизнинг уйимизга биз тезда севиб қоладиганлар келишади. Бир-биримизга янги ҳикоялар айтиб берамиз ва бу бизларни қутқариб қолади.

...Леон дераза якинига келмайди, уммон соҳилига ҳам чиққиси йўқ. Унга ўзимизнинг қайғумизни кўрсатгимиз келмайди, аммо болакай буни ҳис қилади. Кеча Марияга «Ойим кор парчасига айланиб қолган. Буни биламан», деди. Ойинг кўзёшларини яширганча бош ирғаб қўйди.

Мана шу дақиқада бутун борлиғим билан уларнинг қайғусини ўзимга олганча узокларга олиб кетгим келди. Аммо бу ишим қочоқлик билан баробар бўларди. Мен эса ҳеч қачон оғриқ ва кўркувдан қочмаганман — уларнинг кўзига тик қараганман.

Сен бизни тарк этганингда, қизим, ойинг иккимизни муҳаббат сақлаб қолганди. Муҳаббат ҳаммасини снгади, яъни лотинчада «*Amo vincit omnia*». Бизларнинг ҳаёт йўлидаги ғовлардан ошиб ўтган муҳаббатимиз ўзимизни сақлаб қолишимизга ёрдам берди. Ҳар қандай қўрқинчли ўзгаришларда рўёлар вайрон бўлади, хақиқат эса сақланиб қолади.

Сени жуда соғинган...

Даданг

II қисм

*Бу дүнёда эңг барқарор нима бор? Фақат
үзгаришлар! Тұганмас ва чекинмас үзгаришлар!*

Энтони Дорр

Бахтли бўлиш учун ўзининг хусусий жаннатингда яшаш лозим! Наҳотки, битта ва ягона жаннат барча инсонларни бирдай қаноатлантиради дея ўйласангиз?

Марк Твен

1

**Сенга танлаш имкони берилган.
Биргина шарти — мұхаббат**

Уч ярим ой ўтиб

Досту,

йўл — бу ҳаёт, яъни лотинчада «*Via est vita*» дея янграйди бу жумла. Йўл ҳақиқатан ҳам ҳаётга ўхшайди, қизим, унинг ҳам бошланиши, мақсади ва якуни бор. Поездларда Боб Диланни тинглайман. Тун бўйи йўл босишим керак ва дўнгалакларнинг шовқини, вагонларнинг ғичирлаши, қаршидан келаётган поездларнинг гудоклари ва купенинг нимгина очик форточекасидан чирилдоқларнинг чириллаши жуда хуш ёкади.

«Одамни одам деб аташ учун у қанча йўл босиши керак? Осмонни кўриши учун одам неча марта бошини кўтариши керак?»

Боб Диланнинг йигирма ёшида ёзган ва куйлаган қўшиғи мен учун энг севимлилардан бири.

Олтмишинчи йиллардаги журналлардан бирида Дилан бу қўшиғини шундай таърифлаб берганлиги ёдимда: мухим саволларга жавоблар китобларда, фильмлар ёки яқинларингизнинг сўзларида эмас, шамолнинг эсишидадир. Худди бетоқат қоғоз парчасидек жавоб деганлари ерга қўнади. У кимга қизик, уни ким кўтариб оларкин, ахир кўриш ва тушунишни истайдиганлар жуда камдан-кам. Шамол

эса жавобли қоғоз парчасини тинч қўймайди... Жавоб яна учиб кетади!

Ўзим билан кийимларим солинган жомадон, кассетали магнитафон, фотосуратлар (кўплари сенинг болалигингдаги оқ-қора суратлар), элак (усиз хамир буришиб қолади) ва ручка билан блокнот олганман. Сенга ёзадиган хатларим ҳаётим мазмунига айланган, улар бўлмаганида содир бўлаётган ходисаларни қабул қилолмаган бўлардим.

Купеда мен билан қирқ ёшлардаги аёл ҳам бор. Унинг исми Мирэй, у тез орада, Тонголди кўпригида тушиб қолади. Шунинг учун бўлса керак, ухлашга ётмаяпти. Елкасигача тушадиган қизғиши соchlарини чўмичдек туғиб олган. Мовий тусли кўйлакда, нозик билагига каттакон соат тақиб олган. Мирэйнинг кўринишидаги икир-чикрлар шу қадар қабариқ-ки, диққатингни тортмай қўймайди.

У дам чеккани тамбурга чиқади, дам Артур Миллернинг «Кўприкдаги кўриниш» китобини ўқииди ёки бир нуқтага ўйчан тикилганча ўтиради.

«...Нега одамлар ўзиларидан воз кечишлари фожеага олиб келишини тушунишмайди?»

Мирэй китобнинг сўнгти сахифасини ёпганча менга узатади.

«Ўқиини истайсизми? Сизга қолдираман!»

Оч бинафша рангли жилдга муаллифнинг фамилияси йўғон қора ҳарфлар билан ёзилган китобни узатади, миннатдорлик билдириб қўлидан оламан.

Эллин Сафарли

Жувон орага чўккан жимликни савол билан узиб кўяди. Худди бир лаҳза кечикса жасоратини йўқотиб кўядигандек шошиб гапиради. У саволни менга эмас худди ўзига бераётгандек туюлади.

«Кечирасиз, одатда сиз Худодан нимани сўрайсиз?»

Савол bemavrid берилгандек нокулай вазиятга тушаман. Аёлга қандай жавоб бериш ҳақида ўйлаганим йўқ. Анчадан бери Яратгандан хеч нарса сўрамай қўйганим ҳақида ўйланиб қоламан...

Досту, бу шак келтириш ёки мўминлик ҳам эмас. Шунчаки, муносабатларнинг бошқача даражаси. Худо сенга қандай синовни раво кўраётгани тушунганинг ҳамон Ундан сўрашга ботинолмай қолганинг каби бир ҳолат. Парвардигор бандасига синов бергани билан унинг эркини бутунлай чегаралаб қўймаганидек, бандаси сўрашдан олдин бор имкониятларини ишга солмоғи даркор. Яратган — меҳрибон. Биттагина шарти — муҳаббат.

«Мирей, мен ҳеч нарса сўрамайман. Ўзидан руҳий қувват оламан, хаёлан маслакдошман...»

Жилмайганча аёлга китобини қайтариб бераман.

Сени соғинган,

Даданъ

2

**Дунё — ҳаёт учун ажойиб
ва мароқли жой**

Досту,

тонгни сершовқин перронда кутиб оламан. Поезд
үттиз дақиқа тұхтаб туаркан. Вагонлар олдида
одамлар тұдалашғанча чекиши мокта. Вокзал соати
еттида занг уради. Илиққина ёмғир ёғмоқда,
атрофдаги ёмғирпүшларнинг ҳаммаси бинафша
рангда, худди келишиб-аҳдлашиб олишгандек.

Тамадди қилиб олиш керак...

Ҳайдарпошишо вокзалигача яна үн түрт соат йўл
босиш керак. Умид кутиб олишга ваъда берганди.
Қизим, мен Истамбулдаман.

Шаҳарнинг Осиё қисмига боришим керак.
Мақсадим Кадикейдаги новвойхонада симитлар —
ўша устига кунжут сепилған тешиккулчалар
пиширишни ўрганиб олиш. Биринчи қарашда
шунчаки оддий тешиккулчалар, аммо мен учун уларни
тайёрлаш анча мураккаб.

Кўрамиз, бундан нима чиқаркин...

Мен билан купеда ўзимдек соchlари оқариб
кетган Пит ҳам бор. Янгроқ товушда кулади,
кулокларидан плеернинг қулокчинларини олмайди,
олган пайтидаям бўйнида осилиб турди, вакт-вакти
билан жигарранг қоғозга нималарницир ёзиб кўяди.
Бир хил тарзда, қаддини буқчайтиб, оёқларини бир-

Эллин Сафарли

бирига чалиштирган кўйи кўзларини қисганча дунёни кузатиб ўтиради. Эгнида номдор бренддаги жун костюм, оёғида тумшуғи ейилган ковбойча ботинка. Сочи оқ бўлсада ҳаракатлари ёшларга хос.

Ҳамроҳим Пит битта қўшиқни қайта-қайта хиргойи қиласди. Мен унинг биринчи сатрлариданоқ билиб олдим, америкалик фолк-қўшиқчи Вуди Гатрининг «Яшашга жойим йўқ» қўшиғи:

*Энди атрофимга қарайман,
Ва аниқ-равшан кўраман:
Бу дунё — ҳаёт учун шунчалар
Ажсойиб ва мароқли жой...*

Мен Вудининг ижоди билан ўн олти-ўн етти ёшдалигимда, бекорчи тўполонлар, важоҳат ва эҳтирос таъсирида гитара тинғиллатиш, ёшларга хос қайноқлик билан адолатсизликка қарши кураш мавзуларида валақлашган онларим қизиқардим.

Йигирма ёшимни Вуди туғилган Америка шаҳарчаси бўлмиш Окимада кутиб олиш учун йўлкирага қандай қилиб пул йикқанларим эсимда... У ерда газеталар сотмоқчи, кўчаларда қўшиқ айтмоқчи, якшанбаларда ибодатчиларнинг кўнглини ёзиш мақсадида черковларга бормоқчи эдим.

Пит менга қулоқчинларни узатади.
«Ушла, ёшлигинги эсла!»

Эвазига у менинг магнитафонимни олади ва Бобнинг мусиқасини қўяди.

«Ё авлиёлар! Огайничалиш, сенда Дилан бор экан-ку! У Вудининг ашааддий мухлиси бўлганлигини билармидинг?»

Пит Истамбулда ўтадиган рок-фестивалга кетаяпти, кейин эса Мельбуриндаги кантри-гурух концертига жўнайди.

«...Четдан қараганда мен дунё бўйлаб бегамларча саёҳат қилаётган, мусиқани деб томи кетган қарияга ўхшайманми? Аслида ҳам шундай! Мени доим шундай бўлган деб ўйлайсанми? Ботинимда-ку, шундай бўлганман, лекин умримнинг ярмигача буни кўрсатмаганман. Болаларни катта қилиши керак эди. Олтволонни! Ҳозир уларнинг учтаси ўз болалари билан овора, биттаси ҳали уйланмаган, иккитасини эса худойим қайтариб олди... Энди ўзимга озодлик тухфа қилдим. Ҳаёт — дарё, унинг оқими ҳар лаҳзада ўзгариши мумкин!»

Пит қулоқчинларини ечиб столчага кўйди.

«Фарзанд дөгига қандай чидадинг, дейсанми? Нима десам экан... Худди ўз танами тарқ этгандек бўлдим! Болаларининг қабрига келаётган нотаниши кимсани кузатгандек бир четда туриб ўзимни кузатдим, ўзимга баҳо бердим. Таҳлил қилдим, ўйладим, сиқилдим, йигладим, овундим... Менга нима ёрдам берди? Мен улар ҳақда кўп гапираман, улар билан хаёлан гаплашаман. Овоз чиқарибми, ичимдами ёки қогоздами, хуллас, бу муҳим эмас. Муҳими,

Элмиң Сафағли

*уларнинг тани ўлган, руҳи эса ён-атрофимда, деб
ўзимни ишонтирдим...»*

Досту, ана энди тушунгандирсан нега сенга тинмай хат ёзишимни. Сен мен учун ҳар доим бўлгансан ва борсан! Сен билан маслаҳатлашиб олсам, ёхуд ҳаётимда содир бўлаётган бирор воқеани сўзлаб берсам, сен бизни тарк этганингта ишонмайман...

Сени соғинишдан чарчамаган,

Даданг

3

**Денгизга бор ва түлқинларга ўз
қайғунгни соч!**

Досту,

вагон ойнаси ортидаги манзара одатдагидай эмас. Кор буралашларсиз ёғмоқда... Чексиз осмон булутга тўлиб пастаккина бўлиб қолгандай... Денгиз соҳили музлаб қолган кемаларсиз... Уларнинг ўрнида ёрқин ранглар. Истамбулга яқинлашганимиз сари чор-атроф исиб бормоқда. Менинг жундан тўқилган либосларим бу ерда ортиқча! Мовий денгиз ҳиди тобора аниқ сезилмоқда... Унинг ифори уммоннинг муздек нафасига сира ўхшамайди.

Айни ухлайдиган пайт бўлса-да, мижжа қоқмайман. Болаликдан йўлга чиққанимда ухлай олмайман, одат бўлган, ниманидир ўтказвораман дея ҳадиксирайман. Кексалик, тан олсак-олмасак, фақатгина жисмоний ҳолат эмас, ҳаётга бўлган қизиқишининг йўқолиб бориши...

Пит шляпасини юзига бостирганча чалауйқуда. Кулоғида қулоқчин. Мусиқага монанд чайқалиб қўяди ва Вуди Гатрининг қўшигини ўзича хиргой қиласди.

«...Жингалаксоч қизалоқ самода учайётган самолёт товушини эшишиб қолди-ю, осмонга тикилганча гулгун табассум қилди...»

Досту, сенга буларни ёзар эканман, бу гўзалликни менинг кўзларим билан кўраётганингга

ишонишни хохлайман. Мен ёнимдаги чиройли табассумли жингалаксоч қизалок билан дудли из қолдирганча самода сузіб үтаётган аэроплан ортидан кузатиб қоламиз ва бизлар айрилмаймиз.

Бахтни баҳам күришмасанг үз жилосини йўкотади!

Мария Леон билан бирга ёнимда бўлғанларида эди. Афсус, улар ҳамроҳ бўлишмади.

«Сени йўл, мени эса үзим яхши биладиган, севадиган уйим илҳомлантиради. Марсни, Матисни, Ўзгирни кимгаям қолдирадик... Хандонписта пастилаларидан олгин-да, тезроқ қайтиб кел!»

...Биз Истамбулга кириб келдик. Поезд тезлигини сусайтирди, йўловчилар йўлакка чиққанча ойналардан уйгонаётган шаҳарга термула бошлишди. Торгина кўчаларда жойлашгап томи сопол черепицалар билан ёпилган пастак уйлар, осмонга бўй чўзган миноралар. Босфор...

Истамбул такрорланишини билмайди. Бу ерда гўзаллик тасқаралик билан, ибодат фаҳш билан, мантиқ бемаънилиқ билан кўшничиликда яшайди. Мукаммалликдан ҳолими, демак утирик.

«Босфор беором қалбни жиловлайди!»

Йўловчилар орасидан учган жумла кулоғимга эшитилиди. Бу гапда жон бор, қизим. Босфорда уммонда кўрганимдек беноёнилик бўлмаса-да, юракни хаприқтирадиган сехр бор.

Денгиз ёки уммонга эга шаҳарда яшаш — баҳт.
Күзларингни очишга ҳолинг қолмаганида, оғир кунлар
сени боши берк күчага олиб кириб қўйганида, тўлов
чеклари сенинг имкониятларингдан кўпроқ бўлганида,
яқинларинг қайтишига умид қилиб бўлмас тарзда
кетганларида дengiz бўйига келишинг ва тўлқинларга
ўз қайғуларингни беришинг мумкин.

Питт мусиқали чалауйқусидан уйғонди. Эснаган
ва лапанглаган куйи купедан чиққанча қотиб қолади
— поезд Босфор устидан ўтмоқда. Жилмаяман...

«Чиройлими, айт?»

Пит менинг ўйларимни уққандек бош ирғайди.

*«Дўстим, дengiz кек сакламайди. У ҳаммасини
сабр билан тинглайди ва ҳеч қачон эшишганларини
ўзингга қарши қўлламайди. Шунинг учун уни ҳамма
севади...»*

Сени соғинган...

Даданг

4

**Нималар бўлганлигининг фарқи йўқ,
муҳими — нималар борлиги!**

Досту,

мен креслога ботинкам ипларини ечиш учун ўтирган захотим ухлаб қолибман. Икки кеча ухламаганлигим ўз кучини күрсатди. Фақат месениң үстимга Умид ташлаб қўйган тамаки ҳид анқийдиган чойшабни, ўйма ганчлари кўчиб тушган юксак оқ шифт ва аллақандай сирли тушни эслайман, холос. Биласанми, кўрганимни туш деб ҳам бўлмайди, тўғрироғи Жан билан бошқа бир ҳолатда, бошқа бир оламда учрашув дейиш мумкин.

Оқ уйимиз олдидағи уммон соҳили... Тўнтариб кўйилган қайиқларда куртка, шарфу телпакларда ўтирибмиз. Иссиқдан терга ботиб кетганимиз.

Атрофга қарасам, одатдаги қор уюмлари ўрнида күш қиздираётган тупроқ, яшил майсалар, гулга кирган дарахтлар...

Жан атрофга тикила-тикила шарфини еча бошлайди.

«Нималар бўлиб ўтганининг фарқи йўқ, муҳими нима борлигида! Ҳаммаси ўз вақтида бошланади ва тугайди!»

Эгнимиздаги иссиқ кийиларни, пойабзалларни ечиб ташлаймиз, пойчаларимизни шимарамиз-да қизиган қумли қирғоқда ялангоёқ кета бошлаймиз.

Жанни охирги марта күрганимда жуда ҳорғин эди. Бу ерда у ёш-яшноқ ҳолатда.

«Жан, сенга дунё азиятлари кимгадир күп, кимгадир эса кам насиб қилгандек туюлмайдими?»

У қуёшдан олаачалпок тусга кирган уммон сатхига тикилади.

«Мен шифокорман ва фақатгина илмий фактларга таянишим лозим. Аммо мен рухларнинг кўчиб ўтиш гоясига ишонаман. Мен яқинда шундай тўхтамга келдимки...»

Жаннинг фараз килишича, ҳар ким қалбининг ёшига қараб синовлар олади. Ёш вужуддаги балоғатга етган қалбга дунёдаги ҳодисаларни нозик илғаш, яхши-ю ёмонни ажрата билиш иқтидори берилади. Шундай ҳолда қалб бу дунёни тўлиқроқ яшайди ва имкониятига кўра уни яхшилайди. Одамларни илҳомлантирувчи қўшиқлар яратади, ноңлар ёпади, хасталарни даволайди ва муҳаббатга ишонмаганлар билан меҳр-муҳаббатини бўлишади.

Жаннинг соchlари ўсиб, тарам-тарам бўлиб кетганди.

«...Энди Даръяга ўхшаб қолдим. Фақат уники малла тусда.»

Жан кулади. Гуллаб-яшинаётган шаҳар фонида турган биродаримга қараб туриб эслаб қоламан: бу туш — ҳозироқ узилиб қолиши мумкин. Унинг сарҳадлари ортида туганмас қаҳратонлар ва дўстларнинг ўлимни ҳақидаги хабар мавжуд.

Эллин Сафарли

Жаннинг қўлинин тутганимда титраб кетади.

«Нима бўлди?»

Уининг ғойиб бўлишидан қўрқаман.

*«Жан... Биз билан, барча-барчамиз билан
ҳаммаси яхши бўлишини хоҳлайман!»*

У кифтиимга қоқади.

*«Биз то бир-бирмизда бор эканмиз худди шундай
бўлади ҳам. Шу ердами ё яна бошқа ёқдами, бу муҳим
эмас!»*

Хавотирим йўқолади. Кизиган қум оёқларимиз
остида билинар-билинмас ғичирлайди. Маёққа
яқинлашпарканмиз, уйғониб кетаман.

Кизим, «Уч опа-сингиллар»даги Ольганинг
гаплари ёдингдами?

*«...Вакти келиб, бизлар ҳам мангаликка кетамиз,
бизларни унутишади, бизларнинг чеҳрамиз, овозимиз
ва нечта бўлганимизни унутиб юборишади, аммо
бизнинг захматларимиз биздан кейин яшайдиганларга
шодлик бўлиб ўтади...»*

Сени соғинган,

Даданг

5

**Күзларингни юм ва
озодликка сингиб кет!**

Досту,

эрталабки уч яримдан бери тик оёқдаман,
бақувватман. Вақт алмашинувига күникаяпман.

Мария ва Леон ҳақда ўйладыпман. Абадий қиши шахрида янги кун аллақачон бошланды, бу ернинг вақти тўрт соатга орқада. Мария магнитолани кўйганча америкалик бир гурухнинг қўшиғи остида ошхонада куймаланаяпти — бўтқа учун қуруқ меваларни майдалаб, столга дастурхон тўшайти. Уй ичидаги туйилган қаҳва-ю котирилган нон ифори ҳукмрон.

Сенга яхши маълум: нимаки бўлмасин, ойинг эрталаб қаҳва дамлаб, нонни киздиради — бу унинг янги кун фалсафаси. Ҳаёт ҳамма вақт давом этади. Даръянинг юлдуз буржлари ва инсон феъли ҳақидаги гаплари қулоғим остида жаранглайди.

«Бу Асад буржидаги аёлларга хос хислат. Декабрда тугилган сиз — Қавслар гоялар генератори ва бироз файласуф бўлган абадий болаларсиз...»

Леон аллақачон уйғонгандай бўлса керак. У биринчи павбатда туни билан ухламай чиқиб, кун ярмигача ухлайдиган Марсни қучоклади. Матис эса ўзига тегишли диван ортини кўриқлаб, егани ёки сайр қилгани келган пайтидагина чиқади.

Эллин Сафарли

Нонуштадан кейин Мария Ўзғирнинг палубасини қордан тозалашга боради. У катерга хонанда аёл Конни Фрэнсиснинг «Энди орамизда ҳеч нарса йўқ, ёқангдаги лаббўёқ сени сотиб қўйди, эй йигит» деган кўшиғини хиргойи қилиб беради ва бугунги кунга тегишли фикр топиш учун борт журналига қараб қўяди.

Уйни соғиняпман...

Умид ухлаяпти. Бирор соатдан кейин уйғонади ва биз новвойхонага борамиз. Стаканга сув қуйиб, тунчироқ ғира-ширасида бошпанамизни кўздан кечираман. Ошхона билан кўшилган битта хона, ғичирлаган паркет, кўхна меҳмонхонага қараган тахта ромли дераза.

Истамбулда уйларнинг номлари бор. Бизнинг тўртқаватли, балконсиз мовий уйимизнинг номи — Мельтем. Денгиздан илиқ шамол эсади.

Столда ётган эрон шоири Сухроб Сепехрийнинг «Қалб шеърлари» китобини қўлга оламан. Хатчўп қистирилган саҳифани очаман.

*Денгизлар ортида шаҳар бор азим,
Унда қуёш тонгга боққан кўзлардек улкан.
Унинг шоирлари сув, ақл ва ёргулик
ворислари дидир.*

*Денгизлар ортида шаҳар
бор азим!*

Қайик ясаш керак... Қани, денгизга чиқай-чи!
Тош ётқизилган энсиз, эгри-бугри тангкўчадан тушиб

бораман. Бу кўчадаги ягона дараҳт (каштан бўлса керак) ортидан масжид бўй чўзиб турибди. Қоронғу осмонда чағалайлар чарх урмоқда. Биринчи қаватнинг деразалари рафида мушуклар мудрамоқда. Ҳавода номаълум зираворлар, денгиз тузи ва кўҳна шаҳарда ўтган миллионларнинг умидлари омухта бўлган ҳид анқийди.

Досту, Босфор қарисида турганча ўйландим: мен бу ерга бошқа қайтиб келмаслигим мумкин, бўғознинг кўриниши эса мен билан ва менсиз ҳам ўзгармайди — аввалгидек қолади.

Бирданига атрофдаги ва қарши қирғоқдаги барча масжидлардан аzon товуши янграб кетди. Азоннинг биринчи нотасиданоқ қупшлар самога кўтарилишди, шаҳар узра парвоз қилишди. Кўзларимни юмганча, озодликка сингиб кетдим.

Сени соғинган,

Даданг

6

**Хақиқат ҳамиша ёқимлимас, аммо
ёлғондан афзал!**

Досту,

биз Умид билан тонголди шаҳарда трамвай рельсларини ёқалаганча, бўшаб ётган бозор ва грекларнинг ибодатхонаси ёнидан новвойхонага боряпмиз. Осмачироқларнинг сарик нурлари кўзни қамаштиради, хуркак кўча итлари емиш излайди, кечаги газеталар бўлаги кўчаларда учиб юради.

Буқанинг бронза ҳайкали шаҳарнинг улуғворлигидан нурланган каби ялтирайди.

Кимсасиз Истамбул ғариб кўринмайди, унинг гўзаллиги bemuxtoj ва bekiёs.

Мен билан кечаётган воқеалар, кўраётганларим тушга ўхшайди. Ҳозирча янги мухитга — бошқача манзаралар, ранглар, товушларга ўрганмаганман. Абадий қиши шаҳрида ҳаммаси сиқиқ, лўнда... уларни қиёсламайман.

Умид ўша совуқлардан кетганидан хурсанд.

«Агар ота-онам бўлмаса, ўша ватан деган жойни сиражам эсламаган бўлардим. У ерда ҳалқ аслида ўзларига керак бўлмаса-да, демократияни орзу қиласди...»

Унда исёндан ташқари ўз-ўзига савол бериш хислати ҳам мавжуд. Умид ўзи билмаган ва тушунмаган ҳолда оғир юкли гапларни гапириб

Әлін Сағарли

юборади. У ҳали ёш, ватан нималигини яхши тушунмайды. Каерда яхши юрса, ўша жойдан бошқаси салбий бүёқларга бўялган. Бироқ, ўйлаб қоламан, унинг ички исёни, ўйлаб-ўйламай, билиб-билмай ганирган гапларида жон бордай...

«Мен одамларга бўлган муносабатим орқали ўзимда янги нарсаларни топаман. Улар менинг асл юзимни, хатти-ҳаракатларимнинг асл сабабларини кўрсатиб беради. Тўғри, ҳақиқат ҳамма вақт ҳам ёқимлимас, аммо ёлгондан кўра афзалроқ. Айни ўтаётган дам, шу бугун билан яшаши ўрганаяпман. Қийин... Фикрларим дам ўтмисига, дам келажакка кетиб қолади!»

Умиднинг барча орзу-ниятлари амалга ошишини истайман. Худо хохласа ҳаёт қийинчиликлари туфайли орттирган ички исёнлари меҳр ва хотиржамликка жой бўшатиб беради.

Сарик рангли уч қаватли бино ёнидан ўтамиз, тахта панжарали деворларда болалар чизган суратлар... Мактаб...

«Ишдан қайтаётган пайтим болалар катта танаффус учун ҳовлига югуриб чиқсан бўлади. Уларга қарайман ва ўйлайман: болаликда бизларни ёлғон учун жазолашарди, биз катта бўлдик — энди ҳақиқат учун ёмон кўришади, жазолашади ёки ўлдиришади...»

Қизим, ойинг сенга ҳомиладорлигини айтганида, ўзимни жуда баҳтиёр одам дея ҳис килгандим. Фақатгина ота бўлаётганим учунмас, болаликни яна

Эллин Сафарли

қайта яшай олишим учун! Ахир мен сенинг вужудингда ҳам яшайман... яшаганман...

Сени қўлларимда тебратарканман, сен билан дунёни идрок этишига, илк қадамларни қўярканман, ўша сокин енгилликни ҳис қилдим. Аммо бунинг тезда якуни борлигини англамаган эканман.

Биз сен билан конкиларда учардик, юурганча июль денгизига ўзимизни ташлардик, сенинг қўғирчоқларинг учун турли томошалар ўйлаб топардик, ойинг учун арча остига совғалар беркитардик ва тонг отганида ойинг бизга тайёрлаган тутунларни очганча қувонардик.

Кимдир, болалик — бу йўқотилган давр, деб айтган эди. Кўшилмайман! Агар биз хоҳласак, болаларимизнинг қўлидан тутганча ўша ўлкаларга қайта оламиз.

Сени соғинган,

Даданг

7

**Сен ўзинг билмаган ҳолда менга
кўп нарсани — қабул қилиш, кечириш
ва ишонишни ўргатдинг**

Досту,

биринчи бор симитни тотиб кўрганимда нимадан ҳайратланганимни биласанми? Симитларнинг сирти сulton буйруғи билан зарбланган тилла танга тусида эканлиги билан. Мен буни атайин бўяшган бўлса деб ўйлагандим. Янглишибман...

Чилвирдек чўзилган тилимлардан ҳалқачалар ясашади, кейин рожко дарахти мевалари шарбати, ўсимлик ёғи ва сувдан қайнатилган сиропга ботириб олинади. Охирида кунжут донларига булаганча духовкага тикишади.

Истамбулда: «Симитсиз кун хайрли ўтмайди», деган гап бор. Миллий ифтихор! Бирорта нонушта унингсиз ўтмайди: ширин чой, зайдун мевалари, кесилган бодринг, помидорлар ва албатта, кунжутли тешиккулча.

...Новвойхонадаги иш куни соат тўртда бошланади: йигитлар бир стакандан чой ичиб олишади ва ишга! Соат олтида дастлабки симитлар пештахталарга чиқарилиши лозим. Иккинчисини бозордаги сотувчилар олишади. Бошларидаги саватлар билан кўчаларда бақириб юришади: «Иссик симитлар! Иссиккина симитлар!» Қанча баландроқ бақирсанг, шунчалар кўп сотасан.

Хамирни тунда қориб күйишади. Курук хамиртуруш, ун, писта ёғи, туз, шакар (бир қошиқдан кўпмас) ва сув. Хамир қаттиқ, силлик, ёпишмайдиган (керак бўлса, ун сепилади) бўлиши керак. Жараённинг энг муҳим қисми – симитларни ясаш. Худди мана шуни ўрганишим керак, қизим.

Ўзимизнинг новвойхонани соғинаман. Амирга катта раҳмат, бир ўзи ишляяпти, ойинг ва Леондан хабар олиб турибди. Уларга жамғарганимизни қолдирганман, бошланишига етиб туриши керак.

Леон янги ҳаётга кўниқаяпти. Йўлга қараган дераза олдида ўтиришни бас қилган, худди ўтмиш уни ўраб олишига йўл кўймаслик учун дераза ёнидан терс қараб ўтади. Ёстиғи остидаги Даръянинг соч қистиргичини ойингнинг тақинчоклари сақланадиган қутичасига солиб қўйган. Баъзи пайтлар уни олиб, ҳидлаб кўради ва қайта жойига қўяди.

Бир куни Леоннинг ўйинчоқ мошинчалари йўқолиб қолди. Уларни излай-излай ахлат челагидан топдик.

Мария Леонни, у итариб ташласа-да, аввалгидан кўра кўпроқ кучоқлайди, жавоб қайтармаса-да, у билан кўпроқ мулоқотда бўлади.

«...Онасининг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Мен Леонга дўст бўлмоқчиман. Албатта, бу нарса катта сабр-тоқат ва руҳий тетиклик талаб қиласди. Чарчайман. Тунги икки соат ошиқча уйқу кучимни тиклаб олишимга етади. Эрталаблари Леон

биқинимга суқилиб, күрпага ўранганча маза қылганидан тамшанади. Тұғри, ундағи қасаллик аломатлари тез-тез ўз кучини күрсатиб туради ва биз учун бу бироз ғалати туюлмасдан иложи йүқ. Бирок барибир у бола ва беғубор! Уйқуга түйгән Леон бироз ёнимда ётганидан кейин Марсни қучоқлагани туриб кетади...»

Кизим, сенинг ойинг жуда меҳрибон, бетакрор аёл. Ўзи билмаган ҳолда менга күп нарсаларни — қабул қилиш, кечириш ва ишонишга ўргатди. Аёл — меҳр ва мұхабbat қўриқчиси.

Сени соғинган...

Дадаңг

8

**Меңгра тааллуқли бўлмаган нарсаларга
бебаҳо вақтингни сарфлама!**

Досту,

Истамбул — мушуклар шахри. Улар бүгоз соҳилларидан бошлаб уйларнинг томларигача бўлган ҳамма жойда бор. Уларга алоҳида муносабат мавжуд. Истамбул аҳли бир ақидага ишонишади: мушуклар Парвардигорнинг хислатли жонивори. Шунинг учун итлардан фарқли равища бу мўйловдорлар барчага мулојимлик кўрсатиб суйкалгани билан вужуди ва руҳидан яхшилик ва эзгулик уфуриб турадиганлар ёнидагина бўлишга интилади.

Новвойхонадаги иш қувонтиради. Ютуқларим кўзга ташланиб қолди — симитларни ясай оляпман. Хамир бўлакларидан эпчиллик билан арқонча ясайман ва учларини ёпиштираман. Кулчалар кунжутга беланганида худди майда муз инжулари қоплагандек бўлади, дарров эсимга Абадий қиши шахри келади. Уйни соғиняпман... Балки, сафарим қаригандир?

Менга Мария етишмаянти. У билан биргалик баҳт, осудалик. Муҳаббат — ўзгарувчан дунёдаги ягона барқарор туйғу. Севган вақtingда ҳар қандай синовдан ўта оласан. Бизнинг муносабатларимиз ким-қанча йиллик бўлса-да, мен аввалгидек уни эрталаблари қучоқлашга ошиқаман.

...Ишдан сўнг Умид билан пиво ичгани борамиз. У севгилиси билан ажрашиб кетишганидан қайғуда. Севгилиси америкалик, Айдахода яшайдиган фермернинг қизи. Ҳаракатчан, рашикчи, нафсониятли. Бизнинг йигитча эса бошқача атмосферада камол топган, филолог ота-онаси ҳалиям бир-бирларини сизлашади, бир-бирларига овоз кўтаришмай, деярли шивирлаб гаплашишади, оқшомлари Чайковскийни тинглашади.

«...Менинг ўзим ҳам оғир-вазминликда намуна эмасман, қандайдир валакисаланг, бетайнман, кулманг, буни ўзим ҳам биламан, пуштикамарларимга мос ўғилмасман гўё. Аммо аёл эркакни бошқаришини қабул қилолмайман... Шунда ҳам уни севавераман! Ёввойиларча! Шундан янада оғриқлироқ...»

Умид менга савол бер, бу билан ичимдагини суғириб ол, дегандай маъноли-маъноли тикилади.

«Сен баҳтли бўлмоқчимисан ёки ундан устун?»

Умид иккинчи кружкани олади. Иккинчисини олишдан олдин бўшаган биринчисини шахд билан стол устига қўяди.

«Аёлдан устун! Уни яхии кўриб ардоқласам-да! У учун ҳаммасига тайёр бўлсам-да!»

Жез пиёладаги чипсларга туз сепаман. Умиднинг шовқинидан безовта хўррандаларга «ҳаммаси жойида» дегандай жилмайиб қараб қўяман.

«Унақада «сан-ман»га боришининг кераги йўқ. Уни қучогингга ол ва уйингга олиб қайт!»

Қизим, айрим хафагарчиликлар юксалишга олиб боради, етуклика ундаиди, сени яшовчан ва курашувчан қилиб қўяди, яна шундайлари борки, ажралишга, айрилиққа етаклайди. Мұхими, арқонни тортавериш керакмас, моҳиятга қулоқ солиш керак. Моҳияти эса оддий...

Кайфи ошган Умид замонадан нолийди...

«Хозир одамлар бир-бирини қўллаш ўрнига ерга уради. Биз сабрли бўлишини унутдик, нималарни айтиётганимизни ўйлашни бас қилдик. Ҳаммаси ўзимга бўлсин, янам, янам... Бўлиб ўтиётгандарга қараб туриши қийин, эшикларни маҳкам ёпганча бу бетартибликни уйингга қўймасликни хоҳлайсан. Атрофда шунча гўзаллик борлигида эшикларни маҳкам ёниб қандай яшайсан?! Замонаси шунақа экан-да, сувнинг қайтиши пайти, отам!»

Умиднинг олдидаги учинчи кружкани четга суреб қўяман.

«Йигит, сувнинг қайтишларида қандай хислат борлигини биласанми? Тўлқинлар ортга қайтганида, чиганоқли қиргоқ тублари очилиб қолади. Ўзининг ялангоч чиройи билан у оламни янада яхшиладайди!»

Ҳаёт — ажойиб саёҳат. Бебаҳо вақтингни меҳрга тааллукли бўлмаган нарсаларга сарфлаш аҳмоқликликдир.

Сени соғинган,

Даданг

9

Кимки бу дунёда бир-бирини севган
бўлса, ундан кейин ҳам албатта
учрашишади...

Досту,

ок уйимизнинг эшиги очик, қорли қуюн уни кучи борича тебратмоқда. Шаҳарни кор босган, уммон кулранг-ок ёпинчиқ билан ёпинган. Оёқ ости билич-билич. Остонага яқинлашаман, пойабзалимни ечаман.

Мана, остонада турибман. Ичкаридан товуш келади. Таниш товуш, мулойим... Қўшиқ янграмоқда! Уйдаги телевизорда ок-қора тасвирлар ўрин алмашмоқда. Элла Фицжеральд ўзининг «Ёз фасли» қўшиғини ижро этмоқда. Қизим, бу бизнинг энг яхши кўрган қўшиғимиз. Олтмиш тўққизинчи йили Берлинда ёзиб олинган. Роялда Дональд Карсон жўр бўлган.

Бир куни тонгда...

Сен қўшиқ билан уйгонасан.

Кейин қанотларингни ёзиб...

Кўкка учиб кетасан!

Мария креслода ўтирибди. Телевизор ёғдусидан унинг юzlари заҳил тусда. Қўлларида бир уюм хатлар. Хатжиллар очилмаган. Элла қўшиғини давом эттирмоқда.

Сенга ҳеч ким етказмас озор...

Кўйгин, йиғлама!

Ойингнинг пойига тиз чўкаман, бошимни унинг тиззасига қўяман. У хатларни тушириб юборади, улар

пастга сирпанганча совук полда сочилиб кетади. Энди менинг ҳеч қаёқка кетгим йўқ.

...Тонгти учда уйғонаман, соғинчдан тезроқ бу ерлардан қочиб кетгим келади. Тор йўлаклар бўйлаб шоша-пиша вокзалгача, ундан поездга ўтириш ва Абадий қиши шахрига етиб олишим керак.

Кийинаман, тор кўчалар бўйлаб пастга қараб кетаман...

Масжид олдида бир эркак каштан дарахтини суғормоқда. Кичкина бассейндан челякда сув олиб, дарахт илдизлари остига қуяди. Бу Сулаймон, йигирма йилдан бери шу масжидда фаррош бўлиб хизмат қилади. Узун соchlарига оқ тушган, юзларини устара тилимлагандек чукур ажинлар кесиб ташлаған. Ислом революциясидан кейин Табриздан келиб қолган.

«Ёшлигимда ҳаёт ҳақида фикр юритишни яхши кўрадим. Ишончларим ердаги ҳамма нарсадек хато, вақтингчалик бўлиб чиқди. Кимки ҳаётни яхши биламан деса, у ё яшамаган, ё ўлик!»

Бизлар сукутни бирдай қадрлаймиз. У ҳам ўзича гапиради, мен ҳам жимгина тинглайман.

«Тилимиз бошқа бирор аъзомиздан кўра кўпроқ зинدونга маҳкум. Ақллилик қилгандан кўра кўчатларимизни сугорайлик, мана ҳозир бошланиб қоладиган аzonни тинглайлик...»

Энди мен ҳаётнинг абадийлигини аниқ-тиниқ ҳис қиласман. Ҳеч ким ўлмайди, кимки бу ҳаётда бир-бирини яхши кўрган бўлса, ундан кейин ҳам албатта

учрашадилар. Вужуд, исм, дунёқараш — барчаси ўзгарса-да, бир нарса оҳанграбодек бизни бир-бирилизга тортади...

«Мұхаббат — абадий қовуширувчи!»

Хозирча эса мен яшаяпман, гоҳ севаман, гоҳ эса севищдан толиқаман. Лаҳзаларни эслаб қоламан, улар ҳақида әртага ёки кейинги ҳаётимда ёзиш учун бу хотираларни авайлаб сақтайман.

Сени соғинган,

Даданг

10

**Ниманики сүгорган бўлсанг,
у сенда гуллаб мева тугади...**

Досту,
қизим, аввалгидек тим коронғуда уйғонаман.
Сулаймоннинг олдига тушиб бораман, у аллақачон
каштанга сув қуйган, масjid ҳовлисини юваётган,
гиламчаларни артиб тозалагандан сүнг қуритиш учун
ёғоч панжараларга осаётган бўлади.

Сулаймон бу кўчадан узокқа кетмайди, масjid
ва унинг ортидаги боғчада жойлашган кичкина хона
унинг уйи.

*«Менга шаҳар марказига боришни, у ердаги
ажойиботларни томоша қилишини маслаҳат
беришади. Мен эса қийгос очилаётган мана шу
атиргулларимнинг атрофидан яхшироқ жойни
бilmайман. Ҳаётга қизиқишимни йўқотмадим,
аксинча уни топдим...»*

Дўстимга ойналарни ювиш, кўчиб тушган
кошинни қайта ёпиширишга кўмаклашаман. Ишлар
орасидаги танаффусларда икки кария шошилмасдан
сухбатлашамиз, уйгонаётган шаҳар овозлари
ҳамоҳанглигига лола шаклидаги пиёлаларга чой
қуиб ичамиз. Ҳеч ёққа шошмаслик — нақадар лаззат!

— Сулаймон, сенда ҳаётни бекорчиларча, бенаф
яштаётганилигинг хакида фикрлар безовта қиласдими?
Гарчи бунга асос йўқдек: ҳурмат қиласан, сени ҳам

хурмат қилишади, меҳр кўрсатишади, эвазига қанча олишинг, балки умуман олмаслигингни ўйламасдан ҳам меҳр ва эътибор берасан, кутилмаган янгиликлардан қўрқмайсан, шу ёшингда ўқишига, ўрганишга тайёрсан...

— Албатта, бўлиб туради. Уларни қанча қувма, барибир суқилиб киришади. Сен эшикдан ҳайдасанг, тешикдан киришади. Мен уларга кўникибам кетдим, ортиқ эътибор бермайман! Бизлар ниманики сугорган бўлсак, ўша ўсади, гуллайди ва мева беради! Бенафликка келсак...

—... одам ҳаёти ҳамма вақт бирёқлама, шундай эмасми?

— Ҳа. Кимдир майсазорни қайчиласни, яъни ўтларни бир текис қилиб ўриб туришни бекорчи иш деб ҳисоблади, кимгадир эса бу иш унинг кундалик юмуши, севимли касбининг бир бўлаги.

— Фикрингга қўшиламан, Сулаймон. Менинг ҳаётимга тегишли бўлмаган тақдирда ҳам яхшиликка ишонавераман. Бир аср аввал бу ҳақда Чехов ҳам ўз фикрини ёзиб қолдирган...

«...Ердаги ҳаёт тасаввур қилмас даражада гўзал, ажойиб бўлади. Одамга мана шундай ҳаёт керак, агар у мавжуд бўлмаса, одам уни олдиндан сезиши, кутиши, орзу қилиши, уни тайёрланishi, бунинг учун эса боболари ва оташаридан кўра кўпроқ қўриши ва билиши керак!»

Эллин Сафарли

— Жуда ажойиб айтилган. Мен «Ваня тоға» ва «Чагалай»ни ўқиганман. Унинг пьесалари — кўзгу. Дераза ортида қандай аср бўлмасин, ўша ниқоблар қолаверади, қаҳрамонларгина ўзгаради. Ғаройиб сўз устаси. Даҳо!

— Сен Чеховни биласанми?! Менга унинг ижоди мусулмонларга унчалик ҳам маъкул эмас, деб ўйлардим.

— Тор фикр бу, дўстим. Ботиний миграция ернинг тортиш кучига бўйсунмайди, эътиқод ҳам шу жумладан, у илоҳий! Чеховнинг қаҳрамонлари ҳақида ўқиркансан, биз улардек эмасмиз деган хаёлда «эҳ, қандай одамлар-а» деб юборасан. Аммо, биз уларнинг ўзимиз-ку! Сен билан жуда кўп нарсаларни гаплашишимиз керакка ўхшайди.

— Ҳар кунимиз кашфиёт, Сулаймон. Бу тирик одам учун энг яхши шиор. Ҳар куни, ҳар кимдан, хоҳ у яхши ёки ёмон бўлсин, бирнима ўрганиш мумкин.

Досту, агар вақт топсанг, Чеховни ўқи. Фикрларингни менга билдир. Сулаймон иккимизга бу жуда қизиқ.

Даданг

11

Уммонга салом йўллайман...

Досту,

мен дўкондан саватлари билан иссиқкина симитларни олиш учун келган сотувчилар изидан чиқдим. Пешбандимни ёчиб, унларини қоқканча эшикдаги илгакка илдим ва марказий майдон сари кетдим. У ерда дараҳт тагига ўтирганча бир соатлар илгари пахмайган хамирдан тайёрлаган симитларимни сотиб олаётганларини кузатиб ўтирдим.

Сотувчилар тениккулчаларни қофоз пакетларга солишар, ушлаганда кўчган кунжут донлари ёқимли шитирланганча пакет тубига тўкилиши менга эшитилиб турарди. Кимdir ишига шошилганча симитларни йўл-йўлакай ер, бошқалари эса шошилганча уйларига элтишарди.

Мехнатинг меваси одамларни бир неча лаҳзага бўлса-да баҳтли қилаётганлигини кўриш — баҳт.

Йўловчиларнинг оёқлари остидан кабутарлар учиб кетишар, мен қувонар ва бесарҳад хорғинликни ҳис қиласдим. Бамисоли мижжа қоқмаганча, этишимга ишонмагандек жуда узок йўл босдиму, мана охири — мен шу срдаман. Энди кўзларимни юмганча мангуга уйқуга кетсам. Кейин эса уйғонсам ва яна кейинги нуқтагача йўлни давом эттирсам.

Ўша дақиқада күхна Истамбулнинг майдонида ўзимга ҳеч нарсани ўйламасликка изн бердим. Буни эплодим, Досту.

Бўшаган саватларни янги симитлар олиб келиш учун жўнаганларида ўрнимдан турдим ва сокин одимлаганча уйга жўнадим. Умид икки кундан бери севгилисиникида қолаяпти, улар ярашиб олишиди. Кечқурун ишдан кейин асрандихонадан ўзлари танлаган кучукболани олиш учун боришади, буни ўзим маслаҳат бердим, уни олий навли фаранг шароби шарафига «Марго» деб номлашмоқчи.

Янги куннинг ярмигача ухладим. Ҳеч қандай туш кўрмадим. Мен етмиш йиллик умрим мобайнида илк бор мутлок хотиржамлик муҳитига тушгандим.

– Сулаймон, болалигингда ўзинг ўйлаб топган дўстларинг бўлганми? Яъни, ўзингдан бошқа ҳеч ким кўрмаган, аммо доим сен билан бирга бўлган дўстларни ўйлаб топганмисан?

– Йўқ, дўстим. Болалигимдаёқ нима ўйлаб топилгану нима асл эканлигини билганман. Ўйлаб топилганлар агар ҳаётдагига ўхшасагина менга ёқарди.

– Қизиқ. Менинг қизим Досту, ўзини ёмон тутганида «Ҳаммасига Ярамас Досту айбдор», дея туриб оларди...

– Ҳа-ҳа-ҳа... У билан театрга борармидинглар?

Әллин Сағарғы

- Албатта. У катталарнинг томошасини яхши кўрарди. «Чиполлино» ва «Узунпайпоқ Пеппи» уни қизиқтирмасди.
- Мен ҳам театрни яхши кўраман. Одамга яхши таъсир қилади, энсангни қотирмайди.
- Янаямми! Ҳаётда шокка туширадиган нарсалар етарлича, ҳатто ўз фикрларинг ҳам баъзан бошингни гаранг қилиб қўяди.
- Фикрлайдиган одам, албатта, яхши, аммо баъзида фикрлар одамни ҳар тарафга тортиб кетади.
- Буни биламан, Сулаймон.
- Битта маслаҳат берайми, оғайни? Майли, улар хаёлингда жўш ураверсин. Уларни тўхтатма! Лекин уларни шунчаки бир четдан кузат...
- Яхши ғоя! Афсус... Кейин бугунгидай тонголди сухбатларимизни эслаб юраман.
- Кетмоқсимисан?
- Ҳа, Сулаймон, кетишим керак... Уйингни асрар!
- Сен эса уммонга салом айт! Унинг соҳилда жон деб яшаган бўлардим. Худо хоҳласа, кейинги ҳаётимда. Бунисининг қолганини каштаннинг ёнидаги масжидда ўтказаман.

* * *

Поезд Истамбулдан олислашарди. Яна бошқасига ўтириб, тўққиз соатлик йўлдан сўнг уйда бўламан.

Сени соғинганман...

Даданг

12

**Бахт мөхнатни талаб қилади...
Ёнбошлаб ётганингда ўзи келмайди!**

Досту,

поезд ойналари ортидаги манзарадар түссизлана бошлади, демек кишига яқынлашайпмиз. Назаримда проводниклар йүловчилар оқимини бошқара олишмаяпты, вагонларда шовқин-сурои. Баъзилар бир-бiri билан жанжаллашишади, бошқалари ҳожатхона аҳволидан норозилик билдириб түнгиллайди, қолганлар вискига бўкканча томоқقا зўр бериб қўшиқ айтади.

Кўшни купедаги, ё астрология, ё фолбинлик билан шуғулланадиган семиз аёлнинг гапи қулоғимга чаланди. Бўлиб ўтаётган воқеаларга сабаб ойнинг тўлиши билан боғлиқ эмиш. Менга эса иссиқ ўлкада меҳмон бўлиб ўзларини бинойидай тутганлари уйга қайтаётиб асл қиёфаларига кираётгандай туюлди. Аксинча, сайру саёҳатда дунёларга сиғмаганлари ўз ошёнига, доимий ҳаётига қайтаётганидан хомуш. Ораларида менга ўхшаб уйини, қадрдонларини соғинганлари ҳам бор. Нима ҳам дердим, кишилар ҳаётини юлдуз буржларига қиёслашга одатланган аёлнинг гапларида жон бордек.

«Мен инсониятга аллақачон аянчли ташхис қўйиб бўлганман. Уни барбод бўлишидан бошқа ҳеч нарса сақлаб қололмайди!»

Мен билан бирга купеда чиройли эр-хотин жуфтлиги кетмоқда. Бутун йўл бўйи ўзаро низоларидан бўлак ҳеч кимга, ҳатто ўзларига ҳам қулоқ солмасдан гап талашиб келишади.

Англашимча, йигитнинг исми Жорж, у ёзувчи. Аёл эса ўз қасбини ҳам ташлаб, борлиғини эри ва болаларига бахшида этган.

Эр ўз-ўзига шу қадар берилиб кетганки, ташқи оламни ҳам унутиб қўйган. Аёл эса — озурда, жizzаки, эрининг ҳаётига сингишиб кетганлигидан икки карра қийналади. Бир-бирини севадиган икки одамнинг ҳаётга турлича қараши оқибатида пайдо бўладиган ҳолат.

«Нима учун баҳтни танлашимизга доимо нимадир ҳалал бериб келади?!

Баҳтсиз бўлиш қийин эмас. Бунинг учун сабаб излаб ётиш шартмас, доимо ўзидан норози ва ҳаёт ташвишлари билан банд оломон ортидан эргашсанг кифоя. Бор ташвиши билан дунёга талабномалар юборишдан иборат бўлган кўпчиликнинг биттасига айланасан-қўясан.

Қизим, биласанми, баҳтсиз ҳаётнинг биргина, етилмаган бодомникидек ачқимтил-тахир таъми бор, холос.

Бу таъм доим турлича меҳнат ва сабрни талаб қиласи. Диванда чўзилиб ётганингда у келмайди, ҳеч бўлмаса, жойингдан туриб, эшикни очиб қўйиш керак. Ёнбошлаб ётганингда қадди тик меҳмонга мезбон

бўлолмайсан. Ўрнингдан туриб эшик очсанг, очиқчехра билан қарши олсанг, ичкарига киради, тўрга ўтқазсанг, узок ўтиради. Бахт деганлариям иззатталаб меҳмон каби, илтифотингга, эътиборингга муҳтож.

Бахтга кўнглига йўл топиш осон иш эмас. Ягона йўналиш, барча мувофиқ келадиган ягона андоза мавжуд эмас. Албатта, янгилиш олинган ўлчамлар учрайди. Бунақаси бўлиб турари, жараён шунаقا — бошлаганингни ярмида ташлаб қўймасанг бўлгани.

Кулоқчинимда америкалик жаз турба чалувчиси Майлс Дейвиснинг «Уммон қадарли теран» қўшиғига чалган оҳанглари янграйди. Унинг трубасидан таралган оҳанглар қалбимда ғайриоддий туйғулар пайдо қиласди.

*Сени қанчалар кучли севаман!
Жавобимда ёлгон йўқ асло...
Уммон қадарли теран –
Оsmон қадарли юксак!*

Ҳамёнимдан, қизим, иккимиз бирга тушган суратни оламан. Сен беш ёшда, кифтимда ўтириб олгансан. Эгнимда Мария совға қилган тўқ-мовий свитер, чап билагимда отамнинг чарм боғичли соати. Сенинг ўнг оёғингдан тушиб кетган пойабзалинг кумда ётиби. Ортимизда эса уммон. Бу сенинг у билан биринчи учрашувинг эди... Эслолмасанг керак, узок пайт тўлқинлардан кўз узолмай туриб колгандинг. Ойинг апельсиннинг пўстлоғини арчаркан

Эллин Сафарли

сени зимдан кузатарди. Ўшандаёқ билганмиз сенинг қалбинг уммон мавжлари каби оромбахш эканлигини.

«Икки соатдан бери тўлқинларга тикилган куйи лом-мим демади-я, гаройиб!»

Айни ўша дамда сенинг қалбинг аввалги ҳайтингда нимани севганлигини эслаб қолганди.

Сени соғинган,

Даданг

13

**Маъюс хаёллар келиб-кетишига
изн бер! Уларни зинҳор
ушлаб қолма...**

Досту,

хўл қор ёғишдан тўхтади, ойна ортида мовий тун.
Вагон тинчиб қолган, ухлаётган кишининг хуриллаши
ва илтижо аралаш дуоларни шивирлаётган овозгина
келади. Аёл кишининг овози.

*«...Бизни гуноҳларга грифтор қилма, шайтон
васвасасидан асра!»*

Жорж ва унинг хотини чиқиб кетишиди. Улар
ярашиб олишган кўринади ва ҳозир вагон-ресторанда
шароб ичиб ўтиришибди.

Абадий киш шахрига стиб олишимни кутганим-
кутган. Негадир уйқум йўқ. Америкалик жаз
мусиқачиси Чет Бейкернинг «Almost blue» куйини
тингляяпман. Унинг мусиқаси — қия очик қалбдан
таралаётган мусаффо нур. Сўзлари ҳам ғалати, аммо
замерида яширин фалсафаси бор...

*«Ҳамма яхши нарсалар ҳозир тугамайди, фақат
энг яхшиларидан айримларини йўқотасан...»*

Термосдан чой қуяман. Столчада темир
ғилдиракларнинг харакат оҳангига мос равища
лиммо-лим стакан титраб турибди. Тўкилмаса
гўргайди. Ҳар эҳтимолга қарши магнитола ва китобни
сумкамга солиб қўяман.

Бирдан хотирамда шундай лавҳа жонланади: мен болалигимдаги уйим ошхонасидаман. Ғичирлайдиган поллар, эски жавон, дастурхон күрмаган, яхши рандаланмаган тахталардан ясалган стол. Анна бувим ичидаги данаклари усталик билан олиб ташланган ўриклардан мураббо қайнатаяпти. Улар қайнаш мобайнида шаффофф-сариқ марсипанларга ўхшаб қолади.

Болалигим мураббо күпиклари ҳидини эслатади. Уларни қандай яхши күрардим. Айниқса, қотиб қолганида уларни құймок چалпакчаларга суркардим. Таъми оғзингда қолади! Мазза!

Анна бувим ликобчамга құймоқлар ташлаб, пиёлага күпикларни сидириб солиб, стаканга чой қуяди. Тезроқ совутиш учун стаканга пуфлайман. Бир марта куйиб қолганим учун стаканга қўлимни теккизмайман.

«Бувижон, жуда қайноқ-ку! Кўрқаман...»

Анна бувим қайноқ күпиклар устидан озгина совук сув қуяди.

«Болажоним, маъюс хаёллар келиб-кетишига изн бер. Уларни ушлаб қолма!»

...Термосдаги чой тугаяпти. Яңгисини дамлаб келиш керак. Доғ сув олгани чиқаман. Йўлакда чекканча китоб ўқиётган ўша фолбин аёлга дуч келаман. Муқовасида кўзларга эга бош чаноги тасвиirlанган Агата Кристининг «Ўлим фариштаси»

китоби. Мени кўрган аёл сигаретасини ўчирганча йўлимни тўсади.

«Адиллар бошқа бирорнинг ҳаётини бадиийлаширияпман деб ўйлагани билан асарига ўзини, ўзининг ҳаётини, ҳаётий фалсафаси ва қараашларини сингдириб юборади. Агата ҳам келажакда бизларнинг мавжудлигимиз хусусида ижобий тўхтамга умид билдирамаган. Биз ҳаёт оралаб худди поезд зулмат оралаб кетаётгандек номаълум манзил сари бормоқдамиз...»

Кизим, бу аёлнинг гаплари ўзининг ранг-рўйидай совук. Лекин у ҳақ!

«Сиз зулматдан қўрқмайсизми? Келинг, пича гаплашамиз!»

Кулимсираганча унинг ёнидан ўтиб кетаман. Вагоннинг ўрталарида ушланиб колишимга тўғри келди — кунедан икки невараси билан уларнинг бобоси чикиб келди, улар яқинлашаётган бекатда қолишади. Қария жомадонини торткилаб чиқкунича, болалар ерга сочилиб кетган аскарчаларни кутига теришга тушибади. Боболари нокулайлик учун узр сўрайди, мен ойнага суянганча болаларга қарайман. Оппоқина, чиройли кийинган ажойиб болалар.

Сумкаларни бир қаторга тизган бобо койинади.

«Бизнинг ёшлигимизда бунчалар кўп ўйинчоқ бўлмасди. Биз уларни яхши кўрсакда жонсиз ва сохта эканлигини англарадик. Жонворларга меҳр берардик. Энди-чи? Энди бошқача! Одамлар чидаб бўлмас

Эллин Сафағли

даражадага сохталикка ташна! Худди тараққиёт ва замон қўғирчоқларнинг тури ва кўплиги билан белгиланадигандай... Ростини айтсам, ҳаётда қўғирчоқ бўлиб сохта умр кечираётганлар кўпайиб кетди!»

Нимаям дердим, бу гапга қўшилмасдан иложим йўқ... Неваралари сочилиб кетган қўғирчоқларини жомадонига жойлагунча бобо вагон йўлагининг икки томонида йўл тўсилиб қолганидан томошабин бўлиб қолган йўловчиларга хасрат қилди. Аслида бу унинг исёни эди, невараларига нотўғри тарбия берётганига қарши ўз фарзандларига нисбатан айтолмай ичига ютган исёни...

Тонг отганида Абадий қиши шахрига етиб келаман. У ерда мени кутишяпти. Балки, қизим, сен ҳам кутаётгандирсан?..

Сени соғинган,

Даданг

14

**Мен сени құчаман ва биз
үйга борамиз...**

Қизим,

сени күрган захотим поезддан тушиб қолдим.
Пальтонг ол рангида, шарфинг жигарранг. Сен
перрондаги оломон орасида, жомадонингни сурма
дастаси билан овора эдинг. Бу туш эмасди, сароб ҳам.

Сени миллиардлар орасидан таниб олган
бўлардим. Тўғри, сен бироз ўзгарибсан: балоғатга
етибсан, бўй чўзибсан, соchlарингни калталатибсан.
Янада гўзаллашибсан...

Йўловчиларни сурганча ерга сакраб тушдим. Сен
томонга қараб югурдим.

«У қанчалар Марияга ўхшайди...»

Эй, Худо, қайтишингни билардим, бошимиздан
ўтган барчаси — шифохоналар, йўқотишу кўз ёшлар
— шунчаки туш!

Мария, биз қизимизни йўқотганимиз йўқ. У
қайтди. Кутиб ол! Ноn, пишлок, зайдунлар,
шаробниям олиб чиқ! Мусиқани қўй. Бизнида бугун
байрам.

Атрофда поезд қўнғироғи, қайдадир аккордеон
янграйди, жомадонлар, тугунларни кўтариб олган
одамлар иссиқ кийимларга ўранган. Йўлдан
қочинглар, илтимос, мени қизим кутаяпти! Мен уни

қучогимга оламан ва биз уйимизга борамиз. У шубҳасиз, чарчаган ва совқотган...

Досту, озгина сабр қил, тезда исиниб оламиз, қайноққина чойни хўжағат қиёмли печене билинчамиз. Ўзинг биласан, биз уни доимо тайёрлаб келганимиз...

Кўп нарсалар ҳақида гаплашамиз. Айрилик ҳақидамас, энди бу ўтмишда қолди. Биз бугунги кун, бизни нималар кутаётганлиги ҳақида гаплашамиз. Леон, Марс, Матис, Ўзғир билан танишасан ва албатта уммонни кўрасан. Бизларни қанчалар соғинганингни тасаввур қиласан.

Эрталаб новвойхонага борамиз, кисирлайдиган кунжутли тешиккулчалар ёпиб бераман. Ана кўрасан, сенга ёқади... Яна сенга жўнатилмаган хатларимни бераман. Уларда сен билан бизнинг ҳаётимиз баён килинган, қизим.

Яқинлашарканман яноғингдаги сепкиллар чаманини кўраман, улар худди болалигингдагидек сенга ярашиб турди. Яна бир неча қадамдан кейин сени қучаман. Сенга «Уйингга хуш келибсан, қизим!», демокчи бўламану томоғимга тиқилган тошдан уним чиқмайди. Сени маҳкам кучоқлайман, юрагимни шунча йиллардан бери муштдай туғиб турган оғрик қайгадир йўқолади.

Досту, қизгинам. Мен сени соғиндим! Соғиндим, соғиндим, соғиндим...

15

**Худойим, қанча ажайиб нарсалар
бизни кутмоқда...**

Қизим,

Сени назардан қочириб қўйдим. Етишимга икки қадам қолганида, сен бирдан жомадонингни олдингда, чиқиш томонга ошиқиб, оломонга қўшилиб кетдинг. Шунча чақирсам-да, перрондаги шовқиндан мени эшитмадинг...

Ортингдан югурдим, вокзални бошдан-оёқ излаб чиқдим, ўткинчилардан сўрокладим — сен қандай тез пайдо бўлган бўлсанг, шундай тез ғойиб бўлдинг. Учрашувимизни шунчалар узоқ кутгандим, аммо у амалга ошмади. Аммо, мен энди биламан, сен Абадий қиши шахридасан. Унчалар катта жоймас, топишиб оламиз.

Хозирча Марияга айтмай тураман.

* * *

Уйда ҳеч ким йўқ. Радиода Конни Фрэнсис ўзининг «Ким афсус қилмоқда» қўшиғини куйлаяпти. Дераза рафида ўтирган Матис мени кўргач диван ортига беркинади. Бизнинг иқлимда бир соатга бормай ич-ичигача хўл бўлиб кетган истамбулча туфлимни ечаман-да, бир четга ирғитаман. Полтахтани олиб, хўл изларни артиб ташлайман.

Хамир иси келади... Шкафнинг эшигини очганимда хўжағат қиёмли печенъеларга кўзим тушади.

Ёткәдаги каравотда ёрқин рангли китобчалар — кундузги уйқудан олдин Мария Леонга ўқиб беради. Оёқлари остида Марс биринчи саҳифаданоқ пинакка кетганлиги шубҳасиз. Леоннинг ўйинчоғи — сариқ туёқли, тутмача кўзли кулранг хўтиқчани қўлимга олиб, уни юзимга босаман. Леоннинг ҳиди худди кичкина пайтингдаги каби карамеллар, кутилмагандан ташриф буюрган баҳор ва оппок қофозлар ҳиди аралашмасини беради.

Ошхона столчасида, қизим, сенинг бир уюм суратларинг. Уларнинг устида ойингнинг қўзойнаги. Энг тагидаги сурат остида ғижимланиб кетган, айрим жойлари узук қофоз парчаси. Бу сенинг ўн тўрт ёшга тўлган кунинг ёзган хатинг.

«...Салом дадажон ва ойижон. Мен дунёдаги ярамас қиз бўлсанм ҳам (ҳа-ҳа) Сизлар дунёдаги энг яхши ота-оналарсиз. Сизлар ўн тўққиз йилдан бери бирга яшашиларингни тасаввур қилолмайман! Ота-оналарим биргаликда баҳтли, бир-бирининг ардоғида эканлигидан гурурланаман! Менинг ҳаётим борасидаги айрим қарорларингиз ноҳақлигига қарамай, барибир сизларни севаман. Тугатишдан олдин яна бир нарсанни айтшига ижозат беринг: бизнинг баҳсларда сизлар голиб чиқсангиз-да, бу сизларнинг ҳақ эканингизни билдиримайди (ҳа-ҳа). Сизларни севаман. Досту.»

Эллин Сафарли

Мактубни сурат остига қайтариб күйман. Мушукнинг товоқчасига емишидан тўкиб, эски ботинкамни кийганча уйдан чиқаман. Уйдагиларим ҳозир қаерда бўлишлари мумкинлиги тусмоллайман: одатда улар бу пайтда уммон ёнида бўлишади.

Ўзғир билан саломлашаман. Унинг бортжурналида битилган фикрларни қараб қўяй-чи.

«Худойим, қанчалар ажойиб нарсалар бизни кутмоқда...»

Уммон бугун нотинч, аммо тўлқинлари илтифотли, асовмас. Худди кенг очилган қучоққа ўхшайди. Ана, Мария жун пальтосида, унинг атрофида Леон Марс билан айланалар ясашмоқда. Болакай, уни ўғлим дейишга изн берасанми, сарик пўпакли қалпокда, қўллари икки ёнга ёзилган — самолётни тасвиirlаяпти.

Миямда Барбаранинг қўшиғи жаранглайди. Уни ойинг тез-тез хиргойи қиласарди.

Кўрасан, баҳорда қайтаман!

Баҳорда муҳаббат ҳақида —

Сўзлаш ёқимили. Биз биргаликда...

Гулга кирган боғларда саир қиласиз!

Леон юргурганча ўзини Мариянинг қучоғига отади. Қадрдонларимга қарайман ва мени ҳаётдаги энг баҳтиёр ҳис қамраб олади: мен — уйдаман!

Досту, тез орада сен бизга қўшиласан...

Сени соғинган,

Даданг

16

**Қайтадан бошлашга ҳеч қачон кечмас!
Үн беш ёшда ҳам, етмиш бешда ҳам...**

Досту,

аксига олиб иккимиз келган куннинг эртасига қорбўрон авжга минди. Шаҳарни аёзли шамол ўз бағрига тортди. Кўзингни очолмайсан, юриш қийин, тўлқинлар қирғоқни ютиб юборадигандек ўзларини отишади.

Сен эса иссиқ жойда бўлсанг керак, деган умиддаман...

Сени излашда давом этаяпман. Мехмонхоналар, пансионларни айланиб чиқаяпман, уйидан жой берадиганларнинг эшигини тақиллатаман. Бундайлар кўп эмас, яна учта уйни қараш қолди.

Бундай ҳавода менинг кўчадан бери келмаслигим Марияни безовта қиласди. Новвойхонадан ушланиб қолаяпман, Амир қўлини кесиб олганидан икки киши учун ҳам ишлашга тўғри келяпти, дея алдайман.

Кизим, бугун чорраҳада турганча, қаёққа юришини танлолмай қолдим. Бошим узра чағалай шамолга қарши учганча айлана ясарди. Таслим бўлмасди.

Бўрон оёқларимдан чаларди. Кучим кетиб борарди. Автобус бекати панасига беркиндим, шарфимни қаттиқроқ ўрадим, аммо шамол янайм кучаярди.

Бирдан кўркиб кетдим. Сени қучолмасдан ўлиб кетаманми, дедим. Тезда тинчландим. Ўлим инсонни абадга олиб кетиши мумкин, аммо у ҳақдаги хотирани ўчиrolмайди.

Яқингинада кейинги икки юз йилда урбанизация ва модернизация даражаси ошганлиги билан бирга ўз жонига қасд қилишлар ҳам ўсган экан. Ўз ихтиёри билан ҳаётдан воз кечадиганларни тушунмайман. Бу нотўғри! Мени ажаблантирган нарса шуки, энг маشاққатли ва чидаб бўлмас дамларда ҳам атрофда яшаш учун канчалар арзирли ва мароқли сабаблар кўп. Кўзнинг кўриши, қулоқнинг эшитиши, тилнинг таъм билиши, оёқ-қўлларнинг ишлаши-ю теварак-атрофни идрок этишнинг ўзи мўъжиза!

«Ўз жонига қасд қилиш қўрқоқлик ва иродасизликнинг энг тубан кўринишидан ўзга нарса эмас!»

Мен ҳамиша дунёда бирор нарсани ўзгартиришни истаганман. Улкан миқёсларда бўлмаса ҳам, атиги биттагина қалбнинг азоблари камайтирилса, бу уринишлар зое кетмаган бўларди.

Ҳаммаси бефойда, дея ҳаётга кўл силташ энг осон ечим. Бироқ бу адашиш! Ўз-ўзингни қамаган қафасдан охирги кучинг қолгунча чиқишига уринишинг керак. Негаки бу қафаснинг калити фақат ўзингда! Ҳатто уни очиш учун калит ҳам керак эмас! Биргина хоҳишингни ўзи кифоя..!

Элін Сафарін

Қайтадан бошлашга ҳеч қачон кечмас. Ўн беш ёшда ҳам, етмиш бешда ҳам.! *

* * *

Уйға жуда кеч қайтаман. Мария Леон билан ухлаб ётишибди. Ошхонадаги стол устида суратларинг сочилиб ётибы. Бу галгилари сенинг ўқувчилик пайтларингда олинган суратлар...

Бу дунёда ҳеч нарсага боғланиб колиш мүмкінмас, дейишади. Бирортада шундай бўлишини сира тасаввур килолмайман. Аммо, ҳар кимнинг тушунадиган ва кечирадиган, оғир пайтда кўмакка келадиган, қандай бўлмагин, сени севадиган ва кутадиган киши бўлади.

Ойинг сени соғиняпти...

Даданг

17

**Бир хил йүллардан юрсак-да,
хеч учрашмаймиз...**

Досту,

сени ҳеч тополмаяпман. Бир хил йўллардан юрсак-да, ҳеч учрашолмаяпмиз...

Кеча меҳмонхоналардан биридаги қайд қилувчи қиз яқингинада ол ранг пальтоли хорижлик қиз кирганлигини айтиб қолди.

Мен сенинг суратингни кўрсатдим.

«Ўҳшаб кетади-ю, лекин ўшалигига кафолат беролмайман. Нархларимиз тўгри келмади. Уммонга яқин жойдан излаётган экан. Афсус, мен унга арzonлаштиrolмадим, раҳбарият йўл бермайди.»

Бу сен эдинг, қизим. Бўрон пайти бўлса ҳам уммонга яқинроқ бўлиш истагингдан танидим...

Тонгда новвойхонага бордим, шанбада харидорлар кўп бўлади. Амир бир ўзи кийналиб қолган бўлса-да, индамади. Ишдан кейин қидиришни давом эттираман.

Хафтада дам олиш кунлари икки марта кўпиртирилган тухум оқи қўшилган булочкалар тайёрлайман. Юқагина қисирлоқ қобик остида ҳаводек юмшоқ мағзи яширин.

Кечагина улардан Леонга тайёрлаб бердим. Болакай учтасини орқама-кетин еди.

«Улар булутга ўхшайды...»

Ойингга ҳам улар ёқди. Қизим, сен билан ўқиган шеъримиз эсингдами? Булутлар ҳақидаги...

*Булутлар ухлаган қояли тоглар,
Дарёлар ёшлиги бошланган чөглар,
Қалин буталарни оралаб емиши –
Излайды бедана, излар жүжсалар.*

Леон қийналса-да, Мария билан бирға сен ёқтирган шеърни такрорлайды. Улар биргаликда, қадамма-қадам янги ютуқларга эришәяптилар.

Болакайни номимизга ўтказмоқчимиз. Олдинда анча қоғозбозликлар турибди. Леоннинг биологик отаси билан (узр, уни бошқача атай олмайман) алоқага чиқмоқчи бўлдик, вазиятни тушунтира бошлашим билан гўшакни қўйиб қўйди.

...Булочкалар учун тухум окларини шаҳмоқ кўпикка айлангунча кўпиртираман. Унга иссик сувда аралаштирилган хамиртуруш, ун ва ўсимлик ёғини озодан қўшиб бораман. Хамирни аралаштирганимдан сўнг кичик зувалачалар узаман. Сиртига тухум сариғини суриб чиқаман.

Энг мухим шарти: духовкага жойлашдан олдин печнинг ички деворларига сув пуркаш лозим.

Сен уйда бўлганингда нонуштага албатта шунаقا булочкалар пишираман. Улар билан жигар паштети жуда уйғунлашади — лабингни ялаб қоласан! Балки, сен ҳам уларни пиширишни хоҳлаб қоларсан. Умумий рецептини баён қилдим, пишириб қўрсанг бўлади.

Ишни тугатдим. Аңынага күра витринани тозалаб артиб чиқдим, пещдаги үтни үчирдим, пешбандимни қоқдим, ундан ун зарралари жигарранг плиткаларга қордек құнади. Эди кийимларимни алмаشتiramан. Булочкалар учун хамир тайёр, тонготарда уларни пишириш учун қайтиб келаман. Ахир улар якшанба нонуштасини безайди-да: ҳамшаһарларимиз столига иссиққина ҳолда етиб боради, уларга асалли сариёғ суркаб, чала қовурилган тухум саригига ботириб олишади.

Новвойхонадан чиқаётіб радиони үчирмокчи бўламану тўхтаб қоламан. Соул кироличаси Арети Франклиннинг ажойиб қўшиғи янграйди. Фикрни аник ифодалайдиган сўзлар.

«Ҳозир ҳам доимгидек юрагимдасан. Мен сени ҳозир ҳам аввалгидек севаман. Биз ҳеч қачон ажратмаймиз...»

Қизим, эртага сокин об-ҳавони ваъда қилишган. Корли ўлкамизни бўрон аста-секин тарк этмоқда.

Сени согинган,

Даданг

18

**Сен излашни түхтатганингда баҳтни
топган бўласан...**

Досту,

тонгни уммон олдида кутиб олдим. Марснинг бўйинбоғдан ечдим-да, тўнкарилган қайиққа ўтирдим, сувга тикилдим. Сокинлик...

Уйдан чиқишида борт журналига қарадим.

«Ҳатто энг узоқ уфқдан ҳам қўрқма!»

Ўзғирнинг қорли палубасини тозалаб, соҳилга қараб кетдим. Бугун ҳеч қандай фикр менда илҳом уйғотмаяпти... Наҳотки, сенни топа олмасам? Наҳотки, бирорни сенга ўхшатган бўлсан?

Марс балиқчилар тўрининг парчасини тишлаб олганча қирғоқ бўйлаб югуриб юрарди. Уфқда сузиб ўтаётган кеманинг буғиқ қўнғироғи, сувўтларининг ҳиди ва афсонавий кенглик туйғуси. Сув ногаҳон мўралаган қуёшни хушлаганча ялтирайди.

Уммоннинг теран нигоҳи кимнидир қўрқитса-да, менга дўстона бўлиб туюлади. Уммон барча кутганларингдан устун келади. Сен уни қандай тасаввур қилма, бошқача бўлиб чиқади ва ҳеч қачон ўзини такрорламайди.

Марс эрмагини ташлаганча кимнингдир истиқболига чопади. Ўгирилиб қарайман. Амир. Дўстим қўлидаги икки пакет билан йўлини бурганча яқинлашади.

«Новвойхонада йўқ экансан... Сени шу ердан топаман деб ўйладим. Ушла, иссиқ крауссанлар. Хўжагат қиёмлиси сеники. Ўзимга олганим пишлоклиси, мен уларни мана бу жонвор билан баҳамлашаман.»

Амир пишириқларни бармоқлари учига ушлаб кўрсатишга улгурмай Марс сакраганча юлиб олади ва қайиқ панасига ўтиб кетади.

«...Уммонга тикилиб ўтирсам менинг барча ташвишларим аҳамиятсиз ва вақтинчалик бўлиб кўринади!»

Амир қўшни қайиқقا ўтиради, телпагини ечиб, ўнг қўлига ғижимлаб олади.

«Яна у севгига ўхшайди. Уммоннинг гўзаллигини ҳис қилиш учун унга, албатта, шўнгииш керак. Ундан аввалгидек бўлиб чиқмайсан. Биз хотиним билан бир пайтлар жанубий соҳилга бордик, уларда ёз ойлари чўмилсанг бўлади. Унинг туви нақ хазина, кўзларингни узолмайсан!»

Амирнинг гапида жон бор. Уммон ўйланётган одамнинг қалбидек. Ё тубида кўринмас хазина, ё сиртида ичини акс этган мавж...

Марс тегишини тугатганча ёнимга келиб ботинкаларимга бошини ишқайди. Бу унинг мендаги ушоқларни артиб ташла, дегани. Ит тумшуғи егулик қолдигига тўлиб туришига чидаб туролмайди. Шунинг учун Мария иккимиз чўнтакларимизга қоғоз салфеткалар солиб юрамиз.

Элчин Сафарли

Күлларингда шоколадли трюфеллар солинган пакет бор.

Күёш нурлари юзингга тушади, кўзларингни кисганча бошингни озгина кўтарасан. Тушунарсиз тарзда қаердандир ниначилар пайдо бўлади. Аллақандай ўткир товуш чиқарганча қанотларини визиллатишади. Сен эса трюфелларни оласан. Менга узатасан.

«Рахмат, мен ҳали крауссанларимни еб бўлмадим...»

Амирга юзланиб унга конфетни узатасан. Сувости манзараларига доир хотираларига берилиб кетган Амир буни пайқамайди. Трюфелни оғзингга соласан. Ширин жилмаясан. Нозик бармоқларингда шоколад доғлари қолган...

Сенга тикилиб турарканман вақт бирлиги бизни ажратса бошлаганини сезаман, худди биз бир вақтнинг ўзида ҳам шу ердамиз ва бу срда ҳам эмасмиз. Ажаб, буни на Амир сезади ва на Марс.

Қизим, биласанми, биз бахтни изламаётган пайтимиизда уни топган бўламиз...

Сени соғинган...

Даданг

19

**Бутун оила бўлиб яна суратга
тушадиган кун, албатта, яқин!**

Досту,
уйқудан уйғонганимда Мария аллақачон
ошхонада эди. Мени кутаётганди. Столда қайноқ чой,
нон, омлет ва оқ пишлок билан помидорлар.

*«Хайрли тонг! Күчага чиқишидан олдин тамадди
қилиб ол!»*

Қаршимга ўтиради. Нимадандир безовта...

Радиодан Азnavурнинг «La Bohème» таронаси тараалаётганди. Биз бу күй остида түйимиз бўлганлигининг йигирма беш йиллигида ойинг билан рақс тушгандик, эсингдами? У менга Парижни — биргаликда қилган сайдимизни эслатади. Ўша пайт деразамиз остида настарин гуллаганди. Айниқса баҳорда бироз енгилтабиат, аммо жозибаларга тўла сехргар шаҳар.

Тамадди қилиб бўлгунимча Мария кутиб туради. Кон босимимни ўлчаб кўришни таклиф қиласди. Тун бўйи ўзимни яхши ҳис қилмаётган бўлсам-да рад қилдим. Уммон соҳилида шамоллаб қолган бўлсам керак. У буни сезди. Бироз жаҳли чиқди.

*«Истамбулдан қайтганингдан бери хаёлинг
жойидамас. Уйда деярли бўлмайсан, дайдиб юрасан,
кечалари ухламайсан, овқатланишингни ҳам тайини
йўқ. Кеча тўйимиз бўлиб ўтган кун эди. Ундан олдинги*

Элчин Сафарли

Ўтган шанбада Умиднинг түгилган куни эди, унга хат ёздим. Сенга эса буларнинг ҳеч қизиги йўқдай. Нималар бўлаётганлигини сира айтмайсан...»

Сукут сақлайман. Ойинг ҳақ. Мен ҳақиқатан уйдаги ҳаётдан узилиб қолибман. Агар у бунинг сабабини билганида, тушунган бўларди. Ҳатто буни яширганим учун яна-да баттар жаҳли чиқиб кетарди.

Ошхонадан Леоннинг хонасига чиқаман, у хўтиқчасини кучоқлаганча ухлаб ётибди. Эшик ёнидаги гиламчада Марс пихиллайди. Менинг қадамларимни эшитган ит кўзларини очмасдан думини ликкиллатиб қўяди. Ўғлим ётган каравот четига ўтираман. Дераза ортида кор ёғмоқда, уй иссиқ, ошхонадан кесилаётган ноннинг ғижирлаши келади. Ойинг ҳадемай уйғониб қоладиган Леон учун карсилдок нон бўлаклари тайёрляяпти. Мен эса... Ҳеч қасрга боргим келмаяпти, кунни уйда ўтказсам дейман. Аммо иложим йўқ. Сен бирор яқинроқ жойда мени кутаётган бўлсанг-чи?

Биламан, сен ҳам мени изляпсан. Уммон бўйлаб юрган бўлсанг керак. Балки соҳил бўйидан иссиқроқ меҳмонхона топгандирсан. Ўзгирнинг ёнига тез-тез келиб кетаётган бўлсанг керак. Балки халиям вокзал бескатидадирсан...

Эгилганча Леоннинг оёқчаларидан ўпаман. У бизга янги ҳаёт инъом қилди.

Хонага Мария киради. Ёнимга ўтиради, кифтимдан кучоқлайди.

Эллин Сафағли

Эгилганча Леоннинг оёқчаларидан ўпаман. У
бизга янги ҳаёт инъом қилди.

Хонага Мария киради. Ёнимга ўтиради,
кифтимдан қучоқлайди.

«Кечирасан, ўзимни тутолмадим...»

Қайғурма, ҳали бутун оила бўлиб яна суратга
тушадиган кун, албатта, яқин...

Сени соғинган,

Даданг

20

Аслингга йўл топишдан чўчима!

Досту,

бугун новвойхонамизда ёзниң ғаройиб ифори хукмрон бўлди. Солиҳ бизга бир қопчиқда қуритилган помидорқоқи олиб келди.

Қизим, уларни нималарга қўшса бўлмайди! Эчки сутидан тайёрланаган шўртак пишлок билан бирга бутербродларга, турли салатларга, сабзавотли иссиқ таомларга, омлетларга! Бунинг учун қуритилган помидорқоқилар юмшани учун аввал уларни сирка қўшилган қайноқ сувга солиб қўйиш керак. Яна уларни сал қиздирилган зайдун ёғи, зиравор ўтлар ва саримсоқ аралашмали банкага ботириб қўйилса, бир кундан сўнг бемалол еяверса ҳам бўлади.

Помидорқоқилардан улар қўшилган нон ёпиб кўргимиз келди. Кундузги соат бирга дастлабки буханкаларни пештахтага қўямиз. Буям бир қизиқишида! Яна-да мазали чикса бўлди. Мен яна сариёғда тилларангга киргунча қовурилган пиёздор ҳам қўшишни таклиф қилдим. Амир хамирга янги помидорлар бўтқасидан озгина қўшадиган бўлди.

Помидорли нонларни ярим соатга қолмай таламон қилиб юборищди, Мария ва Леонга битта буханкани олиб қолишга аранг улгурдим. Тушликка Солиҳни ҳам таклиф қилдик. Дастурхонга нон,

Эллин Сафарти

пишлок ва шароб кўйдик. Печда ҳамон чўғлар милтилаб турар, қовурилган пиёз ҳиди ҳали тарқаб улгурмаган, радиода эса Жонни Мэтиснинг ширали овози янграмоқда.

«Бизнинг муҳаббатимиз кун сари нурафшон бўлгуси. Балки бизлар бошқа учрашмасмиз ҳам...»

Энг оддий нарсалар ҳакида сұхбатлашдик. Новвойхонага иккинчи неч ўрнатадиган пайт келганлиги, тасодифан болаликдаги ифорга дуч келиб қолиш қанчалар одамни қанотлантирадиган туйғу эканлиги, ўтмишга назар солмаслик фақат аҳмоклар ёки қаҳрамонларгагина хослиги ҳакида беъмани тортишувлар...

Уйга ўз-ўзинг билан ҳалол бўлиш қанчалар мухимлиги ҳакида ўйлаганча қайтдим. Мана шундай ҳолдагина қаёққа юришингни англашинг мумкин. Ҳалоллик ҳиссиётларни шаффофлаштиради — юрагингни янада яхшироқ эшитасан. Биз кўпинча ўзимизга ачинамиз, ўзимизни оклаймиз, бирорларга қиёслаймиз ва ўзимизга тегишли бўлмаган ҳаётни қумсаб яшаганча йўлдан адашамиз. Ҳақиқий ўзлигинга элтадиган йўлни излашдан чўчимаслик, ўз танловингга масъулиятли бўлиш, эришган натижанг учун жавобгарликни бошқага тўнкамаслик керак.

Сени соғинган...

Даданг

21

Балки, сен у ердадирсан?

Досту,

икки куним алаҳсираш билан ўтди. Ҳароратим кирқ, кўййутал бўлиб қолибман. Воқеаларнинг узук-юлуқ парчалардан бўлак ҳеч нарсани эслолмайман. Фонендо скопли тепакал йигит, юзимни нам сочиқ билан ишқалаётган Мария, Марснинг қўлларимни ялаётган силлиқ тили, ўрнимдан туришга бўлган уринишими... Мудрок аралаш қимиirlадим, кейин яна жойимга қуладим.

Такрорланаётган туш, гира-шира кўринишлар. Қизим, сени уммон ёнида қўраман. Ўша ол рангидаги пальтонгда. Орамизда йигирма қадамлар масофа бор. Олдингга боргим келса-да иложини тополмайман. Оёқларим ўзимга бўйсунмайди...

Сенинг қўлларингда хатлар. Халтжиллар очилган, айримларидан менинг хуснихатим кўриниб турган қоғозлар чиқиб турибди. Мен томонга қарайсан. Бир қўлинг билан хатларни кўксингга босасан, бошқаси билан малла соchlарингни қулоғинг ортига беркитасан...

Сени чакираман, лек овозим чиқмайди. Бамисоли асаб хужайраларим бирин-кетин ўлиб бораётгандек. Тезда сени кўриш, эшитишдан хам мосуво бўлсам керак.

Эдип Сүффи

Хатларни шоша-нинча наилтонг чүнтиклиарига тиққанча уммонга ўгирилиб, сувги туша бошилайсан. Мавжлардан холи сув мұздан-да сонук. Сув белингача келади. Кейин яна күтарили-күтарила елканғта етади. Мен шунча бақирмоқчи бўлсан-да бефойда. Уммон сени ютиб юборади. Сув сатҳи бир неча лаҳзада яна теп-текислашади. Хулиси сен умумаш бўлмагандек...

Уйғониб кетаман. Тепамда Мария. Терларимни артиш учун охиста әгилади. Буларпинг бари туш эканлиги қандай бахт.

* * *

...Хасталигимнинг учинчи куни эрталаб ўрнимдан тура олдим. Аввалига бошим айланиб, дори-дармонлар турган түмбочкагага йиқилиб тушай дедим. Нафас олиш оғир. Уйда ҳеч ким йўқ. Мария Леон билан Марсни айлантиргани чиқиб кетган бўлса керак. Шимимни, свитеримни кийдим, эгнимга курткамни илдим, пойабзални оёғимга кийганча уйдан чиқдим. Кўчада қуёш чараклаб ётар, ҳар-ҳар жойда қорлар эрий бошлаганди. Абадий киш шаҳрида бундай иссиқни илк бор кўришим...

Сен билан битта шаҳардалигимизни била туриб уйда ётолмайман. Сен, шубҳасиз, мени излаётган бўлсанг керак.

Бу ерга келганлар бошина сўраб борадиган уйлар томонига юраман. Балки, сен ўша жойдадирсан?

Шаҳарнинг марказий майдонига барча шаҳарликлар йиғилиб олишган, дам олиш куни ва порлоқ қуёшдан қувонишмоқда. Чагалайлар паст учганча дам олаётганлар отган егуликларни ҳавода илиб олишаяпти. Чодирларда қаҳва қайнатишияпти, пахтақандлар ясашиб, қуймоқлар пиширишмоқда. Вокзалдаги ўша кундагидек яна аккордеон оҳанглари янграмоқда...

Кўнглим ниманидир сезмоқда...

«Денгиз соати» пансиони олдида шундай кун муносабати билан тезликда ясалган ёзги айвонда ўнлаб кишилар қаҳва ичганча гитара чалишиб, ракс тушишмоқда. Столлар ёнида ўтарканман синчиклаб қараб чиқаман. Энг четки стол ёнида соchlари калта турмакланган қиз ўтирибди. Менга орқа ўгириб ўтиргани учун юзини кўролмайман. Пальтоси ол рангда, бўйнида шарф, ёнида жомадони... Досту!

Сен бир ўзинг, столчада чойнак, финжон ва мурабболи печенье. Хатли конвертни очасан.

Қадамларимни тезлатаман. Хасталикдан сўнг ожизлашиб қолганимни ҳис қиласман, бошим айланади, ҳаяжондан қулоғим шанғиллайди. Бўш турган столча ёнига чўкаман: дам олиш, шошилмаслик, сенга тўйиб олиш ва хат ёзиш учун!

Яна бир неча дақиқадан сўнг мен орtingдан яқинлашаман ва кифтингга қўлимни қўяман. Сен ўгрилиб қарайсан...

Одна Сибирь

Сүнгсүз

*Даврада нур тарат,
Бошқача баҳт иўқ!
Ёрглик нелигин
Ўрган юлдуздан.*

Осип Мандельштам

ГАНС ВА ДОСТУ: АЙРИЛИҚҚА КҮНИКОЛМАГАН ЯХЛИТ БАХТ

Салом, азизим Амир.

Поезда кетаётиб ёзаяпман, яна уч кунлик йўл бор. Истамбулга етиб борган заҳотим бу мактубни сенга жўнатаман.

Сенга миннатдорлик билдиromoқчиман. Оғир кечган ойларимда bemиннат кўмакдош бўлганинг учун.

Тақдир мендан оиласми бўлакларга бўлганча тортиб олди. Ғалати туюлса-да бундан нолимайман. Одам ўз ҳаётига, у қандай бўлмасин, хурматни сақлаб қола билиши керак. Бу эса ўз-ўзинг билан ёлғонлар ва нафсониятсиз очик-ошкора гаплашиб олишдан бошланади.

Менинг болалик йилларим уруш йилларига тўғри келди. Аччик кўзёшлар, очлик, ўлим...

Эсимда, мен ярим вайронга кўчага югуриб чикиб, уйимиз узра худди бизни муҳофаза қилиб тургандек эгилиб қолган қарағайга (уни ўтин учун кесиб олмаганларига ақлим стмасди) қараганча ўйлардим: ҳаёт қанчалар гўзал. Унда оғриклардан кўра гўзаллик кўп. Қарағайнинг мумли, ачқимтил ва салқин ифорини ҳеч қачон унутмайман!

Эллин Сафарли

Отам фронтдан қайтиб келмади. Катта синфларда дарслардан сўнг тўқимачилик фабрикасида ишлардим, арзимас пул топсам ҳам бу биз учун катта гап эди. Ойимга ёрдам беришга харакат қиласдим. Ойим чарчаб қолган, тунлари йиғлаб чиқарди. Менинг ҳаётга бўлган севгим ойимникига қараганда кўп бўлганлиги учун ҳам тирикликтининг қўлидан тутиб қолдик. Ёш эдим, кучим ҳам шунга яраша эди.

Ойим отамниг ўлимидан сўнг чўкиб қолди. Отамни телбаларча севарди. Йиғлаётиб нолирди...

«Нимага тақдирим бунақа бўлди..?»

Мен эса бунга жавобан нима дейишни ҳам билмас, ҳатто менинг борлигим ҳам унинг азобларини енгиллатмаётганлигидан хафа бўлардим.

Мен онамни сўнгги лаҳзагача қувонтиришга харакат қиласдим. Бироқ, онам кўзларини бир умрга юмишдан олдин ҳам ўша саволни берди.

«Нимага тақдирим бунақа бўлди?!»

Мен Чеховни ўқиб катта бўлдим ва ундаги муҳим сатрларни учратдим.

«...Агар ҳаётни янгидан, шу билан бирга оқилона бошлий олганимизда-чи? Яшаб ўтган ҳаётимизнинг биттаси қоралама бўлса-ю, иккинчисини унга қараб оққа кўчиргандек яшасак! Ўшанда, ўйлашимча, ҳар биримиз, аввало, ўз-ўзимизни тақрорламасликка ҳаракат қиласан, ҳеч бўлмаганда ўзи учун бошқача ҳаёт шароитини яратган бўлармидик...»

Олтин Сүйрөн

Агар, ойимга иккинчи бор уршынб қўриш имкониятини беринганида, ҳандай ишаги бўларди? Бахтли яшашига ишонгим келади. Оидидан келажакка ёвига қарагандек қаримледан.

Амир, Абадий қин шахридан кетаётниб, ўтмишим ҳақида ўйга толаман, у менинг янида териюқ очилади.

Ганс ва Досту — битта яхлитлик. Уларни битта киндик боғлагану кесиб бўлмайдигандек. Улар турни дунёлардаги алоҳидаликка кўникиша олинимади.

Досту учун отаси дунёларга тенг ёди. Митти пайтларидаёқ отасининг бағрида осудалик тонар, унинг эртакларисиз ухлай олмасди. Бу алоқа мени бахтли қилди: бизнинг фарзандимиз ота-оналар берадиган энг асосий нарса — меҳр-муҳаббат огунида ўсди.

Кейин биз уни йўқотиб кўйдик. Оқкои хасталиги...

Уни қизимиз илк бор уммонни кўрган ўша шаҳарда дафн қилдик. Бир куни Достудан кимни кўпроқ яхши кўришини сўрашди. У эса ўта жиддий жавоб берди.

«Уммонни, дадам ва ойимни! Яна хўжагат қиёмли печенъени...»

Аслида Ганс Досту ўлган куниёқ бу дунёни тарқ этганди. У ҳаётни севарди ва қизимиз учун севгининг намунаси эди. Шунинг учун ҳам у йўлда давом этди.

Элін Сағарлы

Унинг хатларини ўқийман. Йиғлайман. Ганс ҳаммасини бошқача күрар экан. Болаларча соддадиллик, саволлар бериш ва уларга жавоб излашдан күркмаслик билан. Хатолар орқали орттирган тажрибалари туфайли кашфиётларга етиб келиши билан.

У қизининг бу дунёда йўқлигига ишонмасди. Унинг юраги бошқа биронни қизи билан адаштириб кўйганида тўхтаб қолган. Ўша қиз уни шифохонага етказибди...

Кетишимиздан олдин Леон билан уммон соҳилига, тўнкарилган қайиклар ёнига бордик. Мен эрим билан сайр қилганларимизни эсладим: тўлқинларнинг чизгиларидан уммоннинг кайфиятини билиб олардик, кор остида музлаб қолган чиғанокларни кафтимизга олганча иситардик, мен унга бўронлар ҳакида китобларни ўкиб берардим, у эса шамол эсган пайти жароҳатлар тезрок битиб кетиши ҳакида сўзларди.

Ганс ва Досту ҳозир биргалигини ўйлаганимда тинчланаман. Энди уларнинг орасида масофа йўқ. Соғинишлар, оғриқлар, вақтнинг ер қонунлари йўқ. Улар биргаликда мен билан ёнма-ён. Улар соҳил бўйлаб кўзга кўринмас тарзда ёнимда боришмоқда. Уларни факат қалб билангина кўриш мумкин.

Умид бизни кутиб турибди, у аллақачон ўзига яқин жойдан квартира топиб кўйган. Кадикей деган жойда. Ёзишича, деразамиздан каштанли масжид

Элмин Сафарли

кўриниб тураркан. Пулимиз етарли: харидорга оқ уйимиз шу қадар ёкиб қолдики, савдолашиб ўтирмади.

Менга Марс ва Ўзғир етишмаётгандек, аммо уларга сен қараб турганинг учун кўнглим хотиржам. Марсни олгани яна келаман.

Ҳаммаси учун раҳмат, дўстим.

Maria

Айтгандай, новвойхона бизнинг севимли
кишимиз номи билан аталганидан баҳтиёрман..!

* * *

Сиз бирор маротаба шаҳар — севган кишингиз эканлигини пайқаганмисиз? У сени эшитади, ғамхўрлик кўрсатади, баҳам кўришади ва сен ҳам камкўп демасдан ўзингда борини унга берасан. Бу шаҳар билан худди севган одаминг каби муносабатга эгасан. Гоҳ кўтаринки, гоҳ мискин, баъзида кўнгил ранжишлар билан...

Қарама-қаршиликлар. Улар қандай бўлмасинлар, энг муҳими денгиз оқими теранликларидағи мавжуд нарса муҳимдир. У ерда эса муҳаббат мавжуд...



Элчин Сафарли

МУНДАРИЖА

I қисм	5
1 – Ўзингга азоб ўйлаб тошма.....	7
2 – Бизга кўп нарса берилған, лек уларни қадрламаймиз...	11
3 – Қайикдасан, қаёққа сузаётганишни унутма!	16
4 – Ҳаёт — бу шунчаки йўл.. Одимлашдан лаззат ол!	20
5 – Биз бир-биримизга жуда керакмиз...	24
6 – Бизнинг ягона бурчимиз — ҳаётин севини	28
7 – Мен сени қанча керак бўлса, шунча кутаман!	33
8 – Ақлсизликнинг ярми оқилликдан нишона, оқилликнинг ярми ақлсизликдан...	37
9 – Вактнинг измида эканлигиниши унугт, бари изига тушади...	41
10 – Сени қучоғимга олсам дейман!.....	45
11 – Тирик нарсалар ўзгариб турниша маҳкум...	49
12 – Орамиздаги жозиба ўз ҳаёти билин яшайди...	54
13 – Машакқатларга қарамай ҳар бир кунни унтилмас қилиш мумкин!	58
14 – Нега одамлар орзумандлигидан уялишади?	63
15 – Бир куни шундай одамии учратасанки, унинг кўзларидан сенга тақдир караб туради...	67
16 – Тирик инсонни севини ажойиб тухфа!	72

Эллин Сафарли

17 – Ҳеч қаёққа шошилма, йўқса мўъжизани үтказиб юборасан...	76
18 – Сен туфайли ҳаётим янгича файз касб этди	80
19 – Абадий, ўзгармас бахт — азобми?	84
20 – Бошқаларнинг бахти ҳакида қайғуришда ҳам бахт бор...	88
21 – Кўрқма, танлаган йўлинг сени жарликка етакламайди!	92
22 – Орзу йўлида чекинма, унга етишмоқ учун таваккал қилишдан чўчима!	96
23 – Ўзинг олишни хоҳлаган нарсангни бер!	100
24 – Ҳақиқатни кўриш учун ҳаётни кузатсанг бас...	104
25 – Яшаш учун мақбул пайт келишини кутиб яшаш — беъмани важ.....	108
26 – Сўз топилмай қолганда...	112
27 – Оғриқ ва кўркувдан кочма, уларнинг кўзига тик қара!	114
II қисм.....	117
1 – Сенга танлаш имкони берилган. Биргина шарти — муҳаббат	120
2 – Дунё — ҳаёт учун ажойиб ва мароқли жой.....	124
3 – Денгизга бор ва тўлқинларга ўз қайғунгни соч!	129
4 – Нималар бўлганлигининг фарқи йўқ, муҳими — нималар борлиги!	133
5 – Кўзларингни юм ва озодликка сингиб кет!	137
6 – Ҳақиқат ҳамиша ёқимлимас, аммо ёлғондан афзал!	141

Әлни Сағағы

7 – Сен ўзинг билмаган ҳолда менга кўп нарсани — қабул қилиш, кечириш ва ишонишни ўргатдинг.....	145
8 – Мехрға таалуқли бўлмаган нарсаларга бебаҳо вактингни сарфлама!	149
9 – Кимки бу дунёда бир-бирини севган бўлса, ундан кейин ҳам албатта учрашишади...	153
10 – Ниманики суғорган бўлсанг, у сенда гуллаб мева тугади...	157
11 – Уммонга салом йўллайман...	161
12 – Бахт меҳнатни талаб қиласди... Ёнбошлаб ётганингда ўзи келмайди!	165
13 – Маъюс хаёллар келиб-кетинигаизн бер! Уларни зинхор ушлаб қолма...	170
14 – Мен сени қучаман ва биз уйга борамиз...	175
15 – Худойим, канча ажойиб нарсалар бизни кутмоқда...	178
16 – Қайтадан бошлишга ҳеч қачон кечмас! Ўн беш ёшда ҳам, етмиш бешда ҳам...	182
17 – Бир хил йўллардан юрсак-да, ҳеч учрашмаймиз...	186
18 – Сен излашни тўхтатанингда бахти топган бўласан...	190
19 – Бутун оила бўлиб яна суратга тушадиган кун, албатта, яқин!	194
20 – Аслингта йўл топишдан чўчима!	198
21 – Балки, сен у ердадирсан?	201
Сўнгсўз	205
Ганс ва Досту: айрилиққа кўниколмаган яхлит бахт	207

821.512.162-3

С 34

Сафарли, Элчин. Қайтганимда уйда бўл... ёхуд баҳт ва айрилик битигими тақдирнинг? [1-китоб] / Э. Сафарли. - Тошкент: Sharq-ziyo zakovat, 2020. - 216 б.

УЎК 821.512.162-3

Ладабий-бадиий нашр
Элчин Сафарли
ҚАЙТГАНИМДА УЙДА БЎЛ...
ёхуд баҳт ва айрилик битигими тақдирнинг?

Оллоёр Бегалиев таржимаси

Лойиха раҳбари: Элзод Султонов
Мухаррир: Улуғ БЕК
Бадиий мухаррир: Шахзода Султонова
Техник мухаррир: Нурзоид Султонов
Мусаҳҳих: Севинч Аҳмедова

**Нашр лицензияси: А1 № 286,
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа уйи таҳририянида тайёрланди, «Sharq-ziyo zakovat» МЧЖнинг матбаа бўлимида оғсет усузида чоп этилди ва «Академия поширлик маркази» давлат унитар корхонасида муковаланди.

Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$. «TimesUz» гарнитураси. Шартли босма табоғи 13,5.

Нашриёт-хисоб табоғи 14,17.

2020 йилнинг 14 январь санасида босилига рухсат этилди.

Ладали: 5000 нусха. 20/01-сонли буюртма.

Бахоси келицилган нархда.

ISBN 978-9943-5566-6-9

Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-даҳа, 60/14-уй.


Телефон: +998 71 244-6000; 95 196-4421.

Маркетинг бўлими: +998 91 162-1417; 95 196-4421.

41043

821.512, 162-3

С 34



Айни дамларда ҳаётнинг абадийлигини аниқ ҳис этаяпман. Ҳеч ким ўлмайди, айни ҳаётда кимки бир-бирини севган бўлса, ундан кейин ҳам учрашадилар. Вужуд, исм, аслият — барчаси ўзгарса-да, бир нарса оҳанграбодек бизни бир-биримизга тортаверади: муҳаббат абадий қовуштирувчиdir.

Ҳозирча эса мен яшаяпман — гоҳ севаман, гоҳ эса севишдан толиқаман. Лаҳзаларни эслаб қоламан, улар ҳақида эртага ёки ҳаётимнинг донишманд йилларида ёзиш учун бу хотираларни авайлаб сақлайман.

Сафарм

ISBN 978-9943-5566-6-9

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-5566-6-9. Below the barcode, the numbers 9 789943 556669 are printed.

SHARQ
ZIYO ZAKOVAT